ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

اوزبکستان ادبیاتی وصنعتی

1991 يلدا

ҲАФТАЛИК 1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

4 ОКТЯБРЬ, № 40 (3144) ЖУМА

СУРАТДА: Ўзбекистон миллий боғида Алишер Навоий тўйига бағишланган маросимдан лавҳалар

С. МАҲКАМОВ суратга олган

БАҒРИМИЗ БУТУНМИ?

СЕССИЯ ЗАЛИДАГИ ЎЙЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ навбатдан ташқари еттинчи сессияси иши депутатлар қабул қилган қарорга биноан республика телевидениеси орқали тўла намойиш этилди. Миллион-миллион сайловчилар депутатлар залида кечган воқеаларни, жўшқин эҳтиросларни ҳароратли нутқларни кўрдилар ва эшитдилар. Аммо жумҳуриятимиз рўзномаларида эълон қилинган сессия иши тўғрисидаги расмий ахборотни ўқиб таажжубга тушмаслик мумкин эмас: «Фалон-фалон масалалар муҳокама қилинди, фалончи-фалончилар сўзга чиқдилар, тегишли қарорлар қабул қилинди», тамом-вассалом. Марказий матбуот бўлса қитмирликда давом этмоқда. Россия радиоси сессиядан тўрт кун аввал «Тошкентда аҳвол мураккаб, 15 мингга яқин милиционерлар пойтахтни ўраб олдилар», деган ғирт уйдирмани тарқатди. «Комсомольская правда» Андижон ва Наманганда мусулмонлар «ғалаёнлари» бўлиб ўтаётганлигини хабар қилди. «ТСН» программаси подадан олдин чанг чиқарди. Унинг таъкидлашича, Ўзбекистонда Олий Кенгашнинг еттинчи сессияси 30 сентябрь куни эмас... 26 куни бўлиб ўтган ва унда бир гуруҳ депутатлар президентнинг истеъфога чиқишини талаб қилганлар.

Хўш, куни билан далада, станок ёнида меҳнат қилган, ярим тунгача телеэкран ёнидан кетмаган оддий сайловчи кимга ишониши керак? «Тошкентда тўполон», «Каримовга қарши исён», «Ўзбекистон парламентида «ЧП» дея ваҳима солаётган марказий матбуотгами ё маҳаллий агентликнинг сиппа-силлиқ, қуппа-қуруқ ахборотигами?

Бизнингча, сайловчи ҳар иккисига ҳам ишонмайди. Чунки биринчиси воқеаларни қасддан бузиб кўрсатиш, йўли билан вазиятни кескинлаштиришга ва эҳтимолки издан чиқаришга ҳаракат қилаётган бўлса, иккинчиси ЎзТАГнинг тайёр материали билан иш битириб, жонини қойитмаяпти.

Бу йўлнинг ҳар иккиси ҳам виждон йўли эмас.

Хўш, Ўзбекистон парламентининг навбатдан ташқари еттинчи сессиясида нима воқеа содир бўлди?

Айтиш лозимки, бугунги кунни аввалги сессия кунларига, икки-уч ой олдинги даврларга қиёслаш мутлақо мумкин эмас. Жумҳурият ўзгарди — у Мустақилликка эришди. Мустақиллик куни Миллий байрам сифатида нишонланди. «Эрк» демократик партияси рўйхатга олинди. Республика Компартияси ўзини тамомила бадном қилган КПСС сафидан чиқди. Республикада янги — халқ демократик партиясини тузиш ҳаракатлари бошланди. «Эл» халқаро ташкилоти ўтказган нуфузли тадбир, Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги тантаналари, Миллий боғнинг очилиши, миллий қадриятларга бўлган эътибор.., буларнинг ҳаммаси халқимиз руҳини кўтарди, яхши кунлар умидини мустаҳкамлади.

УМИД УЙҒОНГАН ЖОЙДА фикр туғилмоғи лозим, чунки биз орзулаётган жамики нарсалар — чинакам мустақиллик, чинакам ошкоралик, чинакам демократия, чинакам адолат хаёли **ошкора** мушоҳадага кўчмас экан, умид умидлигича қолиб кетаверади.

Депутатлар еттинчи сессияга фикран уйғоқ ҳолда келдилар, десам хато бўлмас. Шу жиҳатдан қараганда, А. Қўчқоров ва Ш. Нусратовнинг чиқишларини шахсан мен «кутилмаган ҳодиса» ёки «фавқулодда ҳол» деб баҳолаш фикридан йироқман. Депутатлардан бири «касалини яширсанг, иситмаси ошкора», деган халқ иборасини тилга олди. Дарҳақиқат, қачонлардир шундай бўлиши, кимдир бошлаши, ўртага чиқиши керак эди. Шундай бўлди ҳам. Яъни, аввалги сессияларда йўл қўйилган бир қанча хатолар, парламент ишидаги нуқсонлар, қонунларни тайёрлашдаги тажрибасизликлар, мунозара юритишдаги уқувсизлик, парламент одобининг етишмаслиги ва бошқалар рўйи рост айтилди. Яъни:

— сессия кун тартибига қўйилаётган қонун лойиҳалари депутатларга ўз вақтида юборилиши керак;

— муҳим қонун лойиҳалари матбуотда эълон қилинмоғи, умумхалқ муҳокамасидан ўтмоғи зарур. Қонун қабул қилаётганда шошма-шошарликка йўл қўйиш мутлақо мумкин эмас;

— сессияда қабул қилинган қарор ва ҳужжатлар матнига бирон-бир ўзгартиш киритиб бўлмайди;

— сўз сўраган ҳар бир депутат ўз фикрини тўла ифода этиш имкониятига эга бўлсин. Нотиқларнинг фикрини бўлиш, луқма ташлаш, танқид учун изза қилиш, у ёки бу формада тазйиқ ўтказиш одобсизлик ҳисобланади;

— жумҳурият раҳбарлари парламент аъзоларининг сўровларига вақтида жавоб беришлари, сўровларнинг бирортасини ҳам эътиборсиз қолдирмасликлари лозим.

Бундай камчиликлар, афсуски, парламентимиз фаолиятида мавжуд ва буни ҳеч ким инкор эта олмайди. Мустақил жумҳуриятнинг Олий Кенгаши бу қусурлардан қутулгани сари обрў-эътибори, ишчанлиги ортиб боради.

Депутат М. Умарова ўз нутқида кун тартибига киритилган масалаларда мантиқий изчиллик йўқлигини ифодалади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш тўғрисидаги Қонунни қабул қилмасдан туриб, сайлов муддатини белгилаш ва ҳатто номзодларни аниқлаш

Давомн иккинчи бетда

СИЗНИ ТАНИЙ БОШЛАДИК, БОБО!

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ 30 октябрь куни беҳаловат ва қизғин бошланган еттинчи сессияси кўтаринки руҳ билан якунланди. Сессия адоғида мустақил Ўзбекистоннинг жаҳонгир Амир Темур давлатининг, айтиш мумкинки, ҳазрат Алишер Навоий нигоҳи тушган байроғидан ҳам ранг ва улуғ олган ўз байроғи қабул қилинди. Бир сўз билан айтганда, Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг 550 йиллик тантанали кунларида мустақил жумҳуриятимизнинг истиқлол байроғини бош узра баланд кўтардик.

Бугдан бир неча кун муқаддам эрта тонгда эса Тошкентнинг Бешёғоч даҳаси теварагида яшовчи кўпчилик шаҳарликларни тантанали карнай-сурнай садолари уйғотди. Улуғ бобокалонимизнинг жумҳуриятимиз бўйлаб ўтаётган юбилей тантаналари 28 сентябрь куни янги барпо этилган Ўзбекистон миллий боғига кўчди. Бундай тантаналарда илк бор ўзбек миллий урф-одатларига кўра дошқозонларда наҳорга ош дамланди. Қуръон оятлари ўқилиб, улуғ шоир хотирасини эслаб, юзларга фотиҳа тортилди.

Наҳор оши ва ундан кейинги тантаналарда ҳукумат раҳбарларидан тортиб оддий фуқароларгача каттаю кичик, турли миллат вакиллари қатнашдилар.

Анҳор устига қурилган тўрт кўприк билан туташган йўлкалар, мармар зиналар бошлаб борувчи юксакликда тикланган ҳазрат Навоий ҳайкалини очишга бағишланган маросим айниқса гавжум бўлди. Шаҳар жамоатчилиги иштирокида Ўзбекистон жумҳурияти Президенти Ислом Каримов алвон лентани қирқди. Ҳарир парда оҳиста тушиб, йиғилганлар кўз ўнгида улуғ Навоийнинг нуроний чеҳраси намоён бўлди.

Самарқандлик ҳайкалтарошлар Э. Алиев, Н. Бандееладзе, В. Дегтарев тиклаган бу ёдгорлик улуғ бобомиз орзу-армонларини ифода этгандек, ёдгорлик теварагидан бамисли Фарҳод қазиган канал оқиб турибди. Бир томонда эса мовий кўл.

Йиғилганлар ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Илк кўчатлар ўтказилди.

Мен шу куни, кўнглимизда аллақандай юксакликни ҳис этяпмиз, дегувчиларни кўп учратдим. Бу улуғ шоир ҳайкали баландликда қад кўтарганидан эмас, албатта. Тоққа қанча яқинлашсанг, у шунча юксала боради. Биз шонли тарихимиз, хусусан Навоий улкан хазинаси сари чинакам маънода юз бурдик. Биз Навоийни таний бошладик ва кўз ўнгимизда у буюк халқ тимсоли сифатида юксалиб бормоқда.

Ана шу туйғу Халқлар дўстлиги саройида ўтказилган тантанали кеча ва байрам концерти жараёнида ҳам кўнглимизни тарк этмади. Биз буни таниқли шоир Абдулла Ориповнинг эҳтиросли маърузасида ҳам, заҳматкаш таржимонлар литвалик Галина Кобецкайте, Санкт-Петербурглик Сергей Иванов, қозоғистонлик олим Абдилдин Жабайхон, украин шоири Грицко Халиманенко, туркманистонлик олим Ашир Оразов, бокулик профессор Жаннат Нагиева, Эроннинг СССРдаги элчихонаси биринчи котиби Ҳусайн Интизорий, қирғизистонлик адиб Асан Жақшилиқов, Тожикистон Бош вазирининг ўринбосари Ҳабиб Саидмуродов, Москва Адабиёт илмгоҳининг ректори Евгений Сидоров нутқларида ҳам яққол ҳис этиб турдик.

Шу муҳташам залда биринчи марта адабиётимиз классиклари Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат авлодларига 1991 йилги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари топширилди. Шундай мукофотга ҳинд адиби ва таржимони Манзар Салим, шунингдек бир гуруҳ санъаткорлар ҳам сазовор бўлдилар.

БУНДАН КЎКСИМИЗ яна кўтарилди. Ушбу қутлуғ лаҳзаларда мен улуғ бобокалонимиз, умуман адабиёт ва санъатимиз муҳлиси сифатида Навоий ҳақида биринчи ўзбек романи муаллифи Ойбек, саҳна навоийномасини яратган машҳур актёрлар Аброр Ҳидоятов, Олим Хўжаев, Раззоқ Ҳамроев, атоқли бастакор Юнус Ражабий, таниқли мўйқалам соҳиби Чингиз Аҳмаровни ҳам хаёлимдан кечирдим.

Навоий йилида улуғ бобомиз тўйи давом этмоқда. Куни кеча эрталаб яна Навоий боғига йўлим тушди. Салобатли ёдгорлик пойида салла ўраган, беқасам тўн кийган самарқандликми, қашқадарёлик мўйсафид ёшгина ўспирин билан дуога қўл очиб турарди. Демак, зиёратгоҳ пойидан одамлар аримайди.

Жумҳуриятимиз мустақиллик сари қадам қўйган шоён бир дамда асрлар оша Низомиддин Мир Алишер мадад қўлини чўзиб турибди. Мустақиллик қомил инсонлар қисмати. Ўтмиш маданияти, хусусан, энг бой маънавий мерос яратган Алишер Навоий ижодини чуқур ўрганмасдан комилликка эришиб бўлмайди. Пойтахтимиз марказида Навоийнинг улкан ҳайкали қад ростлади. Энди у ҳар ўзбек қалбида тикланиши жоиз. Навоий қалбда ва имонда!

Саъдулла ҲАКИМ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДА АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУКОФОТИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари қўмитасининг 1991 йилги Алишер Навоий номидаги Давлат мукофотларини бериш тўғрисидаги таклифларига биноан

Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги юксак асарлар учун 1991 йилги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари қуйидагиларга берилсин:

Абдулла ҚОДИРИЙга (раҳматли) — Ўзбекистон адабиётини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси, ўзбек миллий романи мактабини яратгани («Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Обид кетмон» романлари) учун;

Абдулҳамид ЧЎЛПОНга (раҳматли) — ўзбек шеъриятини ривожлантиришдаги улкан хизматлари («Яна олдим созимни» тўплами) учун;

Абдурауф ФИТРАТга (раҳматли) — ўзбек драматургиясини ривожлантиришдаги, реалистик адабий танқидчилик ҳамда адабиётшунослик мактабига асос солишдаги хизматлари («Абулфайзхон», «Ҳинд ихтилолчилари» драмалари ва ўзбек адабиётига оид тадқиқотлари) учун;

Шермат (Шерали) ЖУРАЕВга — сўнгги йиллардаги концерт-ижрочилик фаолияти учун;

Баҳодир Фазлиддинович ЖАЛОЛОВга — рассом;

Серго Михайлович СУТЯГИНга — бош меъмор.

Саминжон МУИДИНОВга — халқ устаси.

Мурод Юнусович ФОЗИЛОВга — меъмор — Қўқон шаҳрида қурилган маданий томоша бинолари мажмуаси учун;

Манзар САЛИМга — Ҳиндистон фуқароси, адиб ва таржимон, ўзбек ёзувчиларининг (Ҳамза, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Зулфия ва бошқалар) асарларини урду тилига юксак маҳорат билан таржима қилгани учун.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1991 йил 25 сентябрь

НАВОИЙШУНОСЛИКДА ҲАМКОРЛИК КЕРАК

Навоий тўйи адабиётимизнинггина эмас, халқимизнинг чинакам байрамига айланди. Айни пайтда, бу тўй шоир меросини ҳозиргидан ҳам кенгроқ ўрганиш ва тадқиқ этиш лозимлигини кўрсатди. Мухбиримизнинг шоир юбилейи муносабати билан жумҳуриятимизга ташриф буюрган навоийшунос олимлар, ижодкорлар билан суҳбати ана шу ҳақда борди.

Ринардо ЗИПОЛИ (Италия, таржимон):

— Алишер Навоий асарлари билан илк бор итальян тилига қилинган баъзи таржималар орқали танишганман. Ўшанда у менда ончалик катта таассурот қолдирмади. Кейинчалик турк тилини озми-кўпми ўрганиб, ўқий бошлаганимдан сўнг унинг шеъриятига сеҳрланиб қолдим.

Навоий ўзида Шарқ шеъриятини мужассамлаштирган, исломнинг ақидаларини ва туркий халқлар қалбидаги туйғуларни шеърга сола олган, инсоннинг ҳар жиҳатдан камолотини орзу қилган ижодкордир. Уни Италия адабиётида Дантега тенглаш ва ҳатто ундан ҳам устивор қўйиш мумкин.

Мен шоир асарларини таржима қилиш билан бирга, уларни бугунги замонавий техника — компьютерлар ёрдамида тадқиқ этишни ҳам мақсад қилиб қўйдим. Навоийнинг ранг-баранг ва ғоят катта меросини бошқача тадқиқ этиш учун инсон умри етмайди, деб ўйлайман.

Сергей ИВАНОВ (Санкт-Петербург давлат дорулфунунининг профессори):

— Ўзбек, турк ва жаҳон адабиётида ҳам Алишер Навоий ижоди, унинг мероси ўзининг дунёвий аҳамияти жиҳатдан нисбатан кеч тадқиқ қилина бошлади. Бу тадқиқотларда ҳам шоир ижодига ҳамиша тўғри баҳо берилган деб бўлмайди. Бундан атиги бир неча ўн йиллар муқаддам «Алишер Навоий форсий анъаналарнинг туркий тилдаги тарғиботчиси эди», деган мулоҳазалар ҳукмрон эди. Баҳоланки, ижодкор барча асарларини туркий тилда яратганлиги ва туркий улусларни яққалам қилганлиги кундай аёндир. Ў ҳатто умрининг охирги йилларида яратган «Муҳокаматул луғатайн» асари хотимасида шундай ёзади: «...ва хаёлимга мундоқ келурким турк улуси фасиҳларига улуғ ҳақ собит қилдимки, ўз алфоз ва иборалари ҳақиқати, ўз тил ва луғатлари кайфиятидин воқиф бўлдилар ва форсиғўйларнинг иборат ва алфоз бобида таън қилур сарзанишидин қутулдилар». Шу маънода Навоийнинг турк адабиётини ва адабий тилини яратишдаги меҳнатлари илмий асосда ҳаққоний баҳоланиши керак.

Шоир асарларини тадқиқ қилишда эътибордан соқит қилинган яна бир масала — бу шоирнинг динга муносабатидир. Шу ўринда унинг «Лисон ут-тайр» достони алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу достон шоирнинг бутун ҳаёт йўлининг якуни, ижод йўли ҳақида рамзий ривоятдир. Афсуски, унга шу кунларгача диний-мистик асар деган тамға босиб келдик. Умуман, шоир асарларидан диний йўналиш олиб ташланди ва у салкам даҳрийга айлантирилди. Эндиликда шоир ижодини бу жабҳада ҳам ўрганиш лозим.

Бугун навоийшуносликда учта қатлам бор. Биринчиси — ўзбек адабиёти тадқиқотчилари, иккинчиси — туркий адабиётлар навоийшунослари, учинчиси — бошқа халқлар адабиёти вакиллари. Эндиликда навоийшуносликдаги ана шу уч қатламни бирлаштириш керак.

Мен Навоий асарлари устида олиб борган ишларимга суянган ҳолда, ҳеч шубҳасиз, у жаҳон адабиётида беқиёс сиймо деб айта оламан.

Давомн еттинчи бетда

Фитратнинг қизи Севара Кароматхўжаева Давлат мукофотини қабул қилиб олмоқда

Р. ЖУМАНИЕЗОВ (ЎзТАГ) суратга олган

ОҚ УМИДЛАР ЎЛКАСИ

БУ ҲОЛ, БУ МАНЗАРА муттасил ҳар йили такрорланади. Сунбула туғиб, мезонлар ҳавога арғамчи солар-солмас, юртимиз далалари ажиб бир оқликка бурканади. Пахтакорларимизнинг пайкалларга жамланган заҳматлари, ҳалол пешона терлари ҳосил бериб эгатларда бодроқдек жилваланади. Ана шу дақиқалардан эътиборан деҳқон аҳли учун яна бир масъулиятли давр, унинг ўз тили билан айтганда, жўжани санайдиган онлар бошланади. Чор тарафдан аксариятимизга гўдаклигимизданоқ таниш ифор — пахта ҳиди анқий бошлайди. Бу ҳид то кеч кузаккача далаларимизни, қишлоқларимизни тарк этмайди. Аксинча, деҳқоннинг юрган йўлидан, ўтирган ўрнидан, кийган кийимидан ҳатто, еган овқати-ю, ичган чойидан ҳам баралла уфуриб туради.

Бироқ, яширишнинг ҳожати йўқ, бу бебаҳо неъматга узоқ йиллар мобайнида бошқа ҳидлар қўшилиб кетган, оғулар аралашган даврлар ҳам кўп бўлди. Оқибатда у одамларни қувонтирадиган хуш бўйга эмас, балки кўнгилни озиб, юракка ҳадик-қутқу соладиган, бошимизни гангитиб, жисми-жонимизни заҳарлайдиган офат-балога айланди.

Бир вақтлар куз келиши биланоқ далаларимизни-ку айтмай кўя қолай, қишлоқларимизни ҳам бадбўй, сассиқ ҳид тутиб кетарди. Ғўза баргини тўкиш учун самолётлардан аёвсиз бутифос сепиларди. Улардан сачраган заҳар ҳовли-томорқаларимизга, ариқ-ҳовузларимизга ҳам келиб тушарди. Аҳоли ана шу оғуланган ҳаводан нафас олишга, касаллик манбаига айланган сувдан ичишга, заҳри қотилга тўйинган мева-сабзавотдан истеъмол қилишга мажбур эди. Хуллас, барг тўкиш, ғўза зараркунандаларига қарши кураш жараёнида ўзбек халқининг насли ҳам заҳарланарди. Аммо ҳеч ким бу ҳақда оғиз очиб, эътироз билдиролмасди. Чунки замон шунақа эди, давр шунақа эди. Пахта сиёсий масала даражасига кўтарилган даҳшатли қурол эди. Бу қурол эса энг аввало деҳқоннинг ўзига қаратилган эди. Ватанга ўз аҳолисининг соғлигидан кўра ана шу хаста-ноги-

Давомн иккинчи бетда

БАҒРИМИЗ БУТУНМИ?

Боши биринчи бетда

мумкинми? Ёки бир мунча муддат илгари тугатилган Бош Вазир лавозимини қайтадан таъсис этмай туриб ва бу хусусда Республика Конституциясига ўзгартиш киритмай туриб бу масалани қандай ҳал этиш мумкин?

Кўпгина депутатлар Олий Кенгаш ишидаги нуқсонларни куюнчаклик билан гапириб ўтдилар. Жумладан, у ёки бу масалаларда кўпдан-кўп комиссиялар тузилади, аммо улар нима иш қилганлиги, нима хулосага келганлигини ҳеч ким билмайди. Иш шу даражага етиб бордики, қайси масала пайсалга солиниши лозим бўлса, шу ҳақда албатта комиссия тузилади ва... ҳеч нимага эришилмайди. (Бу усул биргина парламентимиз фаолиятига эмас, кўпгина идоралар, вазирликларга ҳам тегишли).

Депутат Т. Тўлаганова Конституцион назорат комитети фаолиятини кескин танқид қилди. Конституциямизга мувофиқ Конституцион назорат комитети Олий Кенгаш топшириғига биноан сессия муҳокамасига киритилган Қонун ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳаларини Республика Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида хулосалар беради. Комитет ўзининг бу вазифасини нечоғли бажараётганлиги хусусида етарли ахборот йўқ. Мунозараларга, эътирозларга сабаб бўлаётган лойиҳалар, ҳужжатлар эса етарлича топилади. Демакки, депутат танқидини тўғри тушунмоқ лозим.

БОШҚА БИР ГУРУҲ ДЕПУТАТЛАР вакиллар кенгашлари йиғилишларининг «биз вакиллар йиғилишида ўртоқлар билан маслаҳатлашдик, шунга келишдик, шу ўртоқларнинг номлари таклиф этилди, шу номзодлар кўрсатилди, қўллаб-қуватланди», қабилидаги қарорларига жиддий эътироз билдиришди. Асосий мажлислар олдидан оқсоқоллар кенгаши, вакиллар йиғилишларини ўтказиш бизда азалий одат ва бунга эътироз билдириш қийин. Чунки маслаҳатли тўй тарқамас, дейдилар. Аммо бу ишнинг битта «нозик» жиҳати бор. Яъни, вакиллар кимлар? Уларга вакиллик ваколатини ким берган, қачон берган? Яширишдан ҳожат нима, бизда бирон бир вилоятнинг у ёки бу тадбирдаги вакиллари тахминан қуйидагилардан иборат: обкомнинг биринчи ва иккинчи котиблари, ижроқўм раиси, 2—3 та райком секретари, битта механизатор, битта ут соғувчи. Асосий фигура — кадрлар билан ишловчи иккинчи котиб. Эҳтимол, янглишаётгандирман, аммо фикримча, уларни расмий равишда вакил қилиб ҳеч ким сайламайди. Раҳбарлар шундоқ-шундоқ бўлсин дейди ва шундоқ бўлади.

Ҳозирги янгича шароитларда бу иш ҳам жиддий ислоҳ қилиниши лозим. Яъни вакиллар, оқсоқоллар кенгашлари ошкоралик руҳида ташкил топмоғи лозим. Бундай қилинганида мураккаб вазиятларда вакиллар билан ошкора маслаҳатлашиб олиш осон кўчади. Залдан туриб ҳеч ким «Бу номзодни ким кўрсатди?» деб қўлини пахса қилмайди. Ошкораликни, ҳамма нарса аввалдан ёки танаффуслар чоғи залнинг орқасида эмас, кўпчиликнинг кўз ўнгида, ҳалол ҳал қилинсин.

Билдирилган танқидий мулоҳазалар асосан шулардан иборат. Телетомошабинлар гувоҳ бўлганларидек, президиум танқидни тўғри қабул қилди. Хатоларни тан олиш, янглиш қарорларни тузатиш, чор-атрофдан юқори сари ўрлаётган «ахборот»ларнинг қай бири пок, қай бири қопоклигини ажрата билиш — бугунги кун раҳбари учун ғоят зарур бўлган хусусиятдир. Аммо шуни ҳам унутмаслик керакки, беморни соғайтиришдан кўра касалликнинг олдини ола билиш жамият учун ҳар тарафлама фойдалидир.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Нима кўп — танқиднинг тури кўп. Занглаб ётган мурватларни ҳаракатга келтиришга, тугунларни ечишга, хавф-хатардан огоҳ қилишга, адолатга, умуммнафаатларга хизмат қилувчи ҳар қандай танқид соғлом ва фойдалидир. Бордию бундай бўлмаса, шахсий манфаат, адоват деган тўшунчалар танқид либосини кийса, бундай танқидчиликдан қуруқ ҳаяжон, ногаҳоний шовқингина қолади, холос. Шу жиҳатдан қараганда, ертинчи сессиядаги уйғониш ҳар қалай фойдадан холи бўлмади, дейиш мумкин. Буёғи энди фаолиятимизнинг танқидий таҳлилига ва депутатларимиз парламент одоби деган зарур фазилатни нечоғли тезроқ эгаллаб олишларига боғлиқ.

ХАЁТНИНГ МАЪНОСИ — хулоса ва ибратлардан иборат. Инсон ким бўлишидан қатъи назар — менми, сизми ва ёки август ойининг қора қаҳрамонлари бўлмиш янаевчиларни яхши ният билан барғига олган Михаил Сергеевичми, ҳаётий воқеа ва ҳодисаларнинг ҳар биридан — яхшисидан ҳам, ёмонидан ҳам ўзи учун зарур хулосалар чиқармоғи лозим. Хўш, бизда аҳвол қандай? Бағримиз бутунми?

Сўнгги мулоҳаза. Фикрлар ранг-баранглиги — бу мақсад ва манзиллар ранг-баранглиги деган гап эмас. Мустақилликка эришган, истиқбол йўлларимиз энди-энди равшанлашаётган, жаҳонга қўл узатмоқчи бўлиб турган бугунги кунимизда ҳамжиҳатлик, ҳамфикрлик биз учун сув ҳаводек зарур.

Буни унутмаслигимиз керак!

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

ТЎНТАРИШДАН ИНҚИЛОБГА

МУСТАҚИЛЛИК ҲАҚИДА ЎЙЛАР

ОЧИҒИНИ АЙТГАНДА, уч кунлик давлат тўнтариши пайтида мен учун бамисоли қиёмат-қойим келиб, яшашнинг қизиғи қолмади. Ахир, озодлик, ҳурлик офтоби жуда кўп булутларнинг қаршилигини енгиб, эндигина юз кўрсатиб, ҳаётбахш нурларини соча бошлаган маҳалда фавқулодда ҳолат эълон қилинди, ҳарбий интизомга мувофиқ одам боласининг ўз эрки, ўз ихтиёрига кўра фаолият кўрсатишига йўл қўйилмаса, ҳамма ерни қоронғилик, зулмату зимистон қоплайдики, бундай шароитда кун кечириш тириклайин ўлишнинг ўзи-ку!

Тўнтаришдан кейин-чи? Табиийки, қайтатдан тирилгандай бўлдим. Хўш, энди нима қилиш керак? Мана, ноқонуний ҳукумат ағдарилиб, тўнтариш раҳбарлари қамоққа олинди, яқин кунларда жазосини олади, биз эса нашидасини суриб беғам, беташвиш дўппини осмонга отиб юраверамизми?

Табиийки, ҳар қандай зафардан қувонасиз, роҳатланасиз, бироқ ҳар куни тўй бўлиши асло мумкин эмас-ку, ахир! Аммо худонинг хом сут эмган бандаси қани энди ҳар куни эмас, балки ойлаб, ҳатто бир неча йил сурункасига нуқул шодлигу хуррамлик «денгизи»да сузиб юрсанг, деб орзу қиладики, дафъатан мана шу кайфият яқинда рўй берган давлат тўнтаришининг қанчалик даҳшатли фожиа эканини англашга, ундан тегишли хулосалар чиқаришга халақит беради.

Маълумки, жумҳуриятимиздаги рўзномалар, радио ва телевидениеда фитна давом этган уч кун мобайнида «янаев»чиларнинг барча фармонлари, кўрсатмаю буйруқлари, чақириқлари эълон қилинди. Хайриятки, бундан адабий-бадиий ҳафталигимиз мустаснодир.

Хайриятки, мана, инсонийлик туйғусини ҳақиқат, адолат ҳукмронлик қилган шароитда авж олдириб, минглаб, миллионлаб қалбларга сингдириш ва шу тариқа ҳаётнинг барча тармоқларидаги тараққиётга хизмат қилдириш имконияти яратилди. Ахир, ўша фитналар тўла фаолият кўрсатган уч кун бир ёмонлик, фожиа, манфурлик ғоятда зўр эзгулик, бахт-саодат, адолат ғалабасини таъминлаяпти!

Ҳа, Ўзбекистон Совет Социалистик республикасининг номи ўзгартирилиб қисқа, аниқ ва жуда мазмунли қилиб, мустақил Ўзбекистон жумҳурияти деб эълон қилиниши тарихий ҳодисадир, деб баҳоланаётгани бежиз эмас. Бинобарин, бу ўзгаришни амалга оширишда ташаббускор бўлиб, ўзига хос мардлигу матонат кўрсатган жумҳуриятимиз раҳбарияти, биринчи галда президентимизга ҳурмату миннатдорчилигимизни изҳор этиш инсоний бурчимиздир. Лекин нима учун халқимиз мана шундай тарихий инқилобнинг моҳиятини тушунолмаяпти, мустақиллик кунини кўчаларга чиқиб баралла байрам қилишга, баралла нишонлашга шошилмаяпти, деб нола чекиб, шикоятомуз мулоҳазаларни ўртага ташлаяпмиз?

Менимча, бунга ажабланишнинг ҳожати йўқ. Чунки, етмиш йилдан ортиқ муддат ичида Бутуниттифоқ ҳамда жумҳуриятимиз миқёсида тахминан ўн-ўн беш карра юксак доиралардаги бош раҳбарлар, етакчи ҳокимлар янгиланса, улардан ҳар бири эл-юртимизнинг мустақиллигини таъминлаб, халқимизнинг озод, эркин дунёда яшаши, меҳнат қилиши, мисли кўрилмаган бахту саодатга мушарраф бўлишига жуда чиройли ваъдалар бердилару, бироқ кўпинча бу ваъдалар, афсуски, юзага чиқарилмасдан қуруқ сўз бўлиб қолди-ку, ахир! Лоақал совет раҳбарларидан биринчи бўлиб Ленининг Чор Россияси халқлар турмаси эди, эндиликда турма тугатилиб, барча халқлар, миллатлар озод бўлди, улар ўзларининг тақдирларини ўзлари белгилайди, деб бутун дунёга бонг урганини эсланг-да, бу ниҳоят-да, тўғри, ҳаққоний, доно сўзлар, афсуски рўёбга чиқарилмасдан асло етиб бўлмайдиган орзу, хаёл бўлиб қолганига эътибор беринг! Майли, бутун дунё меҳнаткашларининг доҳийси деб ардоқланган буюк зотнинг (бу «буюклик»нинг қандай намоён бўлгани ҳаққоний таҳлилу тафтишдан ўтказилмоқда!) башорати қандай натижаларга олиб келганини махсус изоҳлашга бу ўринда эҳтиёж бўлмаса керак. Бошқа раҳбарларнинг қандай ваъдалар бериб, нималарни амалга оширганию, нималарни юзага чиқармагани, чиқаролмаганини ҳам бир чеккага қўйиб турайлик: кечаги август давлат тўнтаришининг раҳбарлари, тарафдорларидан қайси бири эл-юртимизнинг мустақиллигини эътироф этмаймиз, ҳурлик, эркинлик, озодликка чанг солиб, яна сталинизмни, диктатурани зўравонликни «тирилтирамиз» деди? Янаевми ёки Пугоми? Йўқ бундай дейиш тугул аксинча, бир овоздан якдиллик билан Горбачёв бошлаган инқилобий қайта қуриш, ошкоралик, демократиялаш сиёсати мамлакатимизни жарликка олиб келди, ваъдалар амалда бажарилмади, боши берк кўчага кириб қолдик, иқтисодий, сиёсий, маънавий маданий инқирозлар тобора авж олдирилиб, кенг кўламда давом эттирилмоқда, ҳақиқий эркинликни биз амалга оширамиз, бахтли келажакни биз таъминлаймиз, шунинг учун олти ойга фавқулодда ҳолат эълон қилияпмиз, қатъий тартиб ва интизом ўрнатишдан бошқа йўл йўқ, бу чора-тадбирлар вақтинчадир, келгусида барча инқирозлару қолоқликка барҳам берилади, деб бонг урилди-ку, ахир!

ЭТИРОФ ЭТИШГА МАЖБУРМИЗКИ, фитначиларнинг айрим мулоҳазалари, хусусан, иқтисодий «ўпирилиш»лар асло барҳам топмасдан тобора кенгайиб, даҳшатли жарликлар, ҳалокат ёқасига олиб келганининг қайд этиши қисман асослидир. Шунинг учунми ёки бошқа сабабданми, тушунибми ёки тушунмасданми ёхуд онгли равишдами, давлат тўнтаришини ёқлаб чиқиш, ҳатто унга тарафдор бўлиш ҳоллари учрадики, бунинг моҳиятини англаш учун бутун дунёни титратган «уч кунлик» тарихни ҳар томонлама чуқур таҳлилу тафтишдан ўтказилмаса, кимларнинг қандай фаолият кўрсатгани аниқланмаса, чинакам тараққиёт йўлига тушиб кетишимиз аммиҳаолдир. Зотан, тўнтаришнинг уфқи ниҳоятда кенг бўлиб, у ҳар бир инсон эмас, оилада, давлатнинг ўзидагина эмас, балки унинг барча шохобчаларида, умуман, моддий маънавий ва маданий бойликларни нозу неъматларни ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида рўй бериб туришини эътибордан соқит қилиш асло мумкин эмас.

Айтайлик, оилада катта уруш-жанжал бўлиб, оқибатда эр ёки хотин кетиб қолса, болалар уларнинг меҳридан маҳрум этилса, буни ўзига хос тўнтариш дейиш мумкинмасми? Бирорта давлат ёки партия корхонаси, ташкилотининг раҳбари ўз вазифасидан четлатилса, бунга шундай баҳо берсак, янглишмаймизми? Айтайлик, ижодий бирлашмалар ёки оммавий ахборот воситаларидаги каттаю кичик масъул ходимлар, бошлиқларнинг кимлар, нималарнинг тайзиқига кўра ўрин алмашиб туриши-чи? Жумладан, «Ёшлик» ойномаси ёки «Халқ сўзи» муҳаррирларининг яқиндагина ўз ихтиёри, ўз аризасига кўра лавозимидан кетишига қандай қараш керак? «Мулоқот» ойномасининг ўтган йили дунёга келиб, бу йилнинг охирида тугатилиб, мустақил нашрдан қайси бир жариданинг иловасига айлантирилиши-чи?...

Табиийки, мен бундай ўзгаришларни даҳшатли фитнаю исёнлар оқибати деб ҳисобламайман. Бироқ турғунлик, дабдабабозлик йилларида ҳар хил миқёслардаги раҳбарлар кўпинча «ўз аризасига кўра», «касаллик муносабати билан», «бошқа ишга ўтиши туфайли» ишдан олинардию, аслида бу шунчаки баҳона бўлиб, улар хилма-хил тайзиқу тақиқлар асосида шундай қилинганлиги сўнгра очилардики, булар ҳам ўзига хос катта-кичик тўнтаришлардир.

Жумҳуриятимиз Олий кенгаши раёсатининг бундан бир-икки ой олдин Ошкоралик комитетини тугатиб, бошқа жамоага қўшиб юборилиши, куни кеча эса қарорнинг бекор қилиниб, Ошкоралик комитетининг қайта тикланиши ҳам шунга ўхшаш кайфият ҳосил қилган эди.

Табиийки, яхши нарсанинг қайта тикланиши жуда катта ижобий воқеадир ва мазкур комитетнинг иккинчи умрини бошлаб бериш тағин Э. Воҳидовга топширилгани нур устига нур бўлди.

Бу ерда кишини хурсанд қиладиган яна бир ҳолат мавжуд: гап шундаки, кимлардир Ошкоралик комитетини бошқа уюшмага қўшиб юбориш баҳонасида бутунлай йўқотишга жазм этилгани хато эканлиги тан олинган, деб ҳисоблаш керак. Агар ана шу хатонинг рўй бериши ва сўнгра барҳам топтирилиш тарихи батафсил очиб ташланса, фақат наф келтирарди, холос.

Бирорта ташкилот, корхона ёки уюшма бошлиғи ёхуд ходими ишдан ҳайдалибдими ёки ўз ихтиёри билан кетибдими, бас, бундан кейин осмон узилиб ерга тушмайди, фақат ўзимга кир юқмаса бўлди, дея лоқайдлик, бепарволик кайфиятига бериламиз. Афсуски, бу «касаллик» ниҳоятда кенг тарқалган бўлиб, унинг мустаҳкамлиги, чуқур илдиз отганлигини таъминлайдиган бир қанча омилларни кўрамиз: биринчидан, 1917 йилнинг Октябридан кейинги етмиш йил ичида моддий нозу неъматларни ишлаб чиқаришнинг феодал-қулдорлик муносабатлари фақат шаклан ўзгартирилдию, моҳияти билан ҳозиргача сақланаяпти. Бу қолоқликдан қутилишнинг бирдан-бир тўғри йўли — хусусий мулкчиликни тараққий эттириш ўрнига социализмни қуришга муккасидан кетдик, ҳатто капитализмдан «ҳатлаб» ўтиб, коммунизм меваларидан баҳраманд бўламиз, деб бонг урдик, оқибатда қандай социализм, қандай коммунизмга келиб қолганимиз ҳаммага аён. Иккинчидан, иқтисодиётдаги шаклий ўзгартишлар, чунончи, колхозлаштириш, индустрлаштириш, маданий инқилоблар натижасида эришилган айрим муваффақиятларни ўн, юз, ҳатто минг карра ошириб-тошириб кўрсатишга ўрганиб қолиб, бу сиёсат одамларни «юқори»дан бериладиган ҳар қандай тўғри ёки нотўғри буйруқларни бажарадиган «винтчалар», «робот»лар даражасига тушириб қўйди. Учинчидан, мафкурамиз бутун инсоният тарихида бизнинг сиёсатдан илғор, инсонпарвар, тараққийпарвар сиёсат бўлган эмас, бўлиши мумкин эмас, деган ақидани норасмий қонунга айлантириб, унга камситиш, эзтироз билдирса совет ҳокимиятининг душмани сифатида қораланди.

Тўғри, бундай маҳдудлик муҳитида ҳам мислсиз қаршиликларни енгиб, ҳам ўзининг, ҳам ўзгаларнинг эрки учун курашга отланиб, кўпинча мағлубиятларга учраганига қарамасдан баъзи ҳолларда мустабид тузум, мустабид мафкура қилмишқидирмишларини фош этадиган марду майдонлар ҳамма вақт топилиб турадию, бироқ улар бутун эл-юрт, омма фаоллигига қўшилгандан кейингина вазиятни тубдан ўзгартириши мумкин, холос. Бундан ҳар соҳада фаол, ўткир, зеҳнли, ҳушёр, жанговар марду майдонлардан қанчалик фахрланса, лоқайдлик бепарволик «ботқоғи»га ботиб ётган халқимизнинг кўпчилик фарзандларини тўла оқлаб, уларни кўкларга кўтариб мақташ зарур деган маъно келиб чиқмаслиги лозим. Ҳолбуки, биз халқимизни мислсиз меҳнаткаш, заҳматкаш, сабр-тоқатли, чидамли деб мадҳ этганимиз этган.

ТАБИИЙКИ, БУНДАЙ МАДҲИЯ ЗАРУР, лекин меъёридан ошириб юборилган мақтов (ғап ана шундай мақтов, мадҳия ҳақида кетаяпти) инсоннинг ҳушёрлиги, фаоллиги, курашчанлигини сусайтиради, унинг ўз меҳнатидан тўла баҳраманд бўлишига, маънавият равнақига халақит беради. Бинобарин, жумҳуриятимизнинг алоҳида мустақил миллий давлат деб эълон қилиниб, 1 сентябрни шу санага бағишланган байрам сифатида нишонланиши ҳақидаги Олий кенгаш қарорлари халқимизнинг қалби, онгу тафаккурига етиб бориб, сингиб кетмаётганлиги ҳақида ойнаи жаҳон орқали айрим таниқли арбоблар, зиёлилар, ижодкорлар, хусусан, Шукрулло, Эркин Воҳидов куйинишиб гапиргани бежиз эмас-ку, ахир!

Албатта, куйиниб гапириш кимларгадир таъсир кўрсатади, бироқ бунинг ўзи етарлимас. Хўш, энди нима қиламиз?

Гап шундаки, барча миқёсу босқичлардаги раҳбарият ҳамда фуқаролар, меҳнаткашлар ўртасида катта узилиш, жарлик пайдо бўлдики, бундай вазият, мана, кейинги олти йил ичида озгина ўзгардию, ҳали чинакам инқилобий бурилиш ясалмади.

Шунга қарамасдан ўрганган кўнгил ўртанса қўймайди, деганларидек халқни алдаш, аврашга чек қўйилмади: қарийб бир ярим аср мобайнида бажарилмаган ишлар бажарилди, деб ишонтиришга ҳаракат қилинса, қайта қуриш, ошкоралик, демократиялаш даврида озгина сабр қилинглар, чиданглар, тез орада қайта қуришни амалга оширамиз, мислсиз ғалабаларни қўлга киритамиз, деб яна чиройли ваъдалар билан чалғитиш кучайтирилди, аммо салмоқли, аниқ ишлар, чора-тадбирлар орқали мустаҳкамланмагани туфайли ҳеч кимга наф келтирмаяпти.

Эндиликда қуйидаги вазиятга диққат қилинг-а, кеча ўша тўнтариш мағлубиятга учрадими, эртасигаёқ «Известия» газетаси жамоаси дарров темир интизомни қайтатдан «тирилтириш» йўлида иш олиб борган бош муҳаррирни, унинг тарафдорларини вазифаларидан бўшатиб, янги раҳбар сайлашди, рўзномани демократик асосда қайта қуришди. Марказий ойнаи жаҳонда ҳам худди шундай туб ўзгариш рўй берди. Ҳатто қарийб бир ярим асрдан буён совет коммунистларининг байроқдорлари «Правда» рўзномаси ҳам ўз дастуридан воз кечиб, эркин, мустақил фаолият кўрсатишга киришди...

Энг муҳими, Горбачев КПССнинг етакчи раҳбарлигидан ўзини соқит қилди, коммунистик партия фаолияти тўхтатиб қўйилди ва у яқин орада ўзини-ўзи тарқатиб юбориши керак, деган талабноманинг амалга оширилишига йўл очилди. Хўш, бундан кейин нима бўлади, денг? Табиийки, кўппартиялилик рўёбга чиқиб, компартиянинг яккаҳокимлигига барҳам берилади, буйруқбозлик, лаганбардорлик, ёлғон-яшиққа асосланган тоталитар тузум мағлубияти таъминланиб, мустақил демократик жумҳуриятларни зўравонлик асосида эмас, балки чинакам тенглик, ўз ихтиёри билан бирлашадиган бутунлай янги Иттифоққа асос солиняпти.

ХАЙРИЯТКИ, БУНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР шабадаси жумҳуриятимизга етиб келяпти. Биринчи галда яна такрорлаш жоизки, Ўзбекистонимиз мустақил давлат деб эълон қилиниши, бу ҳақда махсус баёнот ва қонун тасдиқланиши, кучга кириши, 1 сентябрь бундан кейин мустақиллик байрами сифатида нишонланиши, жумҳуриятимиз номидан «совет, социалистик» сўзларининг олиб ташланиб, Ўзбекистон жумҳурияти деб аталиши ҳақиқатан ҳам тарихий воқеадир. Ўзкомпартия мол-мулки халқ мулки деб эълон қилиниши-чи? Ички ишлар вазирлиги, давлат хавфсизлик қўмитаси, бошқа ҳуқуқшунослик идоралари, шунингдек, ижодий уюшмаларда партия фаолиятининг тўхтатилиши-чи? Кўппартияликнинг юзага чиқарилишини кўзлаб «Эрк» демократик партиясининг рўйхатга олиниши-чи? Ленин номидаги майдоннинг Мустақиллик майдонига айлантирилиши-чи...

Тўғри, тўнтаришни бошимиздан кечирмадик, қон тўкилиб, фожиалар рўй бермади, буларнинг барчасини Москва кўрди ҳамда Ельцин раҳбарлиги Россия демократлари зиммасига тушди. Бироқ ўшандай хавф, ўшандай тўнтариш, фитнаю исёнлар жумҳуриятимизда ҳеч қачон бўлмайди, бўлиши мумкин эмас, деб ким кафолот беради?

Ишончим комилки, бу саволга узил-кесил ижобий ёки салбий жавоб қайтариш ғоятда мушкул. Негаки, жумҳуриятимизнинг партия ва давлат раҳбариятининг ўртача ҳамда юқори поғоналаридан мустаҳкам ўрнашиб олиб, «яширин миллионерлар» даражасига кўтарилган, шу мавқеини сақлаб қолиш учун марксизм-ленинизмнинг ҳар бир ҳарфига қанадай ёпишиб олган «янаевчи»лар ашаддий коммунистлар билан уларнинг жуда кўп мухлислари бор экан, ҳар қандай тўнтариш, фитна, исёнга йўл қўйилмайди, деб айта олмаймиз. Яна бир қанча муаммолар мавжуд: дейлик, ижодий ташкилотлар, хусусан, Ёзувчилар уюшмасининг компартия тасаррўфидан чиқарилгани айни муддаодир, лекин ҳали ижодий мустақилликни таъминлайдиган рўзномаю ойномалари таъсис этилмади-ку? «Эрк» партиясининг рўйхатга олинганига хайрихоҳман, бироқ у ўз дастурини тарғиб этадиган мустақил оммавий ахборот воситаларига эга бўлмаса қандай эркинлик ҳақида гапириш мумкин? «Эрк» дан бошқа ноформал уюшмалар ҳам рўйхатдан ўтказилиб, уларнинг фаолиятини таъминлайдиган шароит яратилмаса, қандай тенглик, демократия юзага келади? Ўзкомпартия мол-мулкини халқ мулкига айлантирган фармон жуда яхши, аммо бу молу мулкнинг қайси улуши қандай қилиб, кимларга берилади? Ишчилар ёки деҳқонлар қандай воситалар орқали қачон иқтисодий мустақилликни қўлга киритиб, қачон чинакам бозор иқтисодиётини барқарор этиб, фаровонликка эришади? Қарийб бир ойдан буён «Яшасин Мустақиллик» деб ҳайқираётганимиз қалбимиздан отилиб чиқаётган қувончимиз ифодасидир, аммо ёзувчи учун эркин, ҳур ижодий майдон яратилмаса, ишчилар заводу фабрикаларга, деҳқонлар эса ерга эгалик қилиб, иқтисодий мустақилликка эришилмаса, давлат мустақиллиги қоғозда қолиб кетмайдими?

Агар ана шундай ўнлаб саволларга ҳаққоний, аниқ жавоблар топилмаса, ҳар бир инсоннинг ҳақ-ҳуқуқини, мустақиллиги, ҳурлиги, эркинлигини таъминлайдиган муаммолар, жумбоқлар ечилмаса, иқтисодиётда, сиёсатда, маънавиятда маданиятда фақат ижобий томонга кескин бурилиш ясалмаса, ҳеч қачон инқилоб, мустақиллик бўлмаслигини тушунган ҳолда фаолият кўрсатиш, курашиш пайти келди.

Норбой ХУДОЙБЕРГАНОВ

ОҚ УМИДЛАР ЎЛКАСИ

Боши биринчи бетда

рон одамларнинг меҳнати эвазига етиштириладиган хомашё қадрлироқ ва қимматлироқ эди. Худди шу боис бутун бошли халқни фалокатга маҳкум этганлар жазоланмас эдилар. Пахтакорнинг заҳмати маҳсулини сувтекинга сотиб олиб, ўн баробар ортиқроқ фойда кўраётган тайёрга айўрганган шундай улкан юҳолар таладики, бунинг заҳри ҳали-вери юрагимиздан кетмайди. Улар фақатгина бизнинг нонимизни туя қилмадилар, фақатгина саломатлигимизга путур етказмадилар, айни чоғда халқимизнинг қадр-қимматини ҳам оёқости қилиб, қанчадан-қанча одамларимизнинг умрига зомин бўлдилар. Узоққа бормай, кечаги кунни бир эсланг. Аслида яхши ният билан бошланган қайта қуриш дастлабки кезларда ўзбек деҳқони учун қайта қириш билан тенг бўлмадими? Таажжубланарлиси, аввалларида одамларни юқорининг топшириғини бажаришмагани, яъни қўшиб ёзишмагани учун жазолашарди, керак бўлса, фирқадан ўчириб, вазифасидан олишарди. Кейин эса тескарисини қилишди қўшиб ёзишгани, айнан ўша юқорининг кўрсатмаларини амалга оширишгани учун қамашди. Бу адолатсизликларнинг жабрини ҳар иккала ҳолатда ҳам юқоридагилар эмас, асосан ўрта бўғин кадрлари, оддий раҳбарлар ва халқ тортди.

Ҳар сафар шу ҳақда ўйласам, кўз ўнгимда бекободлик собиқ хўжалик раҳбарлари Абдуқодир Қозоқбоев, Ҳайдарали Ҳамроқулов, Йўлдош Аҳмедов, Нарзулла Абдураҳимов, Илҳом Ортиқовлар гавдаланади. Мен бу тажрибали деҳқонлар билан туман ва вилоят рўзномаларида ишлаб юрган кезларим кўп марталаб учрашгандим. Улар ўзлари бошчилик қилган хўжаликларни, таъбир жоиз бўлса, елкаларида опичлаб катта қилишганди, эл-юрт ободлиги, халқ равнақи учун куч-ғайратларини аямагандилар. Афсуски, қўшиб ёзишни фош этиш даврида уларнинг бирорта ҳам хизматлари инобатга олинмади, йўл қўйган айрим хатолари ёнига кўпдан-кўп асоссиз айбларни қўшиб, барчасини узоқ муддатларга озодликдан маҳрум этишди. Кейинчалик эса ўлардан баъзилари батамом оқландилар, баъзиларига берилган жазо енгилига ўзгартирилди. Аммо адолат юзага чиққунга қадар ўзлари ҳам, оила аъзолари ҳам кўп азиятлар чекишди. Абдуқодир Қозоқбоев, Йўлдош Аҳмедовларга эса уйларига қайтиш насиб этмади, улар қайта қуриш даврининг қурбони бўлдилар.

Таассуфки, бундай нохуш мисолларни жумҳуриятимиз миқёсида жуда кўплаб келтириш мумкин. Улардан келиб чиқадиган хулоса эса битта: Ўзбекистонга ҳалоллик ва поклик олиб киришга бел боғлаганларнинг ўзлари ҳам амалда қонунбузарликка йўл қўйишган, қўшиб ёзишни текшириш натижаларига ўзлари ҳам қўшиб ёзган эканлар. Алқисса, ноҳақ жазога тортилганларнинг кўпчилиги оқланди, лекин бу борада адолатсизликка йўл қўйган қонунбузар қонуншуносларнинг бирортаси ҳам қилмишига яраша жазо олмади. Яқинда эса уларнинг раҳбарлари Гдлян ва Иванов устидан қўзғатилган иш иттифоқ прокуратураси томонидан бекор қилинди. Гўё уларнинг хаттиҳаракатларида жиноят аломатлари йўқ эмиш. Бундан чиқди шунча оқланганлар қаллобу, уларга нисбатан адолатсизлик қилган ҳуқуқшунослар оппоқ экан-да. Ана сизга ҳақиқат, ана сизга мантиқ!

КИШИНИНГ ДИЛИНИ изтиробга солиб, нафратини қўзғайдиган яна бир ҳол: бундан беш-олти йил муқаддам Ўзбекистон бутун дунёга ёмонлиқ қилинган эди. Марказий телевидение ва матбуотда «Ўзбеклар иши» ҳақида катта-катта мақолалар, кўрсатувлар берилган, халқимизга маломат тошлари отилганди. Кейинги йилларда жумҳуриятимизда пахта майдонлари анча қисқарди. Илгаригидек то қишга қадар пахта теришлар, сўнгги чаноққача давлатга топиришлар барҳам топди. Шундай бўлса-да, ялпи ҳосилдорлик деярли камаймади. Бу ўз-ўзидан турғунлик йиллари Ўзбекистонда қўшиб ёзиш баъзи бировлар талқин этган даражада бўлмаганидан далолат беради. Буни москвалик ҳамкасбларимиз ҳам яхши билишса керак. Аммо улар хатоларини тан олишни, бир вақтлар ўзлари шов-шув қилган ишларнинг миси чиқаётганини ёзишни хаёлларига келтиришаётганини ҳам йўқ. Аксинча, эндиликда мустақил Ўзбекистоннинг тинч ҳаётига раҳна солиш учун янги-янги туҳмат, иғволарни тарқатишга зўр бермоқдалар. Ўзбек пахтакорларининг меҳнат фаолияти, эришаётган ютуқларига келганда эса гоҳ-гоҳида икки-уч оғиз маълумот бериш билангина кифояланмоқдалар.

Бу гаплар билан мен бировга таъна қилмоқчи эмасман, фақат ўзбек халқининг, жумладан, ўзбек деҳқонининг қадр-қимматини тиклаш, унинг ҳақ-ҳуқуқини мустаҳкамлаш учун эндиликда энг аввало ўзимиз жон куйдиришимиз лозимлигини таъкидламоқчиман, холос. Бинобарин, бу борада жумҳуриятимизда бирмунча ишлар қилинмоқда. Чунончи, деҳқонга ер берилди, эрк берилди, уни илгаригидек мажбурлашларга чек қўйилди. Деҳқон ҳам ҳақ-ҳуқуқини таний бошлади. Қалбида ерга муҳаббат, меҳнатга рағбат туйғулари қайта уйғонди.

Аммо деҳқончиликда олдиндан катта гапириб бўлмайди. Негаки, етиштирилажак ҳосилнинг тақдири кўп жиҳатдан обҳавога боғлиқ. Ана шу нуқтаназардан қараганда, 1991 йил пахтакорларимиз учун анча оғир келди. Кўкламда кетмакет ёмғир, сел ёғиши туфайли экинзорларимизга жиддий зарар етди, чигит қайта-қайта экилди. Боз устига, ёз фаслида иссиқлик етарли бўлмади. Ғўзалар сust ривожланиб, пахта кеч етилди. Техника ва эҳтиёт қисмларнинг, ёнилғи ва маданий ўғитларнинг танқислиги ва нархи кўтарилиб кетгани ташвишга-ташвиш қўшди. Шунга қарамай, далаларимизда мўлжалдагидек ҳосил тўпланди. Йиғим-терим пухта тайёргарлик кўрилган ҳолда бошлаб юборилди. Натижада деҳқонларимиз 13 кун ичида бир миллион тонналик хирмон уйдилар. Шу кеча-кундузларда эса иккинчи довонни забт этиш арафасида турибдилар.

Йиғим-теримда Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари карвонбошилик қилмоқдалар. Кунлик ўсишда эса теримга нисбатан кечроқ киришган сирдарёлик ва жиззахлик пахтакорлар илғорлар сафига чиқиб олишди. Айниқса, Тошкент вилояти деҳқонлари эришаётган ютуқлар қувончли бўлмоқда. Бу вилоятда машина терими оммавий равишда бошлаб юборилгач, кунига давлат буюртмаси режасига нисбатан 5—6 фоиз миқдорида пахта тайёрлаш имкони туғилди.

МУЛ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИШ ва уни йиғиб-териб олишда экин майдонларининг деҳқонларга ижарага берилгани, пахтанинг харид нархи бирмунча оширилгани, қўлда терилган хомашёнинг ҳар килосига 40 тийиндан, машинада терилганининг тоннасига 25 сўмдан ҳақ тўланаётгани ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бироқ, барибир, очиғини айтиш керак, ҳозирги пайтда деҳқон аҳлига осон тутиб бўлмайди. Бозор иқтисодиёти унинг ҳам тинка-мадорини қуритмоқда. Шу боис у асосан азалдан ўзини боқиб келган ерга ва кетмонига умид боғламоқда. Ер эса меҳнатдан қочмаган одамдан саховатини аямайди. Зеро бу йил ҳам шундай бўлди. Айни кунларда бутун юртимиз бўйлаб пахта ҳиди таралмоқда. Ўз меҳнатимиз эвазига бунёд бўлган рчзқ-рўзимизнинг асосий қисми ҳали далаларда ётибди. Деҳқонларимиз эса ғаним кунлардан фойдаланиб, уни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олишга интилмоқдалар.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ

Қутлайлиз!

Ҳурматли Озод Шарафиддинов!

Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси кўп минг сонли мухлисларингиз номидан Сизни — фидойи мунаққид ва заҳматкаш таржимонни — табаррук ёшингиз билан чин дилдан самимий муборакбод этади.

Сиз ғоят мураккаб, шарафли ҳаёт ва ижод йўлини босиб ўтдингиз. Аввал Тошкент Давлат дорулфунунида, кейинчалик М. Горький номидаги Жаҳон адабиёти институтининг аспирантурасида таҳсил кўраётган пайтларингиздан бошлаб ўз умрингизни бадиият яловини баланд тутиш, чинакам сўз санъатини танқидий-эстетик идрок ва тарғиб-ташвиқ этишдек ўта серзаҳмат ишга бахшида этдингиз. Сизнинг илк танқидий мақола ва тақризларингиз 1953 йилда чоп этила бошлаган бўлса, ўшандан буён ўтган қариб қирқ йиллик ижодий фаолиятингиз, айниқса, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Ориповдек сўз санъаткорларининг ижодий фаолияти атрофлича таҳлил этилган қатор тадқиқотларингиз ҳамда «Замон. Қалб. Поэзия» китобингиз билан танқидий жасорат намуналарини кўрсатдингиз, десак, ўйлаймизки, муболаға қилмаган бўламиз. Сизнинг ўткир, сезгир ва талабчан қаламингиз битган «Биринчи мўъжиза», «Байроқдорлар», «Адабий этюдлар», «Абдулла Қаҳҳор», «Абдулҳамид Чўлпон» каби жами йигирмага яқин китобларингиз, юзлаб мақола ва тақризларингиз танқидий тафаккуримиз равнақига қўшилган улкан ҳисса бўлди. Адабиёт мухлислари Сизни, айниқса, шеърият танқидчилигида ўзига хос янги бир саҳифа очган нозиктаъб шеършунос сифатида ғоят юксак қадрлайдилар.

Сиз кўп йиллардан буён танқидий фаолиятингизни таржимонлик ва мударрислик-мураббийлик билан қўшиб олиб бормоқдасиз. Ўзбек китобхонлари оташнафас Белинскийнинг қатор танқидий мақолаларини, Сергей Антонов, Максим Горький, Хўжа Аҳмад, Аббос ва бошқа кўплаб адиблар асарларини Сизнинг таржимангизда ўқишга муяссар бўлдилар. Тошкент Давлат дорулфунуни профессори ва устоз мунаққид сифатида Сиз мураббийлик қилган шоир, носир ва танқидчилар ҳозирги адабиётимизда ўзига хос бир иқлим яратиб турибди, десак янглишмаган бўламиз. Сизнинг Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси котибияти аъзоси, «Узбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги таҳририят аъзоси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Танқид ва адабиётшунослик кенгашининг раиси сифатидаги ташкилий фаолиятингиз ҳам алоҳида таҳсинга сазовордир.

Сизнинг адабиётимиз олдидаги улкан хизматларингиз муносиб тақдирланган. Сиз ҳаммуаллифликда яратган «Ўзбек совет адабиёти тарихи» дарслиги учун Беруний номидаги жумҳурият Давлат мукофоти берилди. «Абдулла Қаҳҳор» эссеингиз учун эса Ўзбекинг мукофотига сазовор бўлдингиз. Муҳими — камдан-кам қаламкашга муяссар бўладиган энг олий мукофот — кўп минг сонли адабиёт мухлисларининг сидқидил ҳурмату ихлосига мушарраф бўлгансиз.

Ҳурматли Озод Шарафиддинов!

Табаррук ёшингиз билан яна бир карра қутлар эканмиз, сидқидил тилак билдирамизки, ҳамиша соғ-омон, бардам-бақувват бўлинг, озод жумҳуриятимизда танқидий фикрингиз янада ҳур ва озод, ижодингиз янада баракалироқ бўлсин.

УЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИ БОШҚАРУВИ ҲАЙЪАТИ



ТУШОВ УЗГАН ТУЛПОР

АДАБИЁТ ФАНИ, ижодий тафаккур йўлидаги машаққатлар устида гап борганда биз кўпроқ ташқи — ижтимоий-сиёсий омилларга алоҳида урғу берамиз. Дарҳақиқат, биз яшаган асрда, хусусан бизнинг шароитимизда булар жиддий хавфга айланди. Эслаб кўринг, узоқ йиллар давомида салгина бўлсин ўқмкрон мафкура ақидаларига, мустабид тузум сиёсатига зид келадиган хатти-ҳаракат кескин зарбага учради, ўз қарашига эга, мустақил фикр юритадиган ижодкорнинг косаси асло оқармади. Не-не ҳур фикрли тилло бошлар учиб кетди, ўз жонининг тинчини кўзлаб, мустабид мафкурага жўровоз бўлиб, кўра била туриб оқни қора деган, ҳақиқатни оёқ ости қилган зотлар эса кўпинча ардоқда юрдилар, юксак даражаю мартабаларга эришдилар. Қарангки, шундай машъум замонларда ҳам, ҳаётини таҳликага қўйиб бўлса-да, оқимга қарши борганлар, таҳдиду тазйиқларга қарамай мардона туриб ҳақиқатни айтганлар бор эди.

Устоз Озод Шарафиддинов — шундайлардан, у ҳамиша ўзбек танқидчилигидаги тараққипарвар, адолатпарвар кишиларнинг олдинги сафида борди. Олим адабиёт майдонидаги илк қадами, университет ўқиш хоналаридаги дастлабки маърузалари, Ёзувчилар уюшмаси минбаридан туриб сўзлаган биринчи нутқидан бошлаб бугунгача ўтган салкам қирқ йиллик ижодий-ижтимоий фаолияти давомида давр қолипларини мағрур ёриб чиқишга интилди, фикрий даққиликка, қолоқ, расмий қарашларга қарши ўт очди. Ўзи чин дилдан суйган, ҳамиша ардоқлаб келган буюк шоир Чўлпон даъватига амал қилиб, давр дарғалари олдида бўйин эгмай, кишан киймай, кишанлар билан мудом олишди; кўплар кишанлар билан дўстлашиб кетган замонда имкон қадар адабиёт фанида ҳақиқатни, адолатни ҳимоя қилди; у бамисоли тушовланган тулпорлар ичида тушов узган, узолган тулпор бўлди!

Ташқи тазйиқ, тўсиқлар ҳар қанча хавфли бўлмасин, ички — ижодкор қалби, руҳиятидаги тушов ундан ҳам хатарлироқдир. Мана, бир неча йилдирки, ижод аҳли оёғидаги тушовлар олиб, ташланди, бир вақтлар бошларда таҳдид солиб турган қаро булутлар тарқалди. Лекин, қани, эл кутган улкан ижодий самаралар? Аввалги талай сиёсий, мафкуравий тўсиқлар, қўрқинчлар йўқ энди. Бироқ ижод аҳлидаги ички маънавий тушовлар парчаланиб битгани йўқ, кўнгиллардаги сусткашлик ҳамон давом этяпти. Бетиним изланиш, ўзини тафтиш қила билиш, йўл қўйган хатоларини тан олиб, ўзидаги ожизликларни енга олиш, эскирган, қолоқ тушунча-қарашлардан, бир вақтлар амал қилган омонат ақидалардан дадил воз кечиб, ҳар қанча мушкул бўлмасин, чин ҳақиқат, адолат йўлини тутиш ҳам олим, ижодкор учун мислсиз жасорат! Балким, бу ташқи тазйиқлар билан олишувга қараганда мушкулроқ, шарафлироқ.

Озод акага биринчи шогирд бўлиб тушгандан бери, сўнг дорулфунун кафедрасида бирга ишлай бошлаган кезлардан буён ўтган ўттиз йил давомида кузатаман: мен таниган, яқиндан билган ижодкорлар орасида Абдулла Қаҳҳордан кейин ўзига нисбатан ўта шафқатсиз, ҳақиқатнинг юзига тик қарай биладиган, мардона туриб ўзини тафтиш қила оладиган, ўз ишларига, фаолиятига холис баҳо бера оладиган зот — айни шу Озод Шарафиддиновдир!

Кейинги пайтларда баъзи бировлар Озод Шарафиддинов ишларида ҳам зиддиятли ҳоллар, давр мафкурасига жўровоз гаплар мавжудлигини айтаётирлар. Начора, ҳар қанча жасур бўлмасин, Озод ака ҳам ўз даврининг фарзанди, олим фаолиятида бунақа ўринлар озми-кўпми учрайди. Аммо шундай далилчаларни рўкач қилиб уни узоқ йиллар адабий тараққиёт йўлига ғов бўлган каслар қаторига тиркашга уриниш инсоф ва адолатдан эмас. Кейинги 30—40 йил давомида адабиёт майдонида ким нима билан машғул бўлгани ҳушёр, инсофли ҳақиқий зиёлиларга кундай равшан! Озод ака ўз хато ва камчиликларини ўша таънагўйларга нисбатан яхшироқ, билади.

Қани энди ҳамма ҳам Озод акадай ўзига нисбатан бешафқат, амалда адолатпарвар, ҳақиқатгўй бўлса! Шундай устозларни биламиз: улар шогирдларини фақат ўз изидан боришга ундайдилар, мўъте, итоатгўй дастёр бўлишини истайдилар, салгина бўлсин изнидан четга чиққудай бўлсалар, улардан юз ўгириш даражасига борадилар. Озод акада шу пайтга қадар мен бунақа қайфиятни асло кўрган, сезган эмасман. Аввало, у мустақил фикрлашдан маҳрум кимсани шогирд қилиб олишдан қочади, қолаверса, шогирдларини ҳамма вақт мустақил, дадил бўлишга ундайди, ўз эркига қўйиб беради. Яқинда у Чўлпон шеърияти ва Абдулла Қаҳҳор романлари бўйича тайёрланган диссертациялар муҳокамаси вақтида шогирдларининг устоз қарашларига зид, аммо асосли фикр-мулоҳазаларини ҳимоя этиб чиқди. Бу ҳол муҳокама қатнашчиларини ҳам ҳайратга солди, ҳам қойил қолдирди.

Қолипларни, расмиятчиликни ёқтирмаслик оқибати ўлароқ, гарчи ўнлаб тадқиқотларининг ҳар бири юксак илмий даражага лойиқ, бўлса-да, Озод ака ҳозирга қадар докторлик диссертациясини ёқламай келади. Университет илмий кенгашида уни профессорлик илмий унвонига тавсия этиш масаласи муҳокамаси пайтида баъзи олимлар таажжубда қолишди. Ҳатто унинг бошқа соҳаларда ишлайдиган яқин дўстлари уни аллақачон фан доктори, профессор, ҳатто Фанлар академиясининг академиги деб ўйлашар экан. Университет ректори Эркин Юсупов Озод акани «Халқ академиги» деб атади, унинг филология фани соҳасидаги хизмати академиклар хизматидан асло кам эмаслигини таъкидлади.

ВАҚТ КЕЛАР, ижодда, фанда ҳар қандай расмиятчиликлар бартараф бўлар, Озод Шарафиддинов сингари расмиятчиликни, тушовларни тан олмайдиган ҳақиқий олимлар хизмати мутасадди доираларда ҳам расмий маш-машаларсиз тан олиниб, муносиб тақдирланар. Эҳтимолки, Ўшанда ижод, фан чинакам тараққиёт йўлига тушиб кетар...

Умаралн НОРМАТОВ

МАРДОНАЛИК

Кўзга ташланиб турадиган ҳар бир боғда турфа шамоллар зарбига эгилмайдиган, катта-кичик бўронлар пайтида зарб емайдиган, фаслларнинг ҳар қандай об-ҳавосига бардош берадиган танаси бақувват, илдизлари мустаҳкам дарахтлар бўлади. Мен файласуф танқидчи, зукко адабиётшунос олим ва моҳир таржимон Озод Шарафиддиновни ана шундай ЗЎР дарахтга қиёслайман. Озод ака ўзбек адабиёти деб аталмиш улкан боғнинг шубҳасиз, мукаммал дарахтларидан бири. Бу дарахт салкам қирқ йилдан буён гуркираб ўсиб, адабиётимизни энг сара мевалар билан таъминлаб, бачкана, саёз, ўртамиёна машқлардан мардона ҳимоя қилиб келаётир. Лекин бу жасоратли олимга маълум пайтларда маломат тошлари отилди, фамилияси асосий рўйхатлардан ўчирилди, асарларини, мақолаларини эълон қилиш пайсалга солинди. Ҳатто дала ҳовлисининг томи махсус қарор билан бузиб ташланди. Аммо Озод ака юқори ва қуйининг бу зуғумларига, найрангларига парво қилмади. Айримларга ўхшаб ўз эътиқодидан қайтиб, имонидан воз кечиб хушомадгўйлик йўлидан бормади. У киши ҳар доим, ҳар қандай шароитда муқаддас адабиётнинг СОФЛИГИ, ҲАЛОЛЛИГИ учун МАРДОНА туриб курашди ва ҳамон курашмоқда...

Озод Шарафиддиновнинг «Замон. Қалб. Поэзия» «Биринчи мўъжиза», «Истеъдод жилолари», «Абдулла Қаҳҳор» сингари китоблари ва катта жасорат билан ёзилган ўнлаб мақолалари, адабий портретлари аллақачон адабиётимизнинг бебаҳо хазинасига айланган. Бу асарлар айрим танқидчилар ижодига ўхшаб саёз, пала-партиш ва жим-жимадор эмас. Аксинча, уларда тил равон, фикр теран, мақсад аниқ ва донишмандлик руҳи сезилиб туради. Шу боис ҳам кўпчилик ижодкорлар янги асарларини эълон қилганларидан сўнг, албатта Озод акадан ҳеч бўлмаганда оғзаки фикр айтишини кутадилар...

Мен бир мухлис ва ўқувчи сифатида доим Озод акани янги эълон қилинган китоби ё мақоласини меҳр билан ўқиб бораман ва у кишининг ўта меҳнаткашлигига, ғайратига ҳавас қиламан. (Илоё, кўз тегмасин!). Масалан, куни кеча «Чўлпон» нашриётида Озод Шарафиддиновнинг Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон ҳақидаги ривоятлар ва ҳикоятлар китоби босмадан чиқди. Аслида тинимсиз курашлар билан Чўлпон ижодини рўёбга чиқарганлардан бири — Озод Шарафиддиновдир. «Чўлпон бугун бизга қайтаяпти. Вақтида уни авайлаб асраёлмадик, лоақал уни энди асрайлик, бу шеърият юлдузини авайлайлик, токи унинг қалбларини илиқлик бахш этувчи нурлари энди ҳеч қачон сўнмасин», деб ёзади муаллиф асар сўнгида.

Биз ҳам дилкаш, меҳрибон ва донишманд мунаққидимиз Озод Шарафиддиновни демократия даврида ҳар жиҳатдан асраб авайлайлик. Токи бу доно ва жасоратли қалб ўзининг мардона нурлари билан адабиётимизни узоқ-узоқ йиллар ёритиб турсин!

Ашурали ЖЎРАЕВ

ЗЎР ОЛИМ-ДА, «ЧЎРТ ПОБЕРИ!»

ДОРУЛФУНУНДА ўқиб юрган кезларимиз эди. «Бизга Озод Шарафиддинов лекция ўқиркан», деган хабар тарқалди. Талабаларнинг қулоғи динг: албатта-да, Озод ака дорулфунуннинг энг мўътабар олимларидан! Қизиғи шундаки, домла «лекция ўқимас» экан, гапираркан. Гапирганда ҳам адабиёт ва ижод тўғрисида шу қадар қуйиб-ёниб сўзлар эканки, фикри кўплигидан гоҳо ўзи ҳам «мавзудан чиқиб кетар», бир мулоҳазани исботлаш учун ўнлаб далилларни қалаштириб ташларкан. Биз — талабалар домланинг «рисоладагидек» эмас, айнан, «рисолага сиғмайдиган» мулоҳазаларини ўқишга, ўзимиз ҳам худо шунчаки кўтариб юргин деб эмас, ўйлагин деб берган каллани мунда-ай ишлатишга ўргана бошладик.

...Имтиҳон топширишим ҳам қизиқ бўлган. Паттадаги саволларга «булбулигўё» бўлиб жавоб бераётган эдим, домла гапимни шартта кесди.

— Тушунарли, мулла! Ойбек ижодини яхши биларкансиз. Айтингчи, Чўлпон деган шоирни эшитганмисиз? Айтматов ижодининг қайси жиҳати сизга ёқади?

...Мана, ўша гапларга ҳам қарийб ўттиз йил бўлибди. Шу йиллар давомида Озод Шарафиддиновнинг кўп китобларини, тадқиқотларини мутолаа қилдим. Турли авлод вакиллари бўлмиш қаламкашлар ижоди ҳақидаги мақолаларини ўқидим. Ўзимнинг машқларимни ҳали сиёҳи қуримасдан туриб ҳар сафар жиндак ҳадик билан домлага элтиб бердим. Борни бор, йўқни йўқ қиладиган фикрларини тингладим.

Дорулфунунда бизга сабоқ берган барча домлаларни сидқидилдан ҳурмат қиламан. Аксарияти билан сафардош бўлганмиз. Бироқ кейинги йигирма йил ичида Озод ака билан, айниқса кўп сафарга чиқдик. Одамни билиш учун ё қўшни тур, ё саёҳатга чиқ, деган гап бор. Айнан шундай сафарларда олим ва устоз Озод Шарафиддиновнигина эмас, гоҳ жиддий, гоҳ ҳазилкаш, гоҳ маъюс одам Озод аканинг ўзига хос оламини озми-кўпми англаб етгандек бўлдим.

Табиийки, адабиётчи олим бўлиш учун ниҳоятда теран билим керак... Ростини айтсам, домла билан сафарга чиқсак, машинанинг тўхтайверишидан баъзан хуноб бўлиб кетаман...

— «Бахт»га яқинлашиб қолдик, — дейди домла, — биласиз-а, чап томонда китоб дўкони бор...

Ишимиз «ёниб кетай» деб турган бўлса ҳам китоб савдосига хоҳлаганча вақт топилади. Кейин Гулистондаги дўконга кирамиз, ундан кейин Ховосдаги... Буёғи Қўқону, у ёғи Шаҳрисабзгача ҳамма ердаги китоб сотувчилар домланинг эски кадрдонлари. Борингки, Ўратепадаги дўкончи ҳам Озод акани қучоқ очиб қарши олади.

Хуллас, машина Тошкентга келгунча юкхонаси китобга тўлиб кетади. Домланинг уйи уймас, кутубхона десам лоф бўлмайди. Озод ака фақат адабий оқимлар ҳақида эмас, иқтисоду сиёсатдан, Америқо президентларининг ҳаётию, шахмат назариясидан соатлаб ҳикоя қилиши мумкин.

Домланинг феъл-атвори билан яқиндан танишгач, яна бир нарсага амин бўлдим. Чинакам мунаққид учун теран илмнинг ўзи камлик қилар экан. Мунаққид қаламкашга «насиҳат қиладиган», ҳар бир асарнинг авра-астарини ағдариб, бирон «айби»-ни топиб «савалаш»ни мақсад қилиб олган «ҳакам» эмас, аввало оддий китобхон бўлмоғи, яхши асар ўқиганда кулиш ва йиғлаш, завқланиш ва изтироб чекиш бахтидан айрилмаган инсон бўлмоғи лозим экан. Агар шу фазилатлар бўлмаса, мунаққид жўн танқидчи, аниқроғи «танқид қилувчи»га, ўзи хоҳласа-хоҳламаса адиб билан китобхон ўртасида девор тортадиган «олабўжига» айланиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас экан.

ХУДОГА ШУКРКИ, Озод Шарафиддинов бундай мунаққидлар тоифасига кирмайди. Домла билан ҳамсуҳбат бўлганлар айтсин: Озод ака ўнлаб гўзал шеърларни шавқ-завқ билан, овози титраб ёддан ўқийди, адабиётда ярқ этган ёрқин ҳикоя ёки роман пайдо бўлса, ҳаяжон билан, қувонч билан тўлиб-тошиб гапиради.

Бора-бора яна шуни тушундимки, чинакам мунаққид учун теран билим ва нозик туйғулар ҳам камлик қилар экан. У Қаҳҳор домла тили билан айтганда, адабиёт манфаатини ҳар қандай манфаатдан устун қўядиган принципиал шахс бўлмоғи лозим экан. О. Шарафиддинов Абдулла Қаҳҳорнинг энг содиқ, энг «қайсар» шогирдларидан бири. Агар Озод ака замона зайлига ён берганда, «казо-казолар»нинг «ғоявий жиҳатдан мукаммал», аммо бадиий жиҳатдан бўш-баёвгина, суюққина асарлари ҳақида ақалли йўл-йўлакай бир-икки оғиз илиқ сўз айтганида, ҳозирги кунда эътироф этилган расмий унвонларни бундан 20—25 йил илгари олиши ҳеч гап эмас эди.

Тағин шу хулосага келдимки, чинакам мунаққидда меҳр бўлиши, ижодкорни кашф этиш деган туғма туйғу бўлиши керак экан. О. Шарафиддиновда айнан шу туйғу борлигини устозларимиз ҳам, ҳозир «элликвой» бўлиб қолган тенгқурларимиз ҳам, ёшлар ҳам эътироф этади. «Шарқ юлдузи»-да Абдулла Ориповнинг илк шеърлар туркумига «оқ йўл» тилаган, бу шоирнинг ижодий имкониятлари катта эканлигини қувонч билан таъкидлаган олим Озод Шарафиддинов эди. Эркин Воҳидовдан тортиб Сирожиддин Саидовгача ва бугунги кунда элга танилаётган энг кенжа шоирларгача, Шукур Холмирзаев ва Неъмат Аминовдан тортиб Ашурали Жўраевгача ва бугунги кунда тўнғич ҳикоялари эълон қилинаётган энг кенжа адибларгача, Озод акани устоз саналаши сир эмас. Сабаби, домла ҳар бир яхши қаламкашнинг ҳар бир яхши асаридан завқланади. Ўша қаламкаш бўш асар ёзса, бошқалардан кўра аччиқроқ, қаттиқроқ қойийди, бироқ чинакам истеъдодга биров ноҳақ «тўқмоқ» кўтарса, «тўнни ечиб ташлаб», майдонга тушади, қаламкашни ҳимоя қилади.

Илм соҳасида-ку домланинг бир-биридан ўткир шогирдлари, профессорлар, фан арбоблари, фан номзодлари саноқсиз.

...Ва ниҳоят, тағин бир ҳақиқатни тушуниб етдимки, чинакам мунаққидда ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган шижоат деган фазилат бўлмоғи керак экан.

Эсимда, одамлар Чўлпоннинг номини эшитса, тескари қараб кетадиган замонларда ҳам, Озод Шарафиддинов дорулфунун аудиторияларида талабаларга Чўлпон шеърларини шавқ-завқ билан ёдаки ўқиб берар, бу шоир ўзбек халқининг пешонасига сиғмаган, аммо эртами-кечми барибир рўёбга чиқадиган улкан ижодкор эканини такрор-такрор гапирар эди. Дорулфунун домлаларининг гувоҳлик беришича, охир-оқибат у «сиёсий масала» жиддий муҳокама қилинган. Ҳамма Озод Шарафиддиинов ўзига жабр қилди-да, узр қилиб қутулса ҳам баҳарнав эди, деб юрак ҳовучлаб турганида, домла чиндан ҳам «узр» сўраган. Аммо «узри», «гуноҳи»дан ошиб тушган. «Менинг бўлган-турганим шу! Чўлпон буюк шоир деб келганман, ҳозир ҳам шундай дейман, кейин ҳам шу фикрда қоламан!».

Қисматнинг ғалати «ўйини» ва адолатнинг ғалабасини қарангки, Чўлпоннинг яқинда чоп этилган «Яна олдим созимни» китоби аввало О. Шарафиддиновнинг заҳматли меҳнати туфайли дунё юзини кўрди. Бинобарин, шижоат охир-оқибат енгиб чиқди...

БИР ВОҚЕАГА ўзим гувоҳ бўлганман. Сафарлардан бирида Абдулла Қаҳҳор ҳақида гап кетди. Ўша кезлари Қаҳҳор домла ўзининг олтмиш ёшли тўйида айтган бир оғиз эҳтиётсиз, аммо ҳаққоний сўзи учун «урилган», даврада ўтирганлар эса «казо-казолар» эди. Улар бири олиб, бири қўйиб, Абдулла аканинг тили ботирлигига «ачинган» бўлишди. Қаҳҳор ўзи яхши ёзувчи-ку, партияга тош отиб яхши қилмади, ўйламасдан гапириб юборди, бунчалик катта кетиш яхши эмас, ўзи коммунист бўлса, дегандек фикрларни айтишди. Шунда Озод ака яна ўша «деганим-деган» қабилида лўп этиб бор ҳақиқатни айтди-қўйди. «Мен ҳам коммунистман. Абдулла Қаҳҳор ўйламасдан гапирадиган одам эмас. Нимаики деган бўлса, ҳаммаси тўғри!»

Ва ниҳоят, яна бир гап. Баъзилар Озод Шарафиддиновни ёшлар нега бунчалик яхши кўради, деб ўйлаши мумкин. Бунинг ҳайрон қоладиган жойи йўқ. Озод Шарафиддиновнинг ушбу жиҳати яна бир устозимиз Саид Аҳмад акага ўхшаб кетади. Ҳар иккала устоз ҳам ҳеч қачон, ҳеч кимдан ўзини баланд тутмайди. Менимча, аслида, ҳар бир истеъдодли одамда шундай хусусият бўлмоғи керак.

Домланинг тағин бир одати бор. Катта истеъдод билан ёзилган асарни ўқиса, ўша ижодкор ҳақида гап кетса, «чўрт побери, фалончи зўр шоир-да», деб қўяди. Ростини айтганда, Озод Шарафиддиновнинг ўзи ҳам зўр олим-да, «чўрт побери!»

Ўткир ҲОШИМОВ

куюнчак газетхонлардан хатлар

САНЪАТКОРГА ҲУРМАТ ШУМИ?

Яқинда республика маданият ходимлари малакасини ошириш институтига малака ошириш учун келган бир гуруҳ ҳамкасблар билан Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларини томоша қилдик. Шу аснода Чиғатой қабристонини зиёрат қилгани бордик.

Қабристонни зиёрат қилиб юриб, кўзим қаровсиз ҳолдаги бир қабрга тушди. Қабр ёнига бордим. Не кўз билан кўрайки, қабрга кўримсизгина қилиб ажойиб, севимли актёримиз Ҳамза Умаров ва унинг туғилган йили, вафот этган куни ёзилиб қўйилган. Кўзларимга ишонмадим.

Қабрга тикилганча хаёлга чўмдим. Театр ва кино ҳақида сўз кетса, Ҳамза акадек санъаткоримиз билан фахрланамиз, бироқ нима учун у кишининг қабрларини бу аҳволга ташлаб қўйдик!

Халқимизда «Эзгуликнинг кечи йўқ», дейдилар. Бас шундай экан, кеч бўлса-да, яхшироқ бир ёдгорлик ўрнатсак, бу хайрли ишга маданият вазирлиги бош бўлса, яхши бўлар эди. Шу ўринда дилимдаги бир гапни айтай: Ҳамза Умаров қабрининг бу ҳолдалигига ўзбек театри ва киносининг таниқли арбоблари қандай қараркилар!

М. РАҲМОНОВ

ОҚ КЎНГИЛ МУРАББИЙ

АБДУРАҲМОН САЪДИЙНИ ЭСЛАБ

ЁДНОМА

КЕЧҚУРУН ишдан уйга қайтсам, «Фрунзевец» газетасидан гонорар олишим кераклиги ҳақида почта қоғози келибди. Шунда катта опам: «Ана, Саъдий домлангнинг гапини кўп айтардинг, ҳозир домланг айтганидек бўлибди», — дедилар. Раҳима опамнинг бу сўзларини эшитдиму домлам ёдимга тушди.

1950 йили профессор Абдураҳмон Саъдий Ўрта Осиё давлат дорулфунуни филология факультетининг биринчи курсида бизга ўзбек адабиёти тарихидан лекция ўқиган.

Шиддатли ёмғир ёғиб турган эди. Ўша куни биринчи соат у кишининг дарси эди. Домла ёмғирда қолиб роса ивиган эди. Биз бинога кираверишда у киши билан учрашиб қолдик. Домланинг пальтоси жиққа ҳўл бўлиб оғирлашиб кетибди. Зинадан учинчи қаватга чиқишда кўмаклашдим. Домла лекция давомида «Болаларим, яхши ўқинглар, яхши ўқисаларинг, ҳалол ишласаларинг, бахт, ҳурмат, пул ҳам сизларни ўзи қидириб келади. Ҳалол меҳнат туфайли обрў орттириб, ҳалол нон топиб ейиш инсон учун улуғ фазилатдир», деди. Мен домланинг бу сўзларини уйга келиб, оиламиздагиларга айтдим. Уйдагиларга ҳам бу сўзлар жуда маъқул тушди.

Профессор Абдураҳмон Саъдий Алишер Навоий ижоди бўйича биринчи фан доктори эди. Ўзбек адабиёти, айниқса, Алишер Навоий ижодини жуда яхши биларди. У кишининг нутқи равон, сўзлари тушунарли эди. У шогирд ва студентларини ўзига шундай жалб қиларди-ки, лекциясини ҳамма беришиб тингларди, ҳеч ким бошқа нарсалар ҳақида гаплашмасди, ҳамманинг фикри-зикри, эътибори домланинг сўзларида бўларди.

Абдураҳмон Саъдий студентларни илмга жуда қизиқтирувчи талабчан ўқитувчи эди. «Агар студент имтиҳондан «беш» олса, мен уйимга қувониб бораман, ва тинимга: «Кампир, бугун қандай овқат тайёрлагансан, қани, олиб кел, қорин очдику», дейман. Кампир: «Ҳа, жуда хурсандсиз, домла», деса, студентларим имтиҳонга яхши тайёрланибди. Кўпчилиги «беш» олди, деб севинаман. Агар бирор студент «икки» олиб қолса, уйга кайфиятим бузилиб бораман. Кампир овқат олиб келаётган бўлса, «Қўй овқатингни, иштаҳа йўқ», дейман. «Нима бўлди?», деса, «Бугун бир студентим «икки» олиб қолди, у ҳам хафа бўлди, мен ҳам хафаман», дейман» дер эдилар.

Ўртоғим Юсуф Абдувалиев билан маслаҳатлашиб, ёзги имтиҳонларни муддатидан олдинроқ топширишга қарор қилдик. Ёзги таътилда шаҳардан узоқроққа, Юсуфларнинг даладаги қариндошларининкига бормоқчи бўлдик. Абдураҳмон Саъдийдан муддатидан илгари имтиҳон олишни илтимос қилган эдик, у киши бир кунни белгилаб, уйига боришимиз кераклигини айтди. Ўша куни эрталааб салқинда домланинг уйига бордик. Эшиги тепасидаги қўнғироқни чалдик, ўқитувчимизнинг хотини чиқди. Ўзимизни таниндик. Келинойи ичкарига кириб чиқиб, имтиҳонни соат ўнда топширишимизни, ҳали икки соатдан зиёд вақт борлигини айтди. Биз кўчадаги ариқ бўйида, салқинда яна дарс тайёрладик. (Домла ўша пайтда Тошкентнинг Кафанов кўчасидаги бир қаватли уйларнинг бирида истиқомат қиларди.) Соат роса ўнда домланинг уйига кириб бордик. Имтиҳон билетларини стол устига тескари қилиб ёзиб қўйди. Билет олдик.

Бир оз тайёрланганимиздан сўнг, мен биринчи бўлиб учала саволга батафсил жавоб бердим. Домла кўшимча саволларни бераверди. Мен ҳам тутилмасдан жавоб қайтаравердим.

— Сен дуруст ўқибсан, — деди домла. Навбат Юсуф акага келди. У ҳам билетдаги саволнинг иккитасига жавоб берган эди, домла учинчисини сўрамай, бошқа қўшимча савол берди. Ўртоғим ҳам барча саволларга тўла жавоб берди. Домла иккаламизга ҳам «аъло» баҳо қўйди.

Профессор Саъдий зукко олим бўлиш билан бирга, чуқур фикрли педагог, мураб. бий эди. Кўпинча лекция охирида саволларимизга жавоб берар, бизларга насиҳатлар қиларди. Бир куни «Ҳар ким ўзидаги масъулиятни сезса, у ўзини ўстира олади. Болаларим, бу сўзларни ёзиб қўйинглар», деди. Мен дарҳол ён дафтаримни олиб домланинг гапини ёзиб қўйдим.

— Масъулият ҳамма жойда бор, — деди сўзини давом эттириб профессор, — ишда ҳам, жамоатчиликда ҳам, оилада ҳам, айниқса, бола тарбиясида масъулият катта. Меҳмон кутишдаги масъулиятдан меҳмон бўлишдаги масъулият зўрроқ, — деди у. — Чунки киши бирор жойга меҳмонга борса, у ўз обрўси билан кетиши керак. Мезбон келиб-кетган меҳмоннинг яна келишини орзу қилиб қолсин, аксинча: «Ҳали мен шуни меҳмон қилиб юрибманми?! Энди сира келмасин-э», — демасин. Бунинг учун меҳмонга борган жойда киши ўзини тута билиши керак, — деди.

А. Саъдий адабиёт бўйича билимдон назариётчи олим эди. Шеърларни бармоқ вазнида таҳлил қилар эди. Домла лекция давомида:

Қўй келади қўзи билан,
Бир-бирининг изи билан.
Менинг ёрим ўйнаб чиқар,
Ҳамсоянинг қизи билан.
Рита-рита, рита-там,
Рита, рита-рита-там, —

деб, кейин шеър таҳлилига киришарди...

Бир куни курсдошимиз Малик Муродов бир адабий журналнинг 1934 йилги сонини олиб келиб, унда босилган шоир Уйғуннинг мақоласидан адабиётшунос Абдураҳмон Саъдий ҳақидаги фикрларни ўқиб берди. Бу мақоланинг «Саъдий — деист», «Саъдий — панисломист», «Саъдий — пантуркист» деган жойларини баланд овоз билан ўқиди. Аудиториядаги студентларнинг ҳаммаси Саъдий домлага қарадилар. Домланинг юзларида ҳеч қандай ўзгариш сезилмади. У киши шу мақолани ўқиб эшиттирган студентдан:

— Бу қачон ёзилган экан? — деб сўради.

— 1934 йили.

— Ҳозир 1950 йил. Шунча ўтган давр ичида мен ўзимни ўзгартирганман. Бу хатолар тузатилган. Сен бунга сира хафа бўлма, — деди.

Унинг бу сўзлари ва қарашларида ундаги кучли ирода, некбинлик, келажакка умид сезилиб турарди.

Профессор Абдураҳмон Саъдийдаги соф кўнгиллилик шу воқеадан кейин яна-да очиқ сезилди. У кейинги лекцияларининг бирида Навоий лирикасини замонавий шоирлар лирикаси билан солиштирди. Бир ўринда Уйғуннинг лирик шеъърларидан:

Хаёлимдан кечар икки нарса,
Икки нарса кўнглимга яқин.
Бири — сўз беришган, севишган ёр,
Бири — колхоздаги пахтазор, —

деган сатрларини келтириб, Уйғунинг лирикасини Алишер Навоий лирикасига таққослаб, тенглаштирмоқчи бўлди.

Бу ўринда ҳам домланинг оқ кўнгиллилигини кўрамиз. Баъзи одамлар ўзини танқид қилган кишининг отини атамайди. Домламиз эса, масалага холис қараб, илгари ўзини ноҳақ танқид қилган шоир Уйғуннинг шеърларидан лекциясида мисол келтирганди.

Саъдий домланинг яна бир яхши гаплари менга ҳалигача қўл келмоқда. У киши: «Уйингда нимани ўқисанг, столинг устида қоғоз, қалам бўлсин, ўзингни қизиқтирган жойларини ёзиб қўй, кейин керак бўлади», дердилар.

Домламиз ўғил-қизларнинг ўзига муносиб равишда ораста кийиниши, жамоат жойларида ўзини тутиш ҳақида қизиқарли мисолларни ўрни келганда айтиб берардилар. Дорулфунунимиз тарихидан унинг студент ва ўқитувчилари ҳаётидан мисоллар келтирардилар.

«Болаларим, кечқурунлари, айниқса, кечаси кўчада юрмангизлар, эрта билан барвақт туришни одат қилинг, эрта турганнинг ризқи бут бўлади. Деҳқон, уста, олиму шогирдларнинг ҳаммаси эрта турса, иши унумли бўлади. Эрта туриб, ўз уйинг атрофини сайр қилсанг, тоза ҳаводан нафас олсанг, табиатинг ҳамиша равшан бўлади. Соғ танда — соғ ақл бўлишини ҳамиша ёдингизда тутинг», дердилар.

Ўрта Осиё Давлат дорулфунунига ўқишга кирганимда бизнинг гуруҳимизнинг биринчи дарсини бошлаган профессор Абдураҳмон Саъдий хотирамда ҳамиша ёрқин гавдаланади.

Йўлдош МАНСУРОВ

Абдумажид АЗИМ

ВАТАН БОРАР ТОНГНИ СОҒИНИБ

Юраккинам йиғлайди сим-сим.
Осмон жим.

Ёмғир эзган шудгор оралаб,
Ватан борар, тонгни қоралаб.
Эл-улуснинг дард-ҳасрати мўл,
Юрагимнинг қонидир бу йўл.

Юраккинам йиғлайди сим-сим,
Замон жим.
Ватан борар, якка-ягона.
Ватан борар, бахтдан бегона.
У — тилимга эккан ёлғиз сўз,
У — муштимга туккан ёлғиз кўз.
Юраккинам йиғлайди сим-сим,
Замин жим.
Ватан борар кўзлари қонли,
Ватан борар, соғиниб тонгни.
Билдим, унинг ўтмиши суюк,
Билдим, унинг юраги куюк.

Юраккинам йиғлайди сим-сим,
Мен жим.
Халқим, деган ботирлар қани,
Широқ, Жалол, Бобурлар қани?
Атрофимда ювош бир нуфус,
Янчиб поймол этилган номус.
Юраккинам сўрайди сим-сим,
Халқ ким???

●

Она туғилайин
оппоқ тонг билан.
Мурғак вужудимни олиб тизига,
Суйиб эркаласин ўзимнинг бобом.
Ғамгин нигоҳ билан боқма юзимга,
Видо керак эмас,
айтгин ассалом.
Оппоқ қўшиқларни куйласин дунё,
Толга момоларим солсин беланчак.
Келиб бошларимда бўлсин тўтиё,
Ўғил орзусида
ёнган келинчак.
Тиксин чеварларинг бахмал-банотли,
Пўпаклари зарли, сим-сим чимилдиқ.
Отам от келтирсин учқур қанотли,
Темирчилар қуйсин
ўғлингга милтиқ.
Худо ғазабидан қақраган чўллар,
Оппоқ тилакларим тамшаниб ичсин.
Ғафлат қучоғида бўғриққан эллар,
Киприкларин очсин,
уйқудан кечсин.
Узлатга юз бурган боболар ҳаққи,
Оппоқ саҳарлардан сўрайман ўлан.
Даҳрийлар, ошиқлар, гадолар ҳаққи,
Она, туғилайин
оппоқ тонг билан!
Она, туғилайин бу оппоқ саҳар,
Душманинг ҳасаддан оғулар ютсин.
Сенга лойиқ ўғил бўлмасам агар,
Мени оқ сутингнинг уволи тутсин.

●

Дурахшон юлдузлар кўкда сочилмиш...
Энг ёруғ юлдузни солдим қўйнимга.
Иқболим чечаги бу тун очилмиш,
Энг нозик билаклар қучди бўйнимдан.

Қаҳқаҳа отишиб кўкдан галма-гал,
Ҳушимни олмангиз, сулув юлдузлар.
Энг бахтли одамга бермангиз халал,
Солманг юрагимга сернағма ҳислар.

Бир журъат уйғонди тўнган қонимда,
Нотавон шарпадек сездим ўлимни.
Дурахшон юлдузлар қаҳкашонида
Энг узун сочларга очдим дилимни.

Хаёлим мулкини этдингиз асир,
Ким айтар сизларни, бепарво, тилсиз,
Кўнглим осмонида инжа, беназир
Ҳурлар узолмаган энг хушрўй гулсиз.

Шапшар тиғингизни кўксимга қадаб,
Йилларким бошимда қиларсиз ўйин.
Мен букун заминда энг улкан одам,
Энг ёруғ юлдузга етади бўйим...

●

Хато қилдим, янглишдим тағин,
Саволларнинг бош-адоғи йўқ.
Ёвга шунча борсам-да яқин,
Мендан ўзин олиб қочди ўқ.

Гуноҳкорман, бандайи ожиз,
Чарх уради бошда минг гумон.
Мен тирикман, наҳотки ҳануз,
Соғ-саломат юрибман ҳамон.

Мен тирикман, ким топди завол,
Менга қилиб жисмини қалқон.
Ўлганимда бу чоғ, эҳтимол
Қийнамасди кўксимни армон.

Мен тирикман, бор гуноҳим шу,
Қийнайверар умрим бир сўроқ.
Менинг учун яшасин деб у,
Дўст ўлдими, ўшанда эвоҳ...

Низомжон ПАРДА

УСТИНА

Дор сиёқин ким раво кўрмайди ағёр устина,
Ким эса бергай тамошо дор қуриб дор устина.

Баъзилар ёр, баъзилар ағёр, нифоқ чўнг ўртада,
Сурати сирдошу ҳамдам, сийрати мор устина.

Баъзилар тўй-тўйлашурлар, гул — ҳаёт, олам ёруғ,
Баъзилар рафторларидин қор ёғар қор устина.

Катта анҳор ёқасида ўрнатилган чархпалак,
Чархи шундай айланур такрор-такрор устина.

Неча ошиқни суйиб ким бошини айлантирар,
Мен бирни ошно қилолмай хор, афгор устина.

Ҳеч Низом, зорланма ҳаргиз, шум фалак тақдири бу,
Жонидан ўтган кишилар ёр олар ёр устина.

ХАСТАДИР ЖОНИМ...

Хастадир жоним, табиб — кайвони сиз,
Хонангиз тупроғи мен, айвони сиз.

«Бизни чучук сўзларингиз қилди сайд,
Сиз бу оғиз бирла шаккар конисиз»[1].

Лабларингиз атри-бўйми сочади,
Лаб эмас-гул барги ул хандонингиз.

Ўзидек оппоқ, шифони бергали —
Оқ садафдек ялтирар дандонингиз.

Юзларингиз юз эмас, ҳур моҳтоб,
Ҳадяман дер юз бўлаклаб жонингиз.

Айтингиз Низомга бўлгунгиз қачон —
Қувватин гужум этар иймони сиз?

1. Лутфийдан.

Абдулла ҚУШБОҚ

ҒАРОЙИБ УЙҚУ

Тирикман,
Уликдай ухлайман,
ухлайман кўзларим чарақлаб.
Уйқуга айланган умримда
Турибсан қуёшдай ярақлаб.

Ухлайман тонгда ҳам, шомда ҳам
Дунё ҳам руҳимдан ташқари,
Мен билган дунёни фақат сен
Юрибсан худодай бошқариб.

Англарга ҳушим йўқ бошимда,
Юрарга бир қадам йўлим йўқ.
Ётарман кўзларим юмилмай
Оҳ, менга ўлим йўқ, ўлим йўқ.

Мен каби жонидан тўйган ва
Мен каби қисмати хароб йўқ.
Уларга — юрт учун жанг қилиб
Бугун бир мўғул йўқ, араб йўқ.

Яримман, балким бу оламда,
Танамда ё руҳ йўқ, ё жон йўқ.
Қочарга дод солиб, дод солиб
Ҳаттоки қафасдай осмон йўқ.

Муаллақ турибди юрагим
Йўл топмай бўшлиқлар қаърида.
Яшарга бир парча замин йўқ
Кўникиб, кўникиб барига.

«МИНГ БИР КЕЧА» ТУРКУМИДАН

Мен ётарман хастаҳол,
Шаҳризода бўзлайди.
Кўзингни оч, подшоҳим
Ёв босганга ўхшайди.

Кўчасида шаҳарнинг
Увлар бўри ва шақол.

Тирик бўлсанг,
подшоҳим,
Кўзингни оч, оча қол.

Овоз келар ваҳмали,
Кўзингни оч, эшитгин.

Бузаётир ўғрилар
Хазинангнинг эшигин.

Ўлмай тургин, бахт
топар
Тирик қолса эрта ким.
Кўзингни оч, ишқ ҳақда
Қолди сўнгги эртагим.

Очолмайман кўзимни,
Шаҳризода қақшайди.
Кўзингни оч,
подшоҳим
Тонг отганга ўхшайди.

●

Қорасоч тун кўкка чўғ
Сочганида этаклаб,
Олиб кетсин сулувлар
Абдуллани етаклаб.

Жудо бўлиб ҳушидан,
Чиқмай ҳатто товуши,
Боссин олиб кўксига
Сулувларнинг ковушин.

Нє қилганин англамай
Қайта-қайта эгилсин.
Бир сулувнинг оҳиста
Кокилига тегинсин.

Чўғ ушлаган телбадай
Қўли куйсин жизиллаб.
Ишққа тўла кўзидан
Ёш отилсин тизиллаб.

Лек ўлмасин Абдулла,
Тик кўтарсин қаддини.
Олсин сирли ғамзалар
Унинг ҳар не дардини.

Тугамасин бу йўл ҳеч,
Ўтаверсин замонлар.
Ғамзасини қўймасин
Фақат қоши камонлар.

Қорасоч тун кўкка чўғ
Сочаверсин этаклаб.
Кетаверсин сулувлар
Абдуллани етаклаб.

●

Чақмоқлардан тинди кўзларим,
Деразадан йиғлаб қарадим.
Шундай тунда боғ аро титраб
Ҳимоясиз қолди дарахтим.

Гулдираклар солар ваҳима,
Учрадикми фалак қаҳрига.
Қандоқ одам бўлдим, дарахтим,
Босолмасам сени бағримга.

Оқмоқдами бошингдан сувлар,
Танинг совуб, музлаяпсанми.
Шохларингни силкиб ҳар ёнга
Мен қўрқоқни излаяпсанми.

На ярадим қийин кунига,
На-да дардим билан ўлмадим.
Дарахтимни ёқиб юборди
Чақмоқларнинг ёвуз қўллари.

КЎРГИЛИК

ҲИКОЯ

«...Ярим тунда кўча эшик қаттиқ тақиллайди. Ташқаридан нотаниш кишининг баланд овозда, «Ҳомидхон! Ҳов, Ҳомидхон!» деб чақирғани эшитилади. Хиёл ўтмай девордан қоронғу ҳовлига дўпир-дўпир қилиб одамлар ошиб тушишади. Узун қора чарм пальто кийган шапкали кишилар тўппа-тўғри уйга бостириб кириб келаверишади. Кўчадан итларнинг ҳуриши эшитилади...

Ҳомидхоннинг пешонасини муздек тер босган, аъзои бадани титрарди. Ҳар гал шунақа пайтда Ҳомидхон бироздан сўнг ўзига келар, кейин қора шипга тикилиб ётар экан, бир нарсага ҳечам тушунолмас эди: нега, ахир, айнан тунда, фақат узун қора чарм пальто кийган кишилар, тағин девордан дупир-дупир қилиб ошиб тушишлари керак? Нега ҳеч қандай гуноҳи бўлмаса ҳам қамоққа олиб кетишлари керак?! Бор айби — коллективи орасида «партия ичида бунча жосуслар кўп» деганими? Ана шундай саволлар миясига сақичдек ёпишиб олган, бир йилдан бери уни ўз ҳолига қўймасди». Шу пайт эшик очилиб, «Ҳомид ака!» деган овоз эшитилди. Унинг хаёли бўлинди. Эшик олдида турган котиба қиз унга қараб, «Ўқувчиларни дарров пастга олиб тушар экансиз», деди. Қимир этмай жим ўтирган ўқувчилар хиёл жонланиб қолишди. Ҳеч нарсага тушунолмаган Ҳомидхон савол маъносида қизга тикилиб қолди.

— Ҳовлида мажлис бўлар эмиш. Директор айтди! — котиба қиз яна такрорлади.

У ўқувчиларни тартиб билан синфдан олиб чиқди. Ҳовлида деярли ҳамма талабалар йиғилган, ўқитувчилар ҳам улар билан бирга эди. Директорнинг келишини кутишар эди.

Ҳомидхон атрофга аланглаб кўпчилик орасидан ҳамкасби Алимовга кўзи тушди. У билан кўришмагани учун олдига бориб, «Тинчлик-ми?» деб қўл бериб сўрашди.

— Ҳар галдагидек бирор бир эълон бўлса керак, — деди Алимов кўзойнагини қўлига олиб, енгига артдида яна тақиб олди.

Ҳомидхоннинг бу ерга ишга келганига икки йил бўлганди. Ҳаммадан кўра Алимовни ўзига яқин оларди. Сабаби математиклар орасида эркак ўқитувчилардан атиги иккита, ўзи билан Алимов бўлиб, қолганлари аёллар эди. Шунинг учун у Алимовга мурожаат қилишга одатланиб қолганди. Тўғрисини айтганда, у шундай қилишга мажбур эди. Чунки Алимов ўз фанини пухта биладиган тажрибали ўқитувчи бўлиб, педагоглар орасида ўзига яраша обрўси бор эди. Бироқ у жуда кам гап, ўта жиддий одам эди. Бошқа ўқитувчилар эса Ҳомидхон билан салом аликдан нарига ўтишмасди. Аслида ўқитувчилар фақат Ҳомидхон билангина эмас, бир-бирлари билан ҳам жуда кам мулоқатда бўлишар, саломлашиб ҳолаҳвол сўрашгач шу заҳоти биров эшитмаяптими деган хавотирда атрофга кўз ташлар, гапини қисқа қилишар, директорнинг олдида эса умуман гаплашмас эдилар.

Ниҳоят директор ҳам келди. Унинг ранги ўчган, кайфиятсиз эди.

— Ўртоқлар, — деди у ўзига ярашмаган овозда. Ғовур-ғувур дарров тинди. — Доҳиймиз ўртоқ Сталин партиявий ҳушёрликни бир дақиқагаям бўшаштирмасликни, мамлакатимиз ўз бошидан оғир ва масъулиятли кунларни кечираётган бир вақтда, душманларга қарши аёвсиз кураш олиб бориш кераклигини доим уқтириб келмоқда. Ҳозирги кунга келиб вазият ўта кескинлашган бир пайтда мамлакатимиз бўйлаб ички душманларга қарши курашга бутун жамоатчилик сафарбар қилинмоқда. Умумий чақириқ эълон қилинмоқда. Албатта, бундай чақирикдан ҳеч қандай виждонли киши ўзини четга олмаслиги керак. Улуғ доҳиймиз ўртоқ Сталин раҳбарлигидаги большевистик партия раҳнамолигида бу курашда биз албатта зафарга эришажакмиз!

Ҳомидхон директорнинг нотиқлигига ишга келган биринчи кунданоқ маҳлиё бўлиб қолганди. У гапирганда бутун вужуди билан сидқидилдан берилиб, ҳар бир сўзни чертиб-чертиб айтарди. Ҳомидхон уни мароқ билан эшитарди.

— Ҳеч кимга энди сир эмас, — сўзида давом этди директор, — душман энди совет педагоглари ичига ҳам суқилиб кирмоқчи. Албатта, бундай вазиятда биз совет ўқитувчилари партиявий сергаклигимизни янаям оширишимиз, шубҳали нарсаларни сезган заҳотиёқ дарров керакли жойларга етказиб туришимиз лозим. Бу бизнинг партиявий бурчимиздир! Узоққа боришимизнинг ҳожати йўқ, қора ниятли «халқ душмани» Сирожиддинов воқеаси бунга мисол бўла олади...

Сирожиддинов тил ва адабиёт ўқитувчиси бўлиб, Ҳомидхон билан бир маҳаллада турарди. Адабий кечада Сирожиддинов Сталин суратининг ёнига саллалик Алишер Навоийнинг расмини осиб қўйгани учун қамалганди.

— Сирожиддинов, — сўзида давом этди директор. — Неча йиллардан бери чет эл жосуси эканлиги яқинда ҳаммага аён бўлди. Бизнинг қудратли ГПУимиз ўртоқ Сталиннинг улуғ раҳнамолиги остида Сирожиддинов ва унга ўхшаш аксилинқилобчи ёт унсурларни фош этди. Аммо лекин душман ҳали бутқул фош этилгани йўқ, у ҳалиям ҳар хил ниқоблар остида ҳалол кишилар орасига кириб олмоқда. Улар ҳатто бизнинг орамизда ҳам бор!

Шу гап айтилганда Ҳомидхоннинг юраги бир ҳаприқиб тушди. Вужудини титроқ қамрай бошлади. Назарида бир йилдан бери юрагини кемириб келаётган шубҳа ҳақиқатга айланаётгандай эди. У бир йилдан бери «барибир қамаламан» деган ҳадик билан яшарди. Ҳар бир ножўя ҳаракат, кишиларнинг бир-бирига имо-ишораси, ҳозиргига ўхшаган гаплардан у ғалати ҳолатга тушарди. Айниқса, кечки пайт кўча эшиги тақиллайдиган бўлса хаёли дарров қамоққа оғиб қоларди. «Бир оғиз гап учун-а», эзиларди у. Баъзан кетма-кет қамалаётган одамларни ўйлаб «шунча одамни қаерга жойлаштиришар экан?» деб қўярди.

— Душман ҳалиям бизнинг орамизда бор! — яна таъкидлади директор. — У бизнинг орамизга кириб олиб, зимдан иш кўрмоқчи. У ёш ўқувчиларимизни, ҳали мурғак инсонларнинг онгини заҳарламоқчи бўлмоқда. Математикадек улуғ фанни ўзига ниқоб қилиб олиб қабиҳ ниятига эришмоқчи.

Ҳомидхон бу сўзлардан кейин гап ўзи ҳақида кетаётганига шубҳа қилмади. Негадир у қўрққани йўқ, фақат кўнгли бирдан чўкиб қолди. Қўрқмагани сабаби, шунча вақтдан бери шубҳа ва қўрқув остида яшаб келгандан кўра «бўладиган ишнинг тезроқ бўлгани яхши» деганларидек қамалиб, руҳий азобдан тезроқ қутилишни истарди. Лекин у ўзининг қамалишини ҳозиргидан бошқачароқ тарзда фараз қиларди: ярим тунда кўча эшиги қаттиқ тақиллаб, нотаниш киши «Ҳомидхон! Ҳов, Ҳомидхон!» деб баланд овозда чақириши, кейин эса девордан қора чарм пальто кийган кишилар ошиб тўшиши, уни машинага тиқиб олиб кетишлари керак эди. Аммо у ўйлагандек бўлмади. «Демак, директор сўзлаб бўлганидан кейин, мени шу ернинг ўзида ушлаб, қамоққа олиб кетишса керак», деб ўйлади у.

— Аммо душман янглишади! — директорнинг сўзи хаёлини бўлди. У кучаниб сўзлаганидан бўйнидаги томирлари бўртиб чиққан, озғин гавдаси эса худди чаёнга ўхшаб қолганди. «Одамлар бекорга лақаб ўйлаб топишмас экан. Худди «Чаён», ўйлади Ҳомидхон.

— Ҳа, душман янглишади, — давом этди директор. — Келажагимиз бўлган ёшлар орасида ҳушёр, сергаклари кўп! Улар ёш бўлишига қарамай оқ қорани дарров ажрата олишадиган бўлиб тарбияланмоқда. Ичимиздаги душманларни фош этиб, жойларга хабар бериб туришибди. Мана, бунга қаранг, — директор чўнтагидан титилган варақни олиб ҳаммага кўрсатмоқчи бўлди-ю, аммо негадир қўлида ушлаб қолди. — Боя эслатиб ўтганим халқ душмани Сирожиддиновнинг ҳалиям орамиздаги ўқитувчилар билан алоқаси бор экан. Ўқитувчиларимиз орасида Сирожиддиновнинг хотини билан ҳамсуҳбат бўлиб, унга хайрихоҳлик билдираётган шахсни ўқувчиларимиз жуда сергаклик билан пайқаб, дарров бизга етказишди. — Директор энди қўлидаги бояги ғижим қоғозни кўтариб ҳаммага кўрсатди. — Мана, бизга хабар беришди...

Сирожиддиновнинг хотини математика ўқитувчиси бўлиб ишлар, эри қамалгандан сўнг у ҳам ишдан бўшатилган эди. Бир куни Ҳомидхон уни кўчада учратиб қолганида, аёл унга уйида ейишга ҳеч нарса йўқлигини, болалари оч ўтирганини, ҳасрат қилиб йиғлаган эди. Шунда Ҳомидхон бечора аёлга нима дейишини билмай «кўргилик экан-да!» деганди. Бироқ Ҳомидхон бир нарсага ҳайрон эди: директор бу ерда уни Сирожиддиновнинг хотинига хайрихоҳлик билдиришда айблаётганига, ўзининг ўқувчилари орасида унинг ҳар бир сўзини юриш-туришини етказадиганлар борлигига ҳам эмас, балки бир соатдан бери директор ким ҳақида ким айтаётгани маълум бўлгани ҳолда йиғишини узоқ чўзаётганига сира ақли етмасди. Ҳозир у бу жирканч маросимнинг тугашини, олиб борадиган жойларига тезроқ олиб боришларини хоҳларди.

— Энди гап ким ҳақида эканлигини очиқ айтишга мажбурман — деди директор тантанали тарзда. — Бу математика ўқитувчиси ўрт...э... — директор «ўртоқ» деб юборишига сал қолди. Аммо у тез хатосини тузатди. — Э... бу шахс...

Ҳомидхон директорнинг усталик билан ўзини тез қўлга ола билишини кўриб ҳайратда қолди.

Алишер МАХСУМОВ

Бундайлар ҳаётда ҳечам қоқилмаслигини, агар мабодо қоқилиб қоладиган бўлса ҳам йиқилмаслигини, майда нарсалардан ҳам жуда эҳтиёт бўладиган одам эканлигига энди ишонди. Бундай хусусиятга эга бўлиш учун туғма талант керак, деб ўйлаб юрар эди. Энди бўлса, талантдан ташқари одамда катта тажриба бўлиши ҳам кераклигини тушунди.

— Бу шахс математика ўқитувчиси Алимов!— деди директор. Шу маҳалгача жим турганлар бирдан «уҳ» деб юборишди. Агар директор ҳозир «Эртага қиёмат қойим бошланар экан!» деганида ҳам йиғилганлар бунчалик ҳайратланишмасди. Ҳамма шу пайтгача гап фақат Ҳомидхон ҳақида деб ўйлашганди. Бундай хабар ёз куни тўсатдан осмонда момоқалдироқ гумбурлаши билан баробар бўлди. Ҳамманинг хаёлида «наҳотки Алимовдек ёввош одам, одобли, тарбиялик, ақллик одам» деган ўй кечди.

— Ҳа, ўртоқлар, бунга ишониш қийин, албатта, — деди директор вазиятни дарров сезиб. — Аммо бу факт! Фактдан эса сира қочиб қутилиб бўлмайди. Алимов биз юқорида таъкидлаган «халқ душмани» Сирожиддиновнинг хотини билан ҳамфикр экан. Мана, бу ҳужжатда Алимов ҳақида бундай дейилган, эшитинг. — Директор боядан бери қўлида эрмак қилиб ғижимлаб ўйнаётган қоғозни ўқий бошлади: «...Алимов Сирожиддинова билан, яъни «халқ душмани» Сирожиддиновнинг хотини билан кўчада учрашди. Сирожиддинова унга йиғлаб уйида ейишга ҳеч ваҳо йўқлигини, болалари очлигини, эридан ҳеч қандай хабар йўқлигини, унинг қаердалигини ҳеч ким билмаслигини гапириб йиғлади. Бунга жавобан Алимов «Кўргилик эканда!» деб жавоб қилди...»

Директор қоғозни таҳлаб чўнтагига солди.

— Эшиттинглар-а ўртоқлар, «Кўргилик» эмиш. Кимга «кўргилик»? Бу билан Алимов нима демоқчи? Одамларнинг «халқ душмани»дан халос қилиниши «кўргилик» эканда?! Сирожиддиновдек душманнинг қамалиши «кўргилик» эканда? Унинг қабиҳ ниятлари амалга ошмасдан қолиши «кўргилик» эканда?! Бу катта сиёсий хато ўртоқлар! Совет педагоги бундай хато қилишга ҳаққи йўқ! Бундай хатолар сираям кечирилмайди! Ички душманнинг йўқ қилиниши одамларнинг тинчлигига қарши бўлиб чиқар экан-да?! «Кўргилик» эмиш бу сўздан ёт унсурларнинг ҳиди келяпти.

Директор Алимовнинг айбдор эканини айтган заҳоти Ҳомидхон жойида шамдек қотиб қолди. Кейин Алимов домла ҳақида ўйлай бошлади. Алимов сал нарида бўлса ҳам Ҳомидхон унга қайрилиб қарай олмади. Ҳойнаҳой, ҳамкасби ҳозир қип-қизариб кетган бўлса керак. У қаттиқ ҳаяжонланса қизариб кетадиган одати бор эди, аммо чўрқ этган товуш чиқармасди, фақат кўзойнагини қўлига олиб енгига артишга бошларди. Алимов худди шундай аҳволда эди. Ҳомидхон фақат Алимовга эмас, бошқаларга ҳам қарашга мадори қолмаганди. Унинг бутун вужудини титроқ босган, оёқларида ҳеч қандай куч қолмаганди. Директор айбдор Алимов эканлигини эълон қилганидан сўнг бирдан унинг мадори қуриб кўл-оёғи бўшашиб қолди. Бир соатдан бери вужуди билан ўзини айбдорликка тайёрлаб келсаю натижаси тескари чиқса. Худди икки киши арқон тортишаётганда биттаси қўйиб юборгандаги вазиятга тушди. Бир йилдан бери мудроқ ҳолатдаги фикрлар бирдан ёришди. «Халқ душмани» деган гапнинг қанчалик даҳшатли эканлигини англай бошлади. Эркинлик ва озодлик инсон учун нақадар катта бахт эканлигини ҳис қилди. Буларни у бир зумда, Алимовни айбдор деб топишгандан сўнг ҳис этди. Қамалишга ўзини бир йилдан бери тайёрлаб келаётгани учун ҳақиқий кўрқувни онги сезмай қўйганди. Шу топда уни жуда қаттиқ кўрқув босди. Оёқ-қўли қақшаб титрай бошлади, кўз олди қоронғулашиб гавдаси тўсатдан чайқалиб кетди. Бирдан бор-йўғи билан ерга гурсиллаб қулади.

Тўпланганлар учун Алимов домланинг «халқ душмани» эканлиги маълум қилиниши катта янгилик бўлса, ундан ҳам ўтиб тушгани кўпчиликнинг орасида Ҳомидхоннинг тўсатдан йиқилиши бўлди. Ким билди, ким билмади, аммо директор «Очлигидан бўлса керак» дейиши билан ҳамма дарров тинчланди.

...Бир неча кишилар уни кўтариб алоҳида хонага олиб киришди. Шунда ҳам Ҳомидхоннинг қулоқлари остида директорнинг овози шанғиллаб турди. Кимдир юзига сув сепгач ўзига келди. Ҳовлидан ҳалиям директорнинг айбловчи ўткир овози эшитилиб турар эди:

— Бундай шахсларга нафақат педагоглар сафида, балки бизнинг шонли партиямиз сафида ҳам ҳеч қандай ўрин бўлмаслиги керак!..

Кейин Ҳомидхон директорнинг сўзларига эътибор бермай қўйди. Атрофидагиларнинг саволларига жавоб бермади. Ҳамма нарса худди тушида содир бўлаётгандек эди. Кўзига аллақандай кўчалар кўринар, негадир ёш болаларнинг йиғиси эшитиларди, атрофдаги одамларнинг ғовур-ғувури бошқа овозлар билан қоришиб кетди. Кейин ҳаммаси сўнди.

Шу ётганча у роппа-роса икки кун ётди. Уйғонганидан кейин ҳам анча вақтгача ўзига келолмади. Аста-секин эс-ҳуши жойига келиб, атрофидаги ҳамшира қизларни, ўзидан бошқа яна бешолти кишиларни кўриб ўзининг касалхонада эканлигини англади. Бўлиб ўтган воқеалар бирма-бир эсига кела бошлади, аммо ўша куни бошланган қулоқ остидаги шанғиллаш ҳалиям йўқолмаганди, гоҳ директорнинг «Улуғ доҳиймиз ўртоқ Сталин биз учун... кўргилик!» дегандек овози қулоқлари остида эшитилиб қоларди.

Ўша куннинг ўзида Алимов директор айтганидек, ҳам партия сафидан чиқарилди, ҳам ўқитувчилик лавозимидан бўшатилди. Директор буни буйруқ билан тасдиқлади. Бу ҳақда Ҳомидхон тўрт ойдан сўнг, касалхонадан тузалиб чиқиб, ишга тушганидан кейин билди. Алимов домланинг нима бўлганини билмади, бировдан сўрашга эса қўрқди. Билган тақдирда ҳам ҳеч ким унга айтмаслиги аниқ эди.

Бир томондан қўрқув, иккинчи томондан қаҳатчилик мамлакатнинг ҳам, халқнинг ҳам тинка мадорини қуритди. Очарчилик худди вабодай ёйилди. Дўкон пештахталари бўм-бўш, талон билан бериладиган нонга одамлар узуқун навбатга туришарди. Ишламаган одамнинг пул топиши жудаям қийин эди, агар уйидаги нарсаларини бозорга олиб чиқиб сотмаса, бошқа йўл билан яшай олмасди.

Ана шундай кунларнинг бирида Ҳомидхон гавжум кўчадан ишга бораётиб тўсатдан рўпарасида жуда қўрқинчли башарага дуч келиб, тўхтаб қолди. У тез ўтиб кетмоқчи эди, аммо синиқ кўзойнак остидан унга термулиб қолган таниш кўзларни кўриб жойида қотди. Бу Алимов эди! У Алимовни бунақа аянчли аҳволда учратишни сираям ўйламаганди. Соч-соқоллари ҳаддан ташқари ўсиб кетган, эгнида яғири чиққан бировнинг эски пахталиги, уям бир нечта жойлари йиртилган. Ҳомидхонни қаттиқ ҳайратга солган нарса Алимовнинг кийинниши эмас, балки ҳамкасбининг кўзларида қотиб қолган даҳшатли қўрқув эди.

— Танидинг-а, — деди Алимов кўзойнагини қўлига олиб яғир енгига артар экан. — Сен қўрқма, мен ҳозир кетаман. Неча кундан бери шу ердан ўтишингни кўриб олдинга келишга журъат қилолмаётган эдим. Бугун чидолмай сени тўхтатдим, — деди Алимов яна кўзойнагини тақиб.— Тўғрисини айтсам, мени бундай аҳволда сендан бошқа ҳеч ким танимайди. Агар таниганида олти ой аввал таниган бўларди.

— Олти ой?! — ғўлдиради Ҳомидхон зўрға.— Нега олти ой?! — У ҳеч нарсага тушунолмасди. Ҳайрон бўлганидан «Ҳалиям қамалмадингизми?», деб юборишига сал қолди.

— Нега дейсанми? Мени ишдан ҳайдашганига мана олти ойдан ошди. Ўшандан бери ҳеч қаерда ишламайман. Ҳеч қаерга ишга қабул қилишмаяпти, ё қамашмайди. Мени қамашни унутиб қўйишди шекилли, — киноя билан деди Алимов. — Олти ойдан бери болаларим оч! Олти ойдан бери ишсиз кўчама-кўча шу аҳволда сандироқлаб юрибман. Ҳолимиздан хабар оладиган ҳеч ким йўқ. Ҳамма моховдан қўрққандек мендан қочади. Уйдаги бор нарсаларимизни сотиб еб бўлдик. Ҳатто оғзимдаги тилла тишимни ҳам сотиб едик. Уйда ейишга бир урвоқ нон ҳам қолгани йўқ. Болаларимнинг йиғисини, хотинимнинг дод-фарёдини эшитишга тоқатим қолмади. Тириклайин сўйишди. Айбим нима?! — у бирдан ўкириб йиғлаб юборди.

Ҳомидхон қўрқиб кетди. У Алимовни таниганидан бери унга ҳавас қилиб келарди. Ҳасад эмас, ҳаваси келарди, холос. Алимовнинг камтарлиги, одоби, кўпчиликнинг орасида ўзини тута билиши, унинг ҳатто кийиниши, юриш-туришига ҳам ҳавас қиларди. Алимовнинг оиласига, ширин турмушига эса фақат Ҳомидхоннинг эмас, ҳамманинг ҳаваси келарди. Ана энди шундай зиёли одам аянчли аҳволга тушиб, худди ёш боладек ўкириб йиғлаб ўтирса-я. Назарида ҳозир кимдир уларни кўриб қолса, ўкириб йиғлаётган Алимовни таниб қолиши мумкин эди. «Ҳеч бўлмаса овозини чиқариб йиғламаса бўлар эди», дея хаёлидан ўтказди у. Алимов унинг дилидагиларни англагандек бирдан йиғлашдан тўхтади.

— Ҳа, майли, — деди у. — Кўргилик экан-да!

Ҳомидхон бу сўзларни эшитиб аввалгидан баттар қўрқиб кетди.

— Сен кўп қўрқаверма, — деди у яна қўлига кўзойнагини олиб.— Мени барибир ҳеч ким танимайди. — У бироз жим қолгач, чуқур хўрсинди, кейин жиддий овозда. — Энди мен ўша ГПУсига ўзим бормоқчиман! Нима бўлса энди бу ёғига пешонамдан кўраман. Агар мен ҳақиқатан «халқ душмани» бўлсам қамашсин, айбимни бўйнимга қўйиб отишсин. Ҳаммасидан тўйдим.

Ҳомидхон ҳалиям ўзига келолмасди. У ҳамкасбига ҳеч қандай ёрдам беролмаслигини билар, лекин ҳеч бўлмаса «кўргилик экан» деб кўнгил сўрамоқчи бўларди-ю, аммо «халқ душмани»га айланиб қолишдан қўрқар эди. У қандоқ турган бўлса, шундоқ қотиб тураверди. Алимов унга бирпас қараб турди, сўнг одамлар орасига сингиб кетди.

Орадан икки йил ўтди. Ўқув муассасасида деярли ҳеч нарса ўзгармади. Фақат директорнинг ҳам «халқ душмани»лиги аниқланиб қамалиб кетганлигини ҳисобга олмаса, қолгани ўша-ўша. Энди директорликни вақтинча Ҳомидхон бажариб турарди. Ҳомидхоннинг ҳаётида ҳам ҳеч нарса ўзгаргани йўқ. Фақат Алимов домла билан учрашганида айтилган «кўргилик экан» деган сўзни биров эшитиб қолмадимикан, деб тез-тез гумонсирайдиган одат чиқарди. Хаёлида эса ўша қўрқув: «Ярим кечада кўча эшиги қаттиқ тақиллаб, ташқаридан нотаниш одамнинг «Ҳомидхон! Ҳов, Ҳомидхон!» деб чақиришию, кейин девордан қоронғи ҳовлига узун товонигача тушадиган қора чарм пальто кийган кишиларнинг ошиб тушиши ва уни қамоққа олиб кетиши» абадий муҳрланиб қолганди.

ИНСОН, АХЛОҚ ВА ҚОНУН

Қотиллар ва қатллар

ЕКИ ЮРТИМИЗГА ТАШҚАРИДАН КЕЛАЕТГАН ЖИНОИЙ УНСУРЛАР ҲАҚИДА

БИРИНЧИ ТАҚДИР

Қаҳратон қиш оқшоми. Яқиндагина сўнгги чигитлари териб олинган далалар оппоқ қорга бурканиб ётибди. Тўққиз кунлик ой шом тубига бош қўяётиб, машъум ҳодисадан дарак бергандек, қип-қизил қон парчасига ўхшаб ботди. Ертўладан гандираклаб чиқиб келган Михаилнинг кўзлари бежо, учовлон ичган уч шиша винонинг кайфи билан ниманидир ахтарар эди. Ниҳоят, қўлига билакдай арматура илинди. Кўзлари ёвуз ялтираб ичкарига кириб кетди. Боягина арзимас ади-бади айтишган Геннадийнинг бош устида ажалдек эгилди. У эса беозор ухлаб ётарди. Номард учун ёвуз ниятни амалга оширгани қулай пайт эди. Учтўрт бор зарб билан урилган арматура бечоранинг миясини янчиб ташлади. Михаил бу билан ҳам кифояланмай нариги хонага ўтди, қўлига илинган ош-пичоқни оласолиб, чалажон шеригининг кўксига санчди...

Мурдани судраб ташқарига олиб чиқаётганда жазмани Светланага дуч келди. У бу манзарани кўриб суратдай қотиб қолган эди. Қотил «Ҳеч кимга айта кўрма!» дея ўдағайлади-да, ёрдамлашиб юборишни буюрди. Бироқ гангиб қолган Света жойидан қимирлай олмади. Михаилнинг ўзи мурдани елкасига ортиб канал томон кетди. Ўпқон бўйига етганда уни елкасидан тушириб чуқурликка ташлаб юборди. Аммо зум ўтмай яна шу жойга қайтиб келди. Бу гал унинг қўлида бир челак... солярка бор эди. Миясида эса бир-биридан ёвуз ниятлар чарх урарди. Унинг қаҳри шу қадар қаттиқ эдики, соляркани Геннадийнинг жасади устига сепиб, гугурт чақди. Зим-зиё тун бир фурсат чирсиллаб ёнган оловдан ёришдию зум ўтмай бу ёвузликни бағрига ютиб юборди. Ҳавода бадбўй ҳид анқиди. Узоқларда итлар ҳуриб, олашақаклар шақиллади... Қотил эса ўз қавмидан чиққан бир навқирон йигитни шу тахлит абгор айлаб, ёққан жойига кўмиб ташлади.

У бечоранинг ёзиғи не эдики, итдай беному нишон ўлиб кетди. О, ўриснинг бебахт боласи, сенга киндик қонинг тўкилган тупроғинг бир қаричи насиб этса бўлмасмиди? Сен бу ерларга ўлим ахтариб келганмидинг? Ёки чинакам жаннат Ўзбекистонда, ишламай тишлаш мумкин, деб сени алдадиларми? Бу «жаннат» сенга буюрмади. Келиб-келиб ўз элингдан чиққан нокас қўлида ўлим топдинг. Онанг сени шу қисмат учун туққанмиди?

Машъум бу ёвузлик фош бўлгунга қадар Геннадийнинг жасади салкам уч йил ўпқон тагида хор бўлиб ётди...

ИККИНЧИ ТАҚДИР

Баҳорнинг ташвишли кунлари эди. Шийпонда ётиб юришган ака-ука Александр ва Владимир кун бўйи ишга чиқмай бир қултум ароқ умидида вақт ўтказишди. Ахийри «қора кун»ларига асраб қўйган «Лесная вода» деган одеколонни ичиб ҳуморларини босадиган бўлишди. Бекорчидан худо безор деганларидек, нима бўлдию ака-ука арзимаган нарсанинг устида ади-бади айтишиб қолди. Ака аввал ҳам судланиб, қамоқдан қамоққа ўтавериб, пихини ёрган жиноятчига айланиб бўлган, ҳар хил ёвузликларни кўраверіб кўзи қотиб кетган эди. Шу боис ўз туғишган укасини ҳам аяб ўтирмади. Шартта ошпичоқни олиб Владимирнинг қорнига тиқди.

Ука бундай баттолликни кутмаган, ҳаёт билан шу тарзда видолашаман, деб ўйламаганди. Ҳали майса қопламаган чўлнинг топ-тоза тупроғига унинг лаҳта-лаҳта қони тўкилди. Қуёш Ғарб уфқига маъюс бош қўяётганда жони узилди. Қотил ака туғишган жигарининг жонсиз жасади олдида арвоҳдай чирқираб қолди...

Уларни дунёга келтирган, ўстириб вояга етказган замин эса бу кўргиликлардан бехабар эди. Ҳеч ким олисдаги бу ўлим учун кўз ёш тўкмади, шарафсиз мотам учун бош ҳам эгмади. Қотил ака судда қилмишига иқрор бўлди ва ўзи ўрганиб қолган «жонажон қамоқхонаси»га кетди.

УЧИНЧИ ТАҚДИР

Геннадий Теремец хўжалик марказий ремонт устахонасида слесарь бўлиб ишларди. Ноябрь байрами оқшомида никоҳсиз хотини Надеждани ёнига олиб Николай Потеряевникига меҳмонга борди. Мезбон уларни ароқ билан сийлади. Николайнинг укаси Виктор, хотини ва бошқа танишлари: Александр, Фанус, Надежда ва Людмила анча вақтгача ўйин-кулгу қилиб ўтиришиб, кейин гаплари чап тушиб қолди. Меҳмон иззатини билмай мезбон билан жанжаллашди. Орага совуқчилик тушди. Яна ҳар қанча ароқ ичилмасин гап гапга қовушмай адоват чуқурлашиб борди. Алламаҳалда ётоқхонага қайтиб келишган Геннадий, Надежда ва Александр ортидан Николай ва Виктор Потеряев, уларникидаги бояги ўтиришда бирга бўлган Фанус Назмутдинов соядек эргашиб келишди. Сўнгра учовлон ухлаб ётган Геннадий Теремец билан Александр Греневни уриб, хумордан чиққунча дўппослаб қайтишди.

Шу тариқа ичкилик устида бошланган арзимас адибади чуқур адоватга айланиб, ёвузликка етаклади. Геннадий эрталаб барвақт туриб, кечаси уни уриб кетганларни ахтара бошлади. Дастлаб Фанус Назмутдиновни ухлаб ётган жойидан топди. Турғазиб олиб роса урди. Бошига, танасининг дуч келган жойига тепавериб чалажон қилиб ташлади. Охирги тепкилар зарбидан Фануснинг оғзидан қон келди. Унинг жони чиққандагина Геннадий нима қилиб қўйганини англаб ўзини кўчага урди...

Украинанинг Дробич шаҳрида туғилиб ўсган Г. Теремец гўё чўл ўзлаштиргани келиб шундай «қаҳрамонлик» кўрсатди. Ўзи сингари бир «чўлқувар»нинг ҳаётига зомин бўлди.

ЯНА БИР ТАҚДИР

Лаврухин Олег Филиппович ҳам уч марта судланиб қамоқдан чиққач, Қарши чўлини нишонга олиб келди. Бирор жойда пропискаси бўлмаган хавфли рецидивистни ким ҳам ишга оларди. Шу боис Роза Янтурина деган ўзига ўхшаш келгинди аёлни авраб ёстиқдош бўлиб олди. Улар пиёзфурушларнинг ертўласида никоҳсиз яшаб юришди.

Розанинг кўмагида паноҳ топиб олган Олег топганига ичиб маишат қила бошлади. «Қаллиғи»ни кунбўйи далада ишлатиб, ўзи ертўлада ағанаб ётадиган бўлди. Аёл бир кун чидади, икки кун чидади, ахийри ориятли қўзғади. Бироқ у узиб бўлмас тузоққа тушган, ундан қутулишнинг иложи йўқ эди. Безиллаб қолган Роза ўзини ҳар ёққа уриб ҳарчанд қутулиш йўлини ахтармасин Олег текин нонтопарини қўйворгиси келмасди. Уни қўрқитиш ва қийноқлар билан эл қилмоқчи бўларди. Аммо бундай ёввойиларча турмуш, ит ётиш — мирза туришнинг оқибати барибир фожиага олиб борди. Олег аёлни уриб ўлдирди.

ДАИДИЛАР БЕКАТИ

Бу жойда поездлар бир фурсат тўхтаб ўтади. Москва — Душанба тезюрари ҳар куни, Самара — Душанба эса ёз ойлари кунора. Улар чўлу саҳро туташиб кетган поёнсиз ёбон қўйнидаги Толимаржондан ҳар ўтганда беш-олтита, ҳеч бўлмаганда эса бир-иккита шубҳали кимсалар вагондан тушишади. Бу ҳол қишинёзин такрорланаверади. Кенг чўл, ким билан кимнинг иши бор? Шу сабабли бу овлоқ бекат дайдиларга худди ашаддий нашавандлар учун Муюнқумдаги Сари-Озекдай ёд бўлиб кетган. Улар бу ерда очдан ўлмайдилар: қурилишлар бор. Бошпанасиз қолмайдилар: қурилишларнинг ётоқхоналари бор. Ётоқхоналар бўлмаса пиёзфурушларнинг ертўлалари бор. Шу боис ҳеч кимдан ҳайиқмай, ҳеч нарсадан тап тортмай келаверадилар. Келишади-ю, қўлларига пул тегди дегунча ичкиликбозликни бошлаб юборишади, ур-йиқит, жанжал-тўполондан бўшашмайди. Бир кун келиб оғир жиноятларни содир этишади-да, агар қўлга тушишса қамоққа кетишади, қўлга тушишмаса жиноятлари изини бекитиб, қанчадан-қанча ҳуқуқ-тартибот ходимларини сарсон этиб, янги манзилларга қочиб қолишади.

Ана шу дардисарлар касофати билан бутун туман бўйича содир этиладиган жиноятларнинг 35—40 фоизи Толимаржон ва Нуристон шаҳарчалари ҳиссасига тўғри келади. Негаки, бу жойларнинг аҳолиси орасида мамлакатнинг шимолий районларидан оқиб келаётган безорилар, қамоқдан чиқиб ўзини қаёққа урарини билмаган дардисарлар кўп. Қурилишларга эса одам керак, дуч келганини ишга олишга мажбур. Албатта, улар орасида астойдил ишлаб, дурустроқ ҳаёт қурмоқчи бўлганлар ҳам учраб қолади. Бундайларнинг иши тез юришиб, уй-жой олишади, оила қуришади. Аммо узоқдан келаётган жиноий унсурлар уларни ҳам тез йўлдан уради. Негаки, тўғри ишлаб, ҳалол пул топишга бўйинлари ёр бермайдиганлар фақат битта ёки иккита эмас. Яқин уч-тўрт йил ичида бир район ҳудудида бўлиб ўтган даҳшатли ҳодисалар дайдиларнинг ярамас кирдикорларини яққол кўрсатиб турибди.

Улар томонидан содир этилаётган, бироқ охири ўлим билан тугамаган бўлса-да, хавф-хатари асло ундан кам бўлмаган жиноятлар ҳам кам эмас. Ҳуқуқ ходимларининг асосий вақти шулар содир этаётган жиноятлар билан шуғулланишга сарф бўлаяпти. Ҳолбуки, тараққий этган мамлакатларда ҳуқуқ ходимларининг асосий вазифаси жиноятларни очишга эмас, уларнинг олдини олишга қаратилади.

Баъзи бировлар масалага енгил қараб, «Нима қипти, дайдиларнинг ўзларидан чиққан бало ўзларига урибди, биз ташвишланмасак ҳам бўлади», деб ўйлашлари мумкин. Келаётган бало фақат уларнинг ўзларигагина ураётгани йўқ. Бундай хавфли жиноятлар бизнинг ўбзекона турмуш тарзимизга ҳам таъсир кўрсатмоқда. Муҳитимизда юз бераётган хавфли вазиятларга нисбатан ташвишланмаслик кайфиятини уйғотмоқда. Айрим ёшларимиз эса жиноий тўдаларга билиб-билмай аралашиб, эл олдида юзлари қора бўлиб қолмоқдалар. Сўнгги йилларда тез-тез қўлга тушаётган уй ва мол ўғрилари осмондан тушгани йўқ. Булар муҳитимиз лойқаланганлигининг оқибатидир. Бирнинг касри мингга уради, деганларидек қамоққа тушган ёшларимиз уёқдан ҳеч вақт дуруст одам бўлиб қайтмайдилар. Жазони ўтаб келганларнинг аксарияти тузукроқ ёшларни йўлдан урувчи «шефбаччалар»га айланишмоқда. Бундай маънавий айниш иллати юртимизнинг ҳар ёғидан қўш калла аждардек заҳар сочиб турибди.

Шундай бир шароитда бизнинг туманимиз ҳар ўн минг киши ҳисобига тўғри келадиган жиноятчилик жиҳатидан Иттифоқда энг охирги ўринлардан бирида туради. Бунинг боиси сўнгги йилларда маънавий муҳитни соғломлаштириш юзасидан анча-мунча ишлар қилинмоқда. Район раҳбарияти аҳолининг иқтисодий шарт-шароитларини яхшилаш орқали маънавий муҳитга таъсир ўтказиш йўлини тутяпти. Шу боис иқтисодий ислоҳотларга кенг йўл очиб қўйилди, ижарачилик, фермерлик, деҳқон хўжаликлари жорий этилди. Аҳоли деҳқончилик учун ер-сувга эга бўлди. Бу йилдан бошлаб эса ҳар бир оила муайян миқдорда ғалла билан ҳам таъмин этилмоқда. Илгари кураш ва кўпкари сингари анъанавий халқ спорти ўйинлари унутилиб кетган эди. Эндиликда яна тўйҳашамларда, район ва хўжаликларнинг ҳосил байрамларида бу анъаналар ўзининг муносиб ўрнини топди.

Бу халқнинг руҳини кўтармоқда. Айниқса, бўш вақтини қандай ўтказишни билмай ичкиликбозлик ва жиноятчилик кўчасига уриб кетадиган ёшлар учун катта имкониятлар очиб берди. Улар халқ спорти билан шуғулланишга кучли эҳтиёж сезмоқдалар, ҳар бир қишлоқ ўз полвонлари, чавандозларини тарбияламоқда. Бу шубҳасиз маънавий-иқтисодий вазиятни соғломлаштирмоқда...

ОЧИҚКУНГИЛЛИКНИНГ МЕЗЁРИ БОР!

Албатта, бошқа жойларга нисбатан, камроқ бўлса-да, бизда ҳам «ўз» жиноятчиларимиз бор. Биз буни инкор этмаймиз ва қаттиқ қоралаймиз. Аммо шимолий районлардан ёпирилиб келаётган қаланғи-қасанғиларнинг йўлига ғов қўйилганда жиноятчилик янада кескин камайган бўлур эди. Негаки, юқорида айтганимиздай, туманимизда содир этилаётган жиноятларнинг 40 фоиздан кўпроғи ана шундай бегоналар ҳиссасига тўғри келмоқда. Толимаржон илгари Қарши чўлини ўзлаштириш маркази эди, сув омбори, насос станциялари, каналлар қурилиши учун кўп ишчилар керак бўлган эди. Нуристонда эса ҳозир Ўрта Осиёда энг йирик Толимаржон ГРЭСи қурилмоқда. Бу шаҳарлардаги иншоотларга келиб кетаётган одамлар оқими жуда катта, улар орасидан фақат яхши ниятли, чинакам ишчиларни танлаб олиш осон эмас.

Шунинг учун ҳам бу масалани жиддий ўйлаб кўриш ниҳоятда зарурдир. Аввалари бундай кўнгилсиз ҳолларни минг айтган билан қўлимиздан ҳеч иш келмасди. Энди эса жумҳуриятимиз мустақил давлат бўлди. Биз ана шу имкониятдан келиб чиқиб, Ўзбекистон давлатининг маънавий соғлом турмуш тарзини яратиш, унинг ҳудуди, меҳнаткаш халқини жиноий тўдалардан, ҳар хил қаланғи-қасанғилардан, фоҳишалар, каллакесар ўғрилардан ҳимоя қилиш йўлларини ахтаришимиз лозим.

Шу ўринда бир савол келиб чиқади: у ҳолда Толимаржон ГРЭСи сингари улкан иншоотларни қандай қилиб ишчи кучи билан таъмин этамиз? Менинг шахсий фикримча, биз бундан буён мустақиллик ҳуқуқларимиздан фойдаланиб ўзбек йигитларининг ҳарбий хизматни ўз давлатимиз ҳудудида ўташларини ташкил қилишимиз мақсадга мувофиқдир. Шунда бугунги юзлаб қурилиш иншоотларимиз доимий ишчи кучи билан таъмин этилган бўларди. Совет Армиясидаги носоғлом муҳит, ўзбекларга нисбатан душманлик кўзи билан қараш туфайли айрим йигитларимизнинг ҳалок бўлиб қайтишлари ҳам барҳам топган бўларди. Аскарларимизнинг яна бир қисми эса Ўзбекистон ҳудудига темир йўл ва автотранспорт, самолётлар орқали йўл олаётганларни назоратдан ўтказувчи посбонлик билан шуғулланишлари мумкин.

Ҳозирча Ўзбекистоннинг дарвозалари яхшию ёмонга бирдек очиб қўйилган. Бу, энг аввало, унинг халқи насибасини қиймоқда. Борди-ю, бундан буён ҳам чиройли шиорларнинг қулига айланиб, Ўзбекистоннинг ўзига хос эҳтиёжларидан келиб чиқиб иш тутмасак, маънавий-иқтисодий аҳволимизни тез орада ўнглаб ололмаймиз. Ўзбекистон яна аввалгидек шимолдаги халқларнинг ишёқмас, текинтомоқ жиноий унсурлари йиғилиб келаверадиган карвонсаройлигича қолаверади. Шунинг учун, энг аввало, фуқаролик қонунини қабул қилишимиз керак. Ва ундан келиб чиқадиган барча ҳудудий тартибларни жорий этишимиз зарур.

Биз жумҳуриятимизнинг даҳлсизлигини эълон қилдик. Эндиликда ана шу мустақил давлатнинг ҳуқуқий асослари яратилмоқда. Уни яратишда 73 йиллик аччиқ сабоқлардан муайян хулоса чиқаришимиз, шунча йиллик тутқунлик пайтида амал қилиб келинган тушовларни тезроқ узиш зарурдир. Акс ҳолда эски тушовлар янгисига алмаштирилиши мумкин.

Яқинда бўлиб ўтган ССЖИ халқ депутатларининг қурултойида қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари декларациясининг 21-моддасида: ҳар бир инсон мамлакат ичкарисида эркин кўчиб ўтиш, турар жой ва манзилгоҳ-макон танлаш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқни чеклаш-чегаралаш фақат қонун йўли билан белгиланиши мумкин. Фуқаролар ўз мамлакатини ташлаб кетиш ёки унга қайтиб келиш ҳуқуқига эга, ҳеч ким мамлакатдан чиқариб юборилиши мумкин эмас, дейилган. Бу жумлаларни ҳар хил талқин этиш мумкин. Хўш, бу Декларацияни қабул қилган Иттифоқ қурултойи «мамлакат ичкариси» деганда қайси ҳудудий бирликни назарда тутмоқда? Агар собиқ Иттифоқ ҳудуди назарда тутилаётган бўлса — бу, мустақиллигини эълон қилган давлатларнинг даҳлсизлигига раҳна солади. Чунки унинг ўз қонунлари бор. Уларда бу давлатга келиб-кетиш тартиблари ҳар бир минтақанинг ўз шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда белгилаб қўйилади. Шунинг учун ҳам мустақил ҳуқуқий асосларини яратаётган Ўзбекистонимиз юқорида эслатилган Декларация 21-моддасининг бизнинг ҳудудимизда амал қилиш тизимларини қонун йўли билан аниқ-равшан белгиламоғи ва унинг рўёбга чиқмоғи учун зарур шарт-шароитларни яратмоғи керак. Биз шундай ҳуқуқий асосларимизни яратар эканмиз, албатта, узоқдан келаётган такасалтанглар, худобезори жиноятчилар, фоҳишалар, жирканч муҳит яратувчи шубҳали кимсаларга дарвозаларимизни тақа-тақ бекитишни назарда тутамиз. Юртимиз тинчлигини, халқимиз осойишталигини, хотиржамлигини бузувчи бундай жиноий унсурлар Инсон ҳуқуқлари ва эрки тўғрисидаги Москва Баёнотидан фойдаланиб Ўзбекистонга суқилиб киришларига йўл бермаслигимиз керак. Шундай қилсаккина мустақил Ўзбекистон халқининг инсоний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилган бўламиз. Ўзбекистон халқларининг ўз табиий бойликларига эгалик қилиш, тинч ва осуда яшаш, ота-боболаридан мерос бўлиб келаётган маънавий қадриятларига гард юқтирмаслик, узоқ асрлар давомида шаклланган осиёча одоб-ахлоқ муҳитини Шимолдан келаётган маънавий офатлардан асраб қолиш учун нақд қадамлар қўямиз.

Хуррам ХОЛИҚОВ,
Нишон тумани прокурори

Муҳаммад ЮСУФ

ЎЗБЕКМОМОНИНГ ШИРИН КУЛЧАЛАРИ

Қўш ҳайдаб чарчаган чоракорга бир оғиз «ҳорма» деб қўйсанг, қанча чарчоғи ёзилади. Терга ботган туянинг сағринига секин уриб қўйганингни ўзи қанча мадад. Пахсакашга йўл-йўлакай илиқ бир назар ташлаб ўтганинг — давлат...

Менинг беминнат Ўзбекбобом етмиш йил ялангтўш кетмон чопиб, қорни нонга тўймади. Дур тўкиб ҳаққига ҳақорат эштди, хасталик орттирди, юзлари сарғайиб, қўллари қовжираб лой кечиб юраверди. Жони темирдан бу одамнинг пешонасини силаш тугул, ҳатто унга бир оғиз «ҳорма», деб қўйгани битта мард топилмади.

Бир раҳбар келиб ўз тилида алла нималар деб кетди. Унга дарров таржима қилишди: жўхори экасан. У жўхори экди. Жўхорипояга чайла тикиб, чумчуқлардан қўриб ётди. Бири икки бўлмади.

Бошқа бир раҳбар унинг қўлларини кўрмай туриб олтинга ўхшатди. У ишонди. Барибир, яна бири икки бўлмади.

Бу орада ўзи сиғинган Акмаллари, Файзуллолари қирилди. Шарафини у мозордан бу мозорга кўчиришди. Ва ниҳоят, ҳамма нарсадан кўнгли қолди. У ҳам энди тўнини тескари кийиб олди. Нокас боқимандаларидан юз ўгирди.

Бор, оға, ўз қорнингни энди ўзинг тўйғаз, деди уларга. Энди мени ўз ҳолимга қўй, шунча қонимни сўрганинг етар, деди...

Адолат билан айтганда, жуда тўғри иш қилди ҳам!

Бугун баъзи кимсалар Москвадаги биллур қандилли уйларининг болохонасида вино симириб ўтириб Ўзбекбобонинг келажагини башорат қилишмоқда. Шарқ мунажжимларидек юлдузларга қараб эмас, бўшатган шишаларининг тубига қараб башорат қилишмоқда. Кайф одамнинг ўзи ким бўлдию, башорати нима бўларди дейсиз.

Эндигина юра бошлаган гўдак албатта чайқалади, қоқинади. Ҳатто, гоҳо йиқилиб туриши ҳам мумкин. Аммо йиқилса ҳам ўз ерига йиқилади. Ердан мадад олиб кейин яна туриб кетади. Мустақил одим шунақа бўлади-да, одатда. Унинг ҳаёти ҳали олдинда. Худди ўша беғубор гўдак сари бизни ҳам ҳали олдинда нелар кутмоқда дейсиз. Аммо гап бунда эмас. Гап шундаки, энди ортга йўл йўқ. Юрдингми орқага қараш йўқ, энди.

Дунёда қўрқоқ одамдан ёмони йўқ. Хушомад қўрқоқнинг қўйнидаги бойқуш. Ўша бойқушлардан худонинг ўзи асрасин, энди.

— Муборак бўлсин оғайни, биз энди мустақил давлатмиз!

— Э-э, мустақилми-мустамлаками менга барибир. Муҳими, чўнтакда пул бўлсин, ака...

Ўзбекнинг ҳам ҳар хили бор. Биров гулга сиғинса, биров пулни отам, дейди. Тушунмаган содда одамни кечириш мумкиндир. Аммо кўра-била туриб мустақиллик деса энсаси қотадиган худбинларга нима дейсиз?

Қамишзордаги қурбақанинг ҳам ватани бор. Бир кунгина яшайдиган капалак ҳам жой танлайди. Қумурсқа ҳам ўзига бошпана тиклайди. Аммо инсон бўлатуриб юрагида Ватан туйғуси йўқ мавжудотларга нима дейсиз?

Менинг беш яшар қизим нима ёзаётганимга қизиқсиниб эшикдан мўралайди. «Ватан ким ўзи дада, — дейди у. — Ўғил болами ёки қиз болами у?»

Мен нима дейишимни билмай турсам, қизим яна савол беради. «Дада, Ватан қачон бизникига келади?..»

Келди у, қизим. Ана, остонада жилмайиб турибди!..

Олисдаги нохолис башоратчиларга эса бир гапим бор. Унутманг, меҳнаткаш одам саҳрода ҳам нонини топиб ейди. Эҳтимол, арпа, эҳтимол, зоғорадан бўлар бу нон, билмадим. Аммо нима бўлса ҳам бутун бўлади бу нон энди.

Кўринг, Ўзбекмомонинг улкан тандирида илк ширинкулчалар пишмоқда. Мустақил мамлакатнинг мустақил болакайларига аталган бу ширинкулчалар...

Мен дунёни нима қилдим?
Ўзинг ёруғ жаҳоним.
Ўзим хонман,
Ўзим султон,
Сен — тахти Сулаймоним.
Синглим дейми?
Онам дейми?
Топинган кошонам дейми?
Ўзинг менинг ҳаммасидан,
Улуғимсан, Ватаним!..

АРИЗАНГИЗ КЎРИЛДИ...

Ҳафталигимизга ҳар куни жумҳуриятнинг турли бурчакларидан кўплаб мактублар оқиб келмоқда. Улар одамларнинг оғриқ нуқталарига айланиб бораётган муаммолар, хусусан, шеър, ханда ва ҳажвиялар, санъат ва танқидга оид хабарлардан ҳикоя қилади. Хатлар ва оммавий ишлар бўлимига келаётган шикоятлар эса асосан жойларга текширишга юборилади. Баъзан аризачилар: «бу ердагилардан ёруғлик чиқмагани боис сизларга мурожаат қилувдик, яна ўзимизга текширишга қайтариб юборибсизлар, биз мухбир кутгандик» деган мазмунда хат йўллайдилар. Бир кунда келаётган 40—60 хатнинг ҳаммасига ҳам мухбир боришининг имкони ҳам, иложи ҳам йўқ. Шунинг учун жойлардаги масъул ходимларга ишонган ҳолда улардан келаётган расмий жавобларнинг баъзиларини қуйида эълон қиламиз.

Редакциямизга тошкентлик М. Исроилова уй-жой ва енгил автомашина ололмаётгани ҳақида ариза ёзган эди.

Яқинда С. Раҳимов район ижроия қўмитаси раиси Н. Абдужабборовдан шундай жавобни олдик: «Туман ижроия қўмитаси ўртоқ Исроилова Мастураннинг сизга йўллаган аризасини кўриб чиқиб шуни маълум қиладики, Туман халқ маориф бўлими касаба союз уюшмаси 28 май 1991 йил 9-сон қарори ва туман ижроия қўмитаси 449—9 сонли қарорига биноан аризачига «Жигули» — 21063 автомашинаси ажратилди. Исроилова М. уй-жой масаласида ижроия қўмитага мурожаат этмаган».

Шунингдек, деновлик бир гуруҳ-фуқаролар биродари саналмиш Сандов Сафарнинг ўлими содир бўлгани, орадан анча вақт ўтишига қарамай текшириш иши пайсалга солинаётгани ҳақида шикоят этганди. Бу масала юзасидан Денов район прокурори С. Қобилов шуларни маълум қилади: «Тергов жараёнида аниқланишича, Саидов Сафар 1990 йил 26 июнь куни «Тўпалангқоратоғканал» бошқармасига қарашли биринчи сув тақсимоти участкасига ишга боради. Шу куни ҳамқишлоқлари Зиннатулин Абдулҳақ ҳамда А. Турднев, М. Мамараимов, Х. Назаровлар билан бирга чўмилишади. Саидов Сафар ҳамқишлоғи Зиннатулинни у ерда кўриб қолиб бориб саломлашади. Ва унинг олдида икки-уч дақиқа туриб қолади. 27 июнь куни эрталаб ўша ердаги кўлнинг ичидан С. Сандовнинг жасади чиқади. Дастлаб марҳумнинг қариндошлари биродарининг ўлимида Зиннатулин Абдулҳақ айбдор деб гумон қиладилар. Суд тиббиёт экспертизасининг хулосасига кўра, марҳумнинг баданида бирор бир жароҳат тополмай, унинг ўлими сувга чўкиш оқибатида келиб чиққанлигини кўрсатади. Шунинг учун С. Сандовнинг ўлими факти бўйича бирор кишининг ҳаракатида жиноят аломати бўлмаганлиги туфайли ушбу факт бўйича кузатилган шикоят иши Ўзбекистон ССЖ ЖПКнинг 5-моддаси 2-қисми билан бекор қилинган».

РАСМИЙ ЖАВОБ

Панжара деворларига «тарихий» сўзлар битилган, тутун пуркаб турган бу сурат «Яқин ўтмишимиздан лавҳалар» дея эълон қилинса, бамисоли узукка кўздек ярашган бўлар эди. Ё бўлмаса «Россия бўйлаб сафар» дея сарлавҳа қўйилса, ҳеч кимда эътироз туғдирмаслиги ҳам аниқ.

Афсуски, шундай эмас. Тараннжубки, сиз суратда Қувасой шаҳридаги комбинатлардан бирини кўриб турибсиз. Ёзувларга эътибор беринг. Биронта ўзбекча сўз топаман десангиз, овора бўласиз. Ҳа, ўзбек урф-одатлари ва ақидалари барқарор Қувасойдай шаҳарда Давлат тили тўғрисидаги қонун ижросига бу қадар беэътиборлик ҳайратланарлидир.

Аслида бу аҳвол биргина Қувасойга тегишли эмас. Шу маънода бора-бора ноёб бўлиб бораётган факт «тақдим» этганликлари учун шаҳар мутасаддиларига миннатдорчилик билдирса ҳам арзийди. Эҳтимол, улар ушбу ёзувлар тепасига «Яқин ўтмишимиздан лавҳалар» деб ёзиб қўймоқчидирлар.

Р. ШАРИПОВ суратга олган.

ИХТИЁР МЕНДА БЎЛСА...

Мамлакатда тартиб бўлмоғи шарт. Мен аввало тартиб ва интизомни йўлга қўяр эдим.
Тошкент — **Қосим АКБАРОВ**

Ишни ёшларга халқимиз тарихини ўргатишдан бошлардим. Ўтмишимизни, авлодларимизни яхши билмай туриб, келажакка ишончли қадам қўйиш қийин.
Жиззах — **Доннёр ШИРИНБОЕВ**

В. И. Ленин номидаги музейни Алишер Навоий бобомизнинг қутлуғ номлари билан атаб, уни дунё халқлари музейига айлантирган бўлар эдим.
Тошкент — **Дилмурод ХУЖАҚУЛОВ**

Мактаб программасига қуйи синфлардан бошлаб ахлоқ-одоб, ҳуқуқ ва санъатнинг нозик сирларини ўргатувчи фан киритардим.
Туркистон — **Абдусобир БЕКТОШЕВ**

Одамлар орасига меҳру оқибатни қайтаришга киришардим. Кишилар оқибатли, сабру диёнатли бўлишса, иқтисодий танглик ҳам, долзарб муаммолар ҳам барҳам топади.
Жалолқудуқ — **Нафиса ТУРАЕВА**

Темур байроғини Туркиядан олиб келардим. Улуғбек сандиғини Истанбулдаги музейдан сўраб олардим. Бобурнинг салласини Англия давлатидан қайтариб олишга уринардим. Хоразмшоҳ тахтини, Амир Олимхон қиличини элимизга қайтарардим. Чет эллардаги минглаб қадимий қўлёзмаларимизни сўраб-суриштирардим.
Тошкент — **Р. КЕНЖАЕВ**

Порахўрликни йўқотиб, ҳар бир кишини ўз билими билан ўқишга киришини йўлга қўярдим.
Олтинсой — **Шаҳодат СОАТОВА**

Мулкчилик масаласини зудлик билан ҳал қилардим. Ихтиёрий меҳнатни жорий этардим.
Навоий — **Усмон ХУДОЙБЕРДИЕВ**

Савдодаги билаклари бақувват йигитларни асосан ишлаб чиқариш соҳасига жалб этардим. Мажбурлаб бўлса ҳам ишлатардим. Ахир, улар арзимаган нарсалар билан савдо қилиб, содда одамларни аврашмоқда. Яна уларнинг намозхонлигига ўласизми? Бу аҳволда ишламай нон ейдиганлар кўпайиб кетади...
Калинин тумани — **Раҳимжон ДАРВЕШОВ**

Бировларнинг оиласини бузувчиларни, қизларнинг номусига тажовуз қилганларни олий жазога ҳукм этардим. Бу соҳада таниш-билишчилик қилган орган ходимларига нисбатан ҳам шу жазони қўллардим.
Қува — **Б. МАҚСУДОВ**

Биринчи навбатда халқ дардига қулоқ солардим. Уларнинг устини бут, қорнини тўқ қилишга интилардим.
Қўшкўпир — **Қ. МУЛЛАЕВ**

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» меҳмонхонаси қаршисидаги сўлим хиёбонни қардош халқлар адабиёти боғи деб эълон қилардим. Унга ҳазрат Навоийнинг устози бўлмиш Лутфий номини берардим. Шаҳримизнинг турли жойларида савлат тўкиб турган Горький, Пушкин, Гоголь, Р. Тагор, Ю. Фучик, Ш. Руставели ва бошқаларнинг ҳайкалларини шу боққа жам этардим.
Тошкент — **Тўлқин ЭШБЕК**

МУҲАРРИРГА **мактублар**

ДАСТУРХОНИМИЗДА НИМА БОР?

Кунда сарсонлик. Ун, нон излаймиз. Бозорда бир дона нон бир ярим сўм. Эллик кило унни 33—40 сўмдан пуллашаяпти. Уни ҳам зўрға излаб топаяпмиз. Ойига дўкондан киши бошига 4 кило ун тарқатишаяпти. Бизнинг оилада 7 жон бор. Ҳаммамизга 28 кило ун берилади. Бу олти кунга етади, холос. Қолган 24 кунга нима қиламиз? Ёки меҳмон келиб қолса-чи? Шундоқ ҳам кунимиз чой билан нонга қолган эди.

Яқинда президент фармонига биноан ҳар бир хўжалик 100 килодан буғдой олдик. Аммо у неча кунга етарди, дейсиз. Қорни тўймаётган халқдан нимани ҳам кутиш мумкин. Фақат ночорлик ва касалликни. Шароитимиз қачон яхшиланарлиги?

Сайфулла СОБИРОВ
Нарпай райони

СУВНИ ҲАМ СЎРАБ ИЧАМИЗ

Биз Косон шаҳридаги Ленинград, Равот ва Охунбобоев маҳалласи меҳнаткашлари «Қаршиқурилиш»га тегишли ҳавзадан сув ичамиз. Икки йилдан буён сув бир келса; баъзан 20 кунлаб келмай қолади. Гоҳо каналдан, гоҳо ҳар машинасини 20 сўмдан сотиб олиб ичамиз. Шаҳар ва вилоят ижроия қўмитасига қатнаб сувни очдириб келамиз. Бир неча кундан кейин яна ойлаб сув бўлмайди. Яна югур-югур бошланади.

Ҳатто табиат инъоми бўлган сувдан етарли фойдалана олмаётганимизни қандай тушунса бўлади. Бу соҳанинг мутасаддиси борми ўзи? Бўлса нега бизни бу кўйга солишади...

Эргаш ШОИМОВ,
уруш ва меҳнат фахрийлари раиси, (жами 19 имзо).
Косон шаҳри

У СЕВГАН БИНАФША

МАШҲУР КИНОРЕЖИССЕР НАБИ ҒАНИЕВ ҲАҚИДА

Махсума опа ҳар галгидек очиқ чеҳра билан кутиб олдилар. «Наби акангиз ҳам баҳор ёмғирини яхши кўрардилар. Соатлаб ёмғир тагида сайр этар, ҳикоялари тинмас эди. Сиз ҳам худди шундай дамда, яна улар севган бинафшани кўтариб келибсиз», — дедилар-да, уйнинг тўрига ўтдилар. У ердаги портретга бу гал ҳам узоқ тикилиб қолдим. Оила бошлиғи портрети тагида жавон бўлиб, унда жажжигина чинни қўза турарди. Бинафша ўша ерга қўйилди. Шундай дамларда севги қадрига етган, уни умр бўйи ардоқлаб келган бу инсоннинг шахсий ҳаёти, илк муҳаббати ва унга садоқати ҳақида суҳбатлашиш имкони туғилгандек бўлди.

Наби ака севишганларнинг нозик ҳис-туйғуларини қандай ифодалаш кераклиги ҳақида маслаҳат бермоқчи бўлган тирмизакнинг маърузасини «қор қадрини капалак на билсин» ёки «қарға ғоз юриш қиламан, деб оёғини синдирипти» каби луқма билан бўлиб, барча йиғилганларни кулдирган вақтлари кўп бўлган. Шеър шайдоси, афсоналар билимдони, лирик куй, севги тароналарига ҳамиша ташна бўлган бу шахс «Тоҳир ва Зуҳра» фильмида ўзининг юрак изтиробларини, эҳтиросли ҳис-туйғуларини ифода этган, дейишади. Шу боис ҳозир одамлар гапирмай, тилга олишга ҳам уялиб қолган ўша юксак ҳиссиётлар ва уларнинг яратувчи кучи ҳақида мулоҳаза қилишга эҳтиёж сезилади.

— Ая, Наби ака билан қачон танишгансиз?

— 1925 йилнинг кўкламида. Паранжида юрардиму, барибир уларни биринчи бўлиб мен кўрганман. Оқ шойидан тиқилган кўйлакларидаги гуллари ҳозир ҳам кўз олдимда. Ироқи кўйлак, дейишарди. Уларни кетворган, чиройли йигит, деб бўлмасди. Лекин нималаридир тортиб турарди. Индамай юравердим. Паранжию чачвонни ёпиниб фабрикага бораману, уйга қайтаман. Кунлардан бир кун Наби акангиз уйларининг деразасидан мени кўриб, кейин кузатган бўлсалар керак-да, дарҳол мен билан учрашиш пайига тушиб қолиптилар. Охири пайт пойлаб менга — паранжи остидаги ўн беш яшар қизга: «Совчи юборсам, менга тегасизми?» деб қолдилар. Мен ҳам узоқ ўйламай жавоб қайтардим: «Ота-онам билади». «Ота-онангиз рози бўлишса, ҳай-ҳай, беришмаса олиб қочаман. Ҳеч кимга бермайман сизни!» деб дабдурустдан айтилган бундай сўзлар билан мени лол қолдирган. Совчиларнинг кети узилмас эди. Улар ичида ёш Ойбек номидан келганлар ҳам бор эди. Бу орада Наби ака Москвага ўқишга кетиб қолганлар. Отам қистовларга жавобан «Ўша Абдуғани қассобнинг ўғлига бераман қизимни. Менга маъқул. Зеҳни баланд кўринади. Йўлини топиб кетади бу йигит» деган эканлар. Орадан икки йилдан ортиқроқ вақт ўтгандан сўнг, яъни 1927 йилнинг 6 август куни тўйимиз бўлган... Йўқчиликни кўп кўрдик. Кейин ҳеч бир гуноҳсиз қамалдилар. Лекин бирор марта бўйин эгмадилар. Ўз мавқеларида турдилар. Биздан ҳам шуни талаб этардилар. 1937 йили ҳибсга олишиб, узоқ сўроқ қилишган. Айбларини бўйинларига қўйиша олмади. Тергов тугаб «Чиқинг, озодсиз». дейишганида ҳам унамаганлар: «Суд бўлсин. Туҳматчилар жазолансин. Ҳамманинг олдида сўз айтаман. Суд оқласин барчанинг гувоҳлигида» деб туриб олганлар. Судни Қодиров фамилиялик киши олиб борган. Ўша хунук қамоқхонани тарк этиб, уйга қайтганларини эсласам, гоҳ ачинаман, гоҳ куламан. Лекин ҳар гал меҳрим ошади: ғижимланган кўйлакларини ва шимларини силаб-сийпаб текислаб кийиб олганлар. Икки қаватланган костюмларини қўлларига ташлаб, гўё истироҳат боғида юргандек, авахтадан чиқиб келганлар. «Қадрингни туширма, мағрур бўл. Бош эгишга бориб етдингми — инсонийликка гард туширасан» деганлари ҳамон ёдимда...

Мен ўзбек ўғлони Наби Ғаниевнинг сафдошлари, шогирдлари, ёру биродарлари билан қайта-қайта суҳбатлашиб, асарларини синчиклаб ўрганиб, бу шахснинг маънавияти, ички дунёси, орзу-умидларини тасаввур этишга уринганман. У осмону фалака бўй чўзган минора меъморчилигида нафис санъат, кенг билим, ўткир заковат уйғунлашиб кетганини қадрлаган. Сопол лаганнинг гуллари, ранги, шакли, бежиримлигида эса кулолнинг нозик табиатини кўрган. Латифа ва афсоналарни ҳам оддий халқ ва зодагонлар ижод этганини яхши билган. Лекин оғзаки ижод намуналарини кураш қуроли эмас, бадиий тафаккур меваси деб тушунган, улар маданиятимизнинг турли даврлардаги савиясини таърифлашини, айни бир вақтда, инсон заковати муттасил ўсиб бориши учун хизмат қилишини инобатга олган. Бу ниҳоятда катта мавзу бўлиб, бафуржа таҳлил, илмий-назарий мушоҳадалар ёрдамида ёритилиши зарурлиги ўз-ўзидан маълум. Мен эса, ая, ҳозир Наби ака айтиб берган бир воқеий ҳикоя ҳамда кўҳна афсонани эслатиб ўтаман.

НАБИ ҒАНИЕВНИНГ ҲИКОЯСИ ШУНДАЙ ЭДИ: «Чорсудаги бир боққолнинг дўкони ёнида кичкинагина ҳужра бор. Ўнда қора чопон кийиб ўтирадиган отахонни ёшу қари билади. Оппоқ соқолли, баланд бўйли, озғиндан келган бу нуроний чол нос сотиб ўтиради. Ўтган кетганлар носвойдан кўра у кишининг суҳбатини олишга ошиқади. Мен у кишининг суҳбатларида бўлганман. Сизларга айтиб бермоқчи бўлган бугунги ҳикояни улардан эшитганман.

Чамаси 45—50 йил муқаддам шу отанинг бирдан бир фарзанди бўлган. Шу ўғли Мансур йигирма ёшида маҳалласидаги йигитлар билан гап ўйнаган. Қирқ нафар йигит оқшом йиғилишиб, аввал ошиқ ўгиришиб ўтириш жўрабошисини, унинг хизматида бўладиганларни тайинлашган. Кимнинг ошиғи «олчи» турса, ўша куни «шоҳ» бўларкан. Унинг гапини иккита қилиб бўлмас экан. Ошиғи «товва» турган йигит унга вазир қилиб тайинланаркан. Омад келмаганни ошиғи «пукка» турибди «жаллод» номини оларкан ва шоҳнинг барча фармонларини бажаришга мажбур экан. Кимни ошиғи «чикки» турса, «ўғри» номини олар ва ҳазил, аскияни кўтариши, ҳақорат қилишса ҳам бош эгиб ўтириши керак экан. Бу таомилни улар қаттиқ ушлар, уни тан олмаганларни мазах қилар, кўча-кўйда ҳам калака қилиб: «белбоғингни еч, уни йигит киши боғлайди» дерканлар номардлар. «Шоҳ» ва «вазир»нинг буйруқлари бир-биридан совуқ, бемаъни экан. Ҳалиги носвойчининг ўғли Мансур бир қиз таърифини эшитиб, севиб қолипти. Лекин мақсадига ета олмайди. Аҳмад исмли ўзига тўқроқ йигит қалин йиғипти-ю, ҳалиги қизга уйланибди. Келин-куёв бир-бирини чимилдиқда кўришибди. Мансур эса кек сақлаб юрибди. Аҳмаддан қандай қилиб ўч олиш йўлини излаб юрар экан. Иккиси ҳам бир маҳалладан. Иккиси ҳам ўша «гап»га келар, лекин бирнини кўтарибди-ю, чой узата бошлабди. Шунда ўттиз саккиз йигит, аёлни уялтирмайлик, мулоҳазасини қилиб бошларини эгиб, кўзларини ундан олибдилар. Фақат бир йигит — Мансур керилиб ўтираркан. У пиёлани оларкан: «Бирдан-бир орзу-умидим сенинг қўлингдан чой ичиш эди. Ниятимга етдим. Миннатдорман сендан», дебди. Аёл лом-мим демабди, чачвонини тушурибдию хонадан чиқиб кетибди. Бу шармандаликдан кейин эр-хотин муроса қила олмаслигини барча тушунар экан.

Аҳмад уйига қайтгач, хотининнинг латта-путтасини йиғиб, рўзғорини тўрт аравага ортиб бериби. Шу билан икки ёшнинг турмуши бузилибди.

Бир неча ой ўтибди. «Гап»да Мансур ва Аҳмад учрашиб туришаркан. Ҳаммага бир сир аён эди: Аҳмад «гап»га келишидан мақсад — қасос олиш, Мансур бўлса «қўрқоқ» дейишмасин, деб ноилож қадам ранжида этарди. Ниҳоят, бир оқшом ўртага ташланган ошиқ Аҳмадни «шоҳ», Мансурни «ўғри» қилиб тайинлапти. Шунда хотинидан ажраган Аҳмад «Муродимга етдим, Мансур. Бу кунни орзиқиб кутгандим. Мен ҳам вазир билан маслаҳатлашмайман...» Жамоа бир сўз айтишга журъат этмай гоҳ Аҳмадга, гоҳ Мансурга карарди. Қандай фармон бўларкин? «Калласини танасидан жудо этинг, жаллод!» «Шоҳ»нинг айтгани айтган, дегани деган. Жаллод Мансурни боғлабди. Номард йигитнинг ранги ўчибди. Лекин қаршилик кўрсатмабди...

Маҳаллада қий-чув кўтарилибди. Шовқин-сурон қатл қилинган йигитнинг хонадонига ҳам етиб борипти. Ота — ҳали мен айтиб ўтган Чорсудаги носвойчи — ўғлининг тепасига келиб қалтираб кетибди. Мансурнинг танаси бир ёқда, боши иккинчи томонда ётаркан. У титроқ овоз билан «Ким ўлдирди?» деб сўраган экан, ҳамма Аҳмадга ишора қилибди. Ота бўлиб ўтган воқеадан воқиф экан. У бўйнини эгиб турган Аҳмаднинг олдига борганида йиғилганлар мурдани ҳам унутиб қўйибдилар. Нима бўларкин? Ота бир ўғлининг танасига, бир унинг қотилига қараб тургач, Аҳмадни қучоқлаганича кўз ёшларини тия олмабди.

Ота шу-шу ҳеч кимникига бормас, уйини ҳам тарк этиб бир кичкинагина ҳужрада тирикчилик қиларкан. Бошига тушган кулфатни ўзи енгиб, девоналардек ҳаёт кечираркан.

Бу ҳикояни тинглаган Наби аканинг сафдошлари дарҳол ўз фикрларини баён этганлар: драматург А. Спешнов: «Ажойиб воқеа. Лекин унинг иштирокчилари тошбағир, золим», оператор Д. Демуцкий: «Бу ҳикояда чуқур маъно бор», режиссёр Я. Протазанов: «Фильмингизнинг саҳналари шундай бўлиши керак («Тоҳир ва Зуҳра» назарда тутилмоқда — **Ҳ. А.**). Мазмунан эмас, таъсирчанлиги жиҳатидан».

— Мен бир сирни очсам бўлар энди, — деб қолдилар Махсума ая Наби аканинг портретига термулиб. — Ўша боши кесилган йигит Наби акангизнинг амакиси бўлган. Отлари Мансур эмас эди...

Бу факт мени ҳам ўйлантириб қўйди.

Наби Ғаниев баъзан актёрлар сценарийдаги воқеаларни моҳиятига тушуниб етишлари ҳамда ролларни ҳис-ҳаяжон билан ўйнашига кўмаклашиш ниятида латифа, афсоналарни ҳам айтиб берганки, улар мазмунан, образлар ечими жиҳатидан фильмдаги эпизодга мутлақо зид бўлган. Хусусан, «Насриддин саргузаштлари» комедиясида ўз эрига хиёнат қилган Арзи бибининг хатти-ҳаракатини таърифлашда ижрочиларга Мир Алишер Навоий ва Гули муносабатига бағишланган форс афсонасидаги бутунлай ўзгача сюжет, талқин ёрдам беришига ишонган ва уни суратга олиш гуруҳига айтиб берган.

Хуллас, ўзбек миллий киносининг асосчиларидан бири Наби Ғаниев ижодида бундай ибратли воқеалар кўп. Ундан ёш кинематографчилар ҳар қанча ўргансалар арзийди. У кишининг умр йўлдоши Махсума аяга узоқ умр ва сихат-саломатлик тилаб қоламиз.

Ҳамидулла АКБАРОВ

СУРАТДА: Наби Ғаниев рафиқаси Махсума ая билан

САЪДИХОН ТАБИБУЛЛАЕВнинг 85 ЙИЛЛИГИ

УНГА ҲАВАСИМ КЕЛАДИ

Театримиз санъаткорлари Саъдихон Табибуллаев яратган образлар орасида ёмон ижро этилгани бўлмаган, дейишади. Хусусан, К. Яшиннинг «Номус ва муҳаббат» асаридаги Яхшивой образи уни кўп қийнаганини актёр ҳануз эслаб юради. Асарнинг саҳналаштирувчи режиссёри В. Витт репетиция вақтида унинг қўлига гул тутқазади. Шу гул сабаб бўлиб, образнинг мағзи очила боради. Унинг хушомадгўйлигига, одамларга яхши кўринишида гул восита вазифасини ўтайди. Одамлар ўртасида «Яхшивой ака» деб ном чиқаради. У ўзининг ёвуз ниятларини ниқоб остида амалга ошираверади. Яхшивой асар қаҳрамонлари Онахон билан Ғулом ўртасига рашк алангасини ташлаб, колхозлаштиришга тўсқинлик қилган ашаддий душман образи даражасига кўтарилади.

«Алишер Навоий»да Мансур образини тайёрлашда санъаткор ўша давр муҳитига кириш учун ғазал ўқиш қоидаларини, юриш-туриш одобини пухта ўрганади. Мансур ғазални оққа кўчираётганида кичик бармоғини тикка тутиб, сиёҳдонга патқаламни санчишидаёқ унинг кибор оиладан эканлиги сезилиб туради. Актёр мазкур роль учун муллаваччалар қандай кийинишини, салла ўрашни узоқ машқ қилди. Бу изланишлар туфайли санъаткор талқин этган образнинг ички дунёсида бир томондан Навоийга шогирдлик, иккинчи томондан Мажидиддин тузоғига тушиш фожиаси акс этиб туради.

Ойбекнинг «Қутлуғ қон» асаридаги Мирзакаримбой эса Мансурга сира ўхшамайди. Уни ҳар хил талқин қилиш мумкин. Аммо актёр ёзувчи айтган йўлдан борди. Режиссёр ва инсценировкачи Т. Хўжаев ҳам Ойбекнинг «Гавдаси кичик, лекин зуваласи пишиқ, юзи хўрознинг тожидек қип-қизил» деган таърифига риоя қилиб, шу ролни С. Табибуллаевга топширган эди.

Актёрнинг салбий роллари ҳақида гапирганда К. Яшин ва А. Умарийнинг «Ҳамза» драмасидаги Ғиёсхўжа образи диққатга сазовордир. Мен бир актёр сифатида шуни айтардимки, бу ролни ижро этиш икки томонлама қийинчилик туғдирган. Ғиёсхўжа аслида Ҳамзанинг ғоявий душмани, қишлоқ аҳолисини йўлдан урадиган фирибгар. Лекин шу билан бирга шоирнинг пинжига кириб, ўзини ҳамма ишда ташаббускор сифатида кўрсатиши лозим. Аммо саҳнада образни икки қиёфада гавдалантириш актёрдан катта маҳорат талаб қилади. Яъни Ғиёсхўжа Ҳамза билан юрганда «камбағалпарварман, мискинга ёрман...» қиёфада намоён бўлса, ўз маслакдошлари билан учрашувда эса шайхлар авлодиданлиги сезилади. Бу фақат кийиниши, юриш-туришидагина эмас, балки кўз қарашларидан ҳам намоён бўлади.

С. Табибуллаев ижро этган роллар орасида ўзининг салмоғи, мураккаблиги ва актёрдан катта журъат талаб қилиши жиҳатидан Н. Погодиннинг «Милтиқли киши» пьесасида Ленин образи алоҳида ажралиб туради. Мазкур образ оддий қилиб айтганда, актёрдан бир дунё билим талаб қилади. У бу образни ўзига хос ижро этган.

Актёримиз замон билан ҳамоҳанг қадам ташлайди. Ижодининг ҳозиржавоблиги билан ажралиб туради. У А. Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш» комедиясидаги Суқсуров сингари энг мураккаб образни ҳам биринчи бўлиб яратган. У тўғакетган пораҳўр, ниҳоятда айёр, пихини ёрган, ўз тили билан айтганда «Мен қаерим қичишини олдиндан билиб, қашиб қўяман», дейди. Амал курсисидан устомонлик билан фойдаланади. Порани ўз қўли билан эмас, балки бировлар воситасида олади. Ҳатто фош бўлганда ҳам бетини қалин қилиб тураверади. Бу ролнинг акси ўлароқ санъаткор Уйғунниинг «Паровоз» спектаклида Тошпўлат образини яратди. У фронтда фашистларни ер тишлатган, ўзи туғилиб ўсган колхозга қайтиб келиб, фирибгарларга қарши кураш бошлайди. Аммо улар осонликча жон беришмай, Тошпўлатни туҳмат билан қаматиб юборишади. Аммо у таслим бўлмайди, адолат устун бўлишига ишонади ва ғалаба қилади.

Ў. Умарбеков қаламига мансуб «Курорт» спектаклида С. Табибуллаев кекса бир деҳқон образини жуда ҳам жонли яратди. Томошабин бу ролни тезда ёқтириб қолади. У саҳнага чиққанда ҳаёт кириб келгандай бўлади. Қаҳрамон қўлида кичик бир самовар кўтариб юрар экан, бу унинг меҳнаткаш эканини ифода этади. Чунки у саратоннинг иссиғида ҳам ер чопади. Бу актёрнинг биронта образи йўқки, у ўз характерига эга бўлмасин. Ахир, санъатга қадам қўйганига олтмиш беш йилдан ошяпти! Лекин у киши ёшлар билан беллашгудек ҳамон навқирон.

Атоқли санъаткор 65 йилдан бери театр санъатимиз тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Саъдихон ака СССР Давлат ва Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотлари совриндори, Ўзбекистон халқ артистидир. Устозимиз ҳормай-толмай ижодий ишни давом эттирмоқда. Тиним билмас актёр ҳали кинода, ҳали театр ёки телевидениеда қатнашиб келаётганидан бениҳоя хурсандмиз. Тўғриси, Саъдихон аканинг куч-ғайратига ҳавасим келади. Шу ғайрат, ҳавас сўнмасин, илоё!..

Зикир МУҲАММАДЖОНОВ,
СССР халқ артисти

Жаҳонгир ҚОСИМОВ:

ОДАМЛАРНИ ЯХШИ КЎРАМАН

Ўзбекистон телевидениесининг иқтидорли ёш режиссёри Жаҳонгир Қосимовнинг номи томошабинларга яхши таниш. У яратган икки видеофильм мухлислар эътиборини аллақачон ўзига тортган. Чунки уларда оддий меҳнаткаш элимизнинг ҳаёт тарзи, ташвиши ва умидлари бор. Шунингдек, бу телетомошалар, кино ва телефильмлар яратишдек машақатли оламга ўз услуби, дунёқараши ва интилиши билан яна бир умидли ёш истеъдод кириб келаётганидан дарак беради.

— Жаҳонгир ака, ўзингизга маълум, газетхонларимизни, аввало, санъаткорнинг оилавий аҳволи қизиқтиради. Келинг, шунинг учун дастлаб ўзингиз ва оилангиз ҳақида гапириб бersангиз.

— Мен 1958 йили Тошкентда, ишчи оиласида туғилганман. Отам Мирсобит Қосимов Тошкент чинни заводида электр пайвандчи бўлиб ишлайдилар. Онам Шаҳризода ая «Малика» тикув ишлаб-чиқариш бирлашмасида меҳнат қилиб, ҳозирги кунда қарилик гаштини сурмоқдалар. Оилалиман. Рафиқам Сайёра Юнусова Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрининг актрисаси. Икки ўғлимиз—Жавоҳир ва Баҳодиржон боғчага қатнашади. Шу ўринда менинг асосий тарбиячим — 75 ёшли бувим Умрихон ая ҳақларида икки оғиз ширин сўз айтгим бор. Отам ва онам тонг ёруғида ишга кетиб, тун қоронғусида келишарди, менинг болалигим бувимнинг аллаларию эртакларини эшитиб ўтарди. Менда санъатга бўлган ҳавасни ҳам дастлаб бувим уйғотган. Яна ўзим ҳақимда шуларни айтишим мумкин. 1984 йили Маннон Уйғур номидаги Тошкент санъат институтининг режиссёрлик факультетида СССР халқ артисти, профессор Шуҳрат Аббосов курсини тугатганман. Мана, ўшандан буён Ўзбекистон телевидениесида ишлайман.

— Кўпинча мутахассисларнинг, айниқса, ижодкорларнинг дастлаб ишлари юришиб кетиши анчайин амри маҳол бўлади. Мана шундай қийинчиликларни бошингиздан кечирганмисиз?

— Нима десамикин? Аслини олганда, мен ҳаётдан, одамлардан, ишим юришмаётганидан нолиб юрадиган ёки оҳ-воҳ чекадиган одам эмасман. Бу барча йигитларга хос хусусият, албатта. Шу боис ҳозир айтадиган гапларимни асло нолишга йўймасликларини истардим. Биласизми, мана шу ўтган олти йил мобайнида менинг бирдан-бир орзум—Ўзбекистон телевидениесининг адабий-драматик кўрсатувлар бош редакциясида режиссёрлик қилиш эди. Ўтган вақт мобайнида ўз истагимни айтиб мурожаат қилмаган мутасадди раҳбар қолмади, десам хато бўлмас. Аммо илтимосимни инобатга оладиган бирор ҳаммаслак топилмади. Бахтимни қарангки, ўтган йилнинг ярмидан бошлаб мен режиссёрлик қилаётган мусиқали редакция адабий-драматик кўрсатувлар бош редакцияси билан бирлашди. Ниҳоят, мен учун ўз телеспектакль ва видеофильмларимни яратиш имкони туғилди. Албатта, ҳар қандай тўсиқ инсон ҳаётида, ижодида ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Масалан, мен, балки шу ўтган вақт мобайнида кўпроқ спектакллар қўйган, ўз билимим ва тажрибамни янада такомиллаштирган бўлардим. Ахир, ҳамиша ҳам эски қолип билан ғишт қуяверис мумкин эмас-ку! Уни қачондир ўзгартириш, эскини янги билан алмаштириш, ёшларга йўл ва имкон бериш керак-ку. Бу иш қанчалар ўз вақтида амалга ошса, жамиятга фойдадан холи бўлмаслигини ҳеч ким инкор этмас, деб ўйлайман. Балки баъзиларда қўлингдан келишига ишонишмагандир, деган ҳақли савол туғилар. Мен бундай иккиланишни инкор этмайман. Аммо ҳар икки томоннинг ҳам ноҳақликка йўл қўймаслиги учун синов муддати, деган имкон бор эди-ку!.. Мен ҳамиша беҳуда ўтган умр ва саломатликка ачинаман...

— Телетомошабинларимизга манзур бўлган «Чангак» ва «Яраланган қуш ҳамон учмоқда» видеофильмларининг яратилиши қандай бўлди?

— Иқтидорли ёзувчимиз Хайриддин Султоновнинг «Ё, Жамшид» ҳикояси асосида суратга олинган «Чангак» видеофильми зангори экрандаги биринчи катта ишим бўлиб, унга қарийб бир йил тайёрланганман. Ҳикояни дастлаб ўқиганимдаёқ (унда ҳикояни видеофильм қилиш хаёлимдаям йўқ эди), ичимда нимадир «жиз» этди. Ёзувчининг тили, воқеликни ҳаққоний тасвирлаш, бугунги кунда ҳам «Бой бойга боқар, сув сойга оқар» қабилида иш кўриш, биз хоҳласак, хоҳламасак, ҳаммамизнинг турмуш тарзимизга айланиб бораётгани бор ҳақиқати билан тасвирлангани мени ҳайратлантирди. Шундан кейин видеофильм яратиш пайига тушдим. Ниятим қай даражада амалга ошганини томошабинлар мендан кўра яхшироқ билишади. Қўшимча қилиб шуни айтишим мумкинки, бу видеофильмни Швеция, Финляндия, Англиянинг «Би-би-си» телекомпаниялари олиб кетишди.

Орадан кўп ўтмай, «Ёшлик» журналида Рустам Ёрлақабовнинг «Рўмол» ҳикоясини ўқиб қолдим. Ҳикоядаги воқеаларнинг бола тилидан баён этилиши ёқдию, Абдухалил Менгноров билан ҳикоя асосида «Яраланган қуш ҳамон учмоқда» видеофильмининг сценарийсини ёзишга киришдик. Бу ҳикояни ўқиган кўпгина журналхонларга унинг асл моҳияти ҳақида гапириб ўтирмай, бир нарса хусусида тўхталмоқчи эдим. Саиджон (Санжар Сатторов)нинг отаси — Қурбон (Обид Юнусов)нинг бу аянчли тақдири бир одамнинг эмас, «пахтапахта», деб адойи тамом бўлган халқимиз тақдири эканлиги ҳикоя билан таниш одамни бефарқ қолдирмайди. Шахсан менда ҳикояни дастлаб қўлга олганимдаёқ ана шундай қатъий бир фикр уйғонди. Албатта, видеофильмнинг муваффақиятли чиқиши сўзсиз актёрларга ва яна актёрларга боғлиқ. Ҳар қандай режиссёр бирор бир асарни экранлаштираётганида ёки саҳналаштираётганида, асарни қўлига олиши биланоқ, бош қаҳрамон қайси актёрга муносиб эканлигини кўра билади. Мен шу видеофильмни Ўзбекистон халқ артисти Обид Юнусов учун олганман, десам хато бўлмас. Чунки бу актёрнинг ҳали ҳам «ўқилмаган китоб» эканлигига, гарчи у юзлаб ролларни қойилмақом қилиб ижро этган бўлса-да, ишонаман. Менга нафақат режиссёр, балки оддий томошабин сифатида ҳам Обид аканинг ҳар бир сўзи, ҳаракати, ва энг муҳими, ижро маҳорати жуда-жуда ёқади. Шу боис бир томондан видеофильмнинг томошабинларга озми-кўпми ёқканидан хурсанд бўлсам, иккинчидан, Обид Юнусовдек актёр билан ишлаш шарафига муяссар бўлганимдан бахтиёрман. Ижрода ёлғон ва юзакиликдан йироқ бўлган бу юксак иқтидорли актёр билан яна ҳамкорлик қиламиз, деган умиддаман. Шунингдек, мен Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эркин Комилов, артистлар Абдухалил Менгноров, Сайёра Юнусова, Жамол Ҳошимов, Фарҳод Абдуллаев, Жумадулла Раметов, Ражаб Адашев ва айниқса, Саиджон ролининг ижрочиси Санжаржонга фурсатдан фойдаланиб ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Яқинда «Ўзбекфильм» қошидаги «Ватан» ижодий бирлашмасида «Шўрпешоналар» кинокомедиясини олишни якунладим. Ушбу фильм сценарийси муаллифлари Зулфиқор Мусоқов ва Рихсивой Муҳаммаджонов. Бош ролларни халқимизнинг севимли кулги усталари, Ўзбекистон халқ артистлари Бахтиёр Ихтиёров ва Ҳусан Шарипов ижро этишган. Бу кичик (қисқаметражли) кинофильм халқимизга манзур бўлади, деган умиддаман.

— Сир бўлмаса, келгуси режаларингиз ҳақида ҳам ўқувчиларимизга сўзлаб бersангиз.

— Қайси бири тезроқ, қайси бири кечроқ амалга ошиши номаълум бўлса-да, режалар жуда кўп. Келгусида зангори экранда «Гувоҳ» видеофильмини қўйиш орзуим бор. Сценарийни Абдухалил Менгноров билан биргаликда ёзмоқдамиз. Бундан ташқари, кинодаги ижодимни янада ривожлантириш ниятидаман. Рихсивой Муҳаммаджонов Зулфиқор Мусоқов билан ҳамкорликда «Тарнада» фильмининг сценарийсини экранлаштиришим учун «Ўзбекфильм» қошидаги «Инсон» ижодий бирлашмасига ёзиб топширишди. «Ўзбеккинохроника»да филология фанлари доктори Ҳамидулла Акбаров сценарийси асосида «Умрбоқий «Ер-ёр» ҳужжатли фильмини суратга олиб бўлдим. «Шарқ аёли» (Зулфиқор Мусоқов билан ҳамкорликда) фильмини суратга олмоқчиман... Хуллас, режалар беҳисоб.

— Ҳафтанома мухлисларига қандай тилакларингиз бор?

— Баъзида яхши кунлардан кўра ёмонини ҳаддан оширса-да, ҳаёт яхши. Яшаш ширин. Ота — ўғилни, она — қизини, дўст — дўстнинг қадрини билмас замон, дейишса-да, мен, барибир, одамларни яхши кўраман. Ҳафтанома мухлисларига ҳам бир-бирларини яхши кўриб, меҳр-оқибатли бўлишларини тилайман. Зеро, яхшиликсиз, самимиятсиз қандай инсон бўламиз.

Суҳбатдош:
Зулҳумор СОЛИЕВА

СУРАТДА: Ж. Қосимов оператор Н. Гуломов билан ижодий суҳбатда

НАВОИЙШУНОСЛИКДА ҲАМКОРЛИК КЕРАК

Боши биринчи бетда

Бугун барча халқлар Навоий меросига бир дарча орқали назар ташладилар ва уни ҳеч иккиланмай «жаҳон адабиётининг классиги» деб атай бошладилар. Тўғри, луғат ва қомусларда «Жаҳон адабиёти классиги» деган унвон йўқ. Лекин бундай унвон ҳаётда бор ва бундай шарафли унвонга Навоий каби ҳам миллий адабиётини яратган, ҳам бошқа адабиётлар тараққиётига ҳисса қўшган муборак зотлар муншарафдирлар.

Галина КОБЕЦКАЙТЕ (Литва ҳукумати департаментининг бош директори, таржимон):

— Алишер Навоий асарлари литва тилига илк бор 1948 йилда ўгирилган эди. Шундан бери унинг асарлари таржима қилиниб келинмоқда. Лекин бу таржималарнинг ҳаммаси рус тили орқали ўгирилган. Шунинг учун уларни мукаммал дейиш қийин. Чунки таржима бирор воситачи тил орқали амалга оширилганда асл нусханинг қаймоғи етиб келмайди. Бунинг устига бу асарлар рус тилига ўйноқилиги, жозибаси, ички руҳияти билан, Навоийнинг ўзига хос олами билан таржима қилинмаган. Шу сабабли эндиликда бизнинг шарқшуносларимиз Ўрта Осиё адабиётларини, жумладан, Навоийни ҳам асл нусхадан ўгириш устида ишланмоқдалар.

Литваликлар шоир ҳаёти ва адабий мероси билан уч йўналишда танишмоқдалар. Биринчиси, унинг ўз асарлари таржимаси орқали бўлса, иккинчиси, унинг адабий мероси ҳақидаги тадқиқот ишлари, учинчиси эса у ҳақда яратилган бадиий асарлар таржималари орқали амалга ошмоқда.

Мен ҳам ана шу ишларга озми-кўпми ҳисса қўшаётганимдан хурсандман. Ойбекнинг «Навоий» романи мени ҳайратга солган асар бўлди. Умуман, мен ўзбек адабиётидан кимнинг асарини таржима қилмай, унда улуғ мутафаккир шоир Навоий анъаналарини кўрдим.

Бугунги кунда ўзбек халқи шоир асарларига янги шон, янги умр, янги шуҳрат бағишлади. Буюк мутафаккир ҳам қарзда қолаётгани йўқ. У ўз асарлари билан ўзбек халқининг донгига донг, шуҳратига шуҳрат қўшмоқда.

Ашир ОРАЗОВ (Туркманистон Фанлар академияси Махтумқули номидаги олий билимгоҳнинг директори):

— Ҳар бир халқнинг пешонасига битган улуғ сўз санъаткорлари бўлади. Улар яратган асарлари билан халқининг куч ва қудратини, ақл-заковатини дунё кўз ўнгида намоён қилади. Ганжавий, Жомий, Махтумқули, Пушкин, Шевченко, Абай... Улар орасида Алишер Навоий номи алоҳида ўрин тутади. Чунки у асарлари билан нафақат ўз халқининг, балки барча туркий улусларнинг номини дунёга таратди.

Туркманистонда Навоий ижодий мероси худди туркман ижодкори каби тадқиқ қилинади. Бу бежиз эмас. Чунки унинг ижодий анъаналари адабиётимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Ў ҳақда халқимиз орасида турфа хил ривоятлар тўқилган, унинг номи билан мусиқалар яратилган.

Тўғри, Навоий ҳақида ҳар бир халқ вакили кўнглидаги фикрларини ёзиши мумкин. Лекин бизнинг бир истагимиз борки, бугунги кунда халқаро миқёсда бўлмаса-да, ҳарқалай Ўрта Осиё жумҳуриятлари доирасида навоийшуносларнинг кучлари бирлаштирилса ва «Алишер Навоий мактаби»га асос солинса, бу борада қилинаётган ишлар кенгроқ доирада кўзга ташланарди.

ЯНГИ МАВСУМ

Чехов номидаги Самарқанд рус драма театри янги мавсумни Иброҳим Содиқовнинг «Афандининг беш хотини» спектакли премьераси билан очди. Томошабинларда катта қизиқиш уйғотган бу спектаклдаги ролларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар В. Давиденко, Е. Шлейкин ҳамда иқтидорли артистлар В. Архиреев, Н. Комарова, Г. Витоптова ва бошқалар ижро этаётир.

ХАЛҚҚА МАРҒУБ БЎЛ

Хўб эл била суҳбат тутубон хўб ўлғил,
Яхшини талаб қилғилу матлуб ўлғил,
Ширин сўз ила халққа марғуб ўлғил.

Ҳазрат Навоий «ширин сўз айтиб халққа марғуб бўлишни» ўз ақидасига айлантирган ва бу ақидага ҳаёти ҳамда ижоди билан хизмат қилган ижодкорлардан бири эди. Не ажабки, орадан беш асрдан кўпроқ вақт ўтиб ҳам унинг айтган сўзлари халқ дилидан ўчгани йўқ. Бу жумҳуриятимиз пойтахтидан бошланиб вилоятларда — Самарқанд, Бухоро ва Хоразмда давом этган навоийхонлик тантаналарида ҳам яққол намоён бўлди.

Самарқандда навоийхонлик шоир номидаги дорулфунунда катта тантанали йиғин билан бошланди. Унда меҳмонлар ҳам, мезбонлар ҳам Алишер Навоий ижодий мероси ва унинг тадқиқ этилиши, бу борада дорулфунунда олиб борилаётган ишлар хусусида сўз юритдилар. Кейинги йилларда бу қадимий шаҳар навоийшунослик марказларидан бирига айланди. Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмасининг Самарқанд бўлимида Навоийнинг ва унинг асарлари ҳақидаги ўнлаб рисолалар нашр этилди. Меҳмонларга ана шу янги китоблардан тортиқ қилинди.

Самарқанд — Алишер Навоийнинг муборак қадами теккан масканлардан. Шунинг учун вилоят аҳли улуғ шоирни ҳурматлаб кўҳна шаҳарнинг маркази Регистонда унинг номига музей яратиш ҳаракатини бошладилар. Бу музей заллари ҳозирданоқ Навоий даври билан боғлиқ нодир кўргазмаларга бойиб бормоқда. Регистон майдонидаги шоир тўйи муносабати билан уюштирилган оммавий сайл ана шу музейни зиёрат қилишдан бошланди. Шундан сўнг майдонда навоийхонликлар, шеърхонликлар бўлиб ўтди. Шоирлар мушоиралари шаҳарнинг бошқа жойларида, устоз ва шогирд Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ҳайкали пойида, ҳайкалтарош Аҳмад Шоймурод ўғли яратган ва яқиндагина қад ростлаган шоир ҳайкали жойлашган майдонда ҳам давом этди.

Шаҳарда Алишер Навоий номи билан боғлиқ жойлар кўп. Шулардан бири Ҳожа Абулайс Файзуллоҳ номидаги маҳалладир. Шоир бу ердаги мадрасада улуғ олимдан фиқҳ илмидан таълим олган ва мовароуннаҳрлик кўплаб ижодкорлар билан ҳамкорлик қилганди. Маҳалла аҳли шоир юбилейи муносабати билан катта ишларни амалга оширдилар. Маҳалла ободонлаштирилди, Файзуллоҳ қабри таъмирланди, шоир номита ёдгорлик тикланди. Меҳмонлар ва шоирлар бу ерда маҳалла аҳли билан учрашдидилар, навоийхонлик давом этди.

Шоир тўйига ташриф буюрган меҳмонлар куннинг иккинчи ярмида Пойариқ ноҳиясига бордилар. Челак посёлкасида меҳнаткашлар билан учрашувлар ўтказдилар, имом Исмоил Бухорийнинг қабрини зиёрат қилдилар.

— Бу ерда ҳар қадамда тарих билан дуч келасан,— дейди таниқли ёзувчи Владимир Солоухин. — Ўзбек халқининг тарихида энг буюк сиймолар ниҳоятда кўп. Мусулмон оламидаги улуғ ижодкорлардан бири Алишер Навоийдир. Ўзлигини англай бошлаган халқ учун унинг руҳи абадий барҳаётдир.

Ҳақ гап, улуғ шоиримиз руҳи бизнинг мустақиллик йўлидаги ҳаракатларимизда доимо мададкордир.

Самарқандда меҳмонлар иштирокидаги юбилей тантаналари ўша куни опера ва балет театрида шеър ҳамда қўшиқ кечаси билан якунланди. Вилоятда навоийхонлик давом этмоқда.

Бухорога навоийхонлар анжуманига ташриф буюрган меҳмонлар тўй ва тантаналарда икки гуруҳга бўлинган ҳолда иштирок этдилар. Бир гуруҳ навоийшунослар Ғиждувон туманида бўлдилар. Улар шаҳардаги Улуғбек қурдирган мадрасани бориб кўрдилар. Улуғ олим ва султоннинг ўз халқи тақдирини ўйлаб қурдирган бу маҳобатли илм маскани уларни ҳайратда қолдирди. Шундан кейин Ҳожа Абдухолиқ Ғиждувонийнинг қабрини зиёрат этдилар. Меҳмонларнинг туманда йиллик ҳосили йиғиб-териб олаётган, мустақиллик хирмонини яратаётган пахтакорлар билан суҳбатлари ва учрашувлари ҳаяжонли кечди. Тўй иштирокчилари Садриддин Айнийнинг уй-музейида ҳам ўз дастхатларини қолдирдилар.

Иккинчи гуруҳни ташкил қилган меҳмонлар эса Бухоро шаҳрининг осори-атиқаларини томоша қилдилар, тарихий жойлари билан танишдилар. Бухоро тумани «Ленин йўли» жамоа хўжалигида жойлашган Алишер Навоий номидаги мактабдаги навоийхонлик анжумани кўпчиликнинг эсида қолди. Шунингдек, бу ерда ҳайкалтарош Ҳамро Зойиров ишлаган Алишер Навоий ҳайкалининг очилиш маросимида қатнашдилар.

Куннинг иккинчи ярмида навоийхонлик Бухоро муаллимлар тайёрлаш олий ўқув юртида давом этди. Меҳмонлар ўқув юрти ҳовлисидаги адабиётимизнинг буюк сиймолари бюстлари пойига гуллар қўйишди. Мажлислар залида бўлган анжуманни институт проректори, профессор Сулаймон Иноятов очди. Навоийшуносларни улкан тўй билан Бухоро вилояти Кенгашининг раиси Д. Ёдгоров қутлади. Шоир ижоди, адабий мероси хусусида Афғонистон Фанлар академиясининг президенти Кабир Ранжбар, литвалик шоир Ульдис Берзеньш, Туркманистон Давлат дорулфунуни профессори Назар Гуллаев, шоир Тошпўлат Аҳмад, Бухоро муаллимлар тайёрлаш олий ўқув юртининг профессори Тожи Қораев ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

— Бухоро Шарқнинг кўҳна шаҳарларидан ва ислом дининнинг марказларидан бири сифатида ҳазрат Навоийнинг нигоҳидан четда қолиши ва унинг пойқадами бу ерларга тегмаган бўлиши мумкин эмас, — дейди афғонистонлик шоир ва олим Сулаймон Лойиқ. — Лекин унинг бу маскандаги изларини ахтармоқ ва топмоқ керак. Бу келгуси авлодлар иши.

Бухорода шоир номини абадийлаштириш борасида кўп ишлар қилинди. Мактаблар, кўчалар, корхоналар, маданият масканлари унинг номи билан аталди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Қўлёзмалар институти директори Азиз Қаюмов раҳбарлигида Хоразмда навоийхонлик тантаналарида қатнашиш учун борган меҳмонларнинг мезбонлар билан учрашувлари Хева шаҳридан бошланди. Улар Ичон қалъа давлат қўриқхонасини бориб кўрдилар ва бу ерда улуғ шоир тўйига бағишлаб ташкил этилган кўргазма билан танишдилар. Хева туманидаги Огаҳий номидаги ҳужалигида ҳам бўлиб, бу ерда Огаҳий боғини ва боғ ичидаги уй-музейини зиёрат қилдилар.

Шундан кейин юбилей тантаналари Хонқа туманидаги Алишер Навоий номидаги жамоа хўжалигига кўчди. Бу ерда жамоа хўжалиги кучи билан барпо этилган 50 гектарлик «Алишер Навоий» боғида шоирнинг уй-музейи ҳамда ҳайкали очилишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Шоир уй-музейи унинг ўз асари «Хамса»га рамзий қилиб қурилган. Бешта хонага бешта достон қаҳрамонлари жойлаштирилган музей ўз кутубхонаси ҳамда қироатхонасига эга. Ҳайкалтарош Шавкат Усмонов яратган шоир ҳайкали Навоий комплексини янада тўлдиради.

Шоир ҳайкали ва уй-музейини вилоят Кенгаши раиси Р. Худойберганова очди. Меҳмонлар улуғ шоирни эъзозлаган меҳнаткашларни қутладилар.

— Хоразм — туркийларнинг қадим юрти. Бу заминда буюк алломалар кўп ўтган, — деди Истанбул университетининг профессори Камол Эраслан. — Эндиликда улар ёнида Алишер Навоий боғи ҳам барпо этилибди. Ишонаманки, бу боғ худди шоир асарлари каби мангу яшайди.

Навоийхонлик кечқурун Огаҳий номидаги музикали драма театри биносида давом этди. Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг котиби Э. Мадраҳимов бошқариб борган бу анжуманда А. Қаюмов, Москвадаги Адабиёт институти ректори Е. Сидоров, Қозоғистон Фанлар академиясининг президенти Ж. Абдулдин, Санкт-Петербург дорулфунуни профессори С. Иванов, Озарбойжон халқ шоири Х. Ризо, Тожикистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг раиси А. Ҳаким, шоирлардан О. Ҳожиева, Б. Бойқобилов ва бошқалар Навоий асарлари ҳақида сўз юритдилар ҳамда шеърларидан ўқиб бердилар.

Навоийхонлик тантаналари жумҳуриятимизнинг бошқа вилоятларида ҳам давом этди.

К. МАТЕҚУБОВ

Очил ТОҒАЕВ



Ўзбек адабий танқидчилиги оғир жудоликка учради. Таниқли мунаққид ва адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бадиий публицистика кенгашининг раиси Очил Тоғаев оғир хасталикдан кейин олтмиш беш ёшида вафот этди.

Очил Тоғаев Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманида туғилди. Қарши педагогика институтида, кейинчалик эса, Тошкент Давлат педагогика институтининг аспирантурасида таҳсил кўрди. Ўрта мактабда ўқитувчилик ва директорлик қилди. Қарши педагогика институтида дарс берди, «Шарқ юлдузи» журналида бўлим мудири бўлиб ишлади. 1961 йилдан то умрининг сўнггига қадар В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорулфунунининг журналистика факультетида мударрислик қилди.

Очил Тоғаев «Ўзбек бадиий публицистикаси», «Публицистика жанрлари», «Адиблар ва жанрлар», «Ижод ва идрок» каби ўндан ортиқ китоблар, кўплаб адабий-танқидий мақола ва тақризлар муаллифи эди. Олимнинг ўзбек бадиий публицистикасини илмий тадқиқ этишдаги хизматлари алоҳида эътиборга моликдир. Шунингдек, Очил Тоғаевнинг Асқад Мухтор, Назир Сафаров, Иброҳим Раҳим каби ёзувчиларимизнинг адабий портретларини яратган мунаққид сифатидаги хизматлари ҳам қадрлидир.

Камтарин инсон, заҳматкаш олим, ҳақгўй мунаққид Очил Тоғаев номи адабиётимиз ихлосмандлари хотирасида ҳамиша сақланиб қолади.

БИР ГУРУҲ ЎРТОҚЛАРИ

УСТОЗ ЁДИ

Яна бир инсон ҳаётни тарк этиб, дорулбақога равона бўлди.

Журналистларни жамиятнинг табиби, Очил акани шу табибларнинг устози дейишарди. Бу гапнинг ҳақлигини билсакда, негадир шу билан чекланиш хатодек туюлянти.

Очил аканинг умри курашлардан иборат бўлди. Ў инсоният яралгандан буён турли йўллар-ла эзгуликни пойлол қилмоқчи бўлган ёвузлик билан курашди. Ёвузлик ҳар бир жамиятда ўзига хос кўринишда бўлади. Замонамизда ёвузлик жаҳолат шаклида, жаҳолат туққан манқуртлик ва манқуртнинг юмшоқ кўрпа-тўшаги бўлмиш турғунлик шаклида намоён бўлди. Агар Очил ака ўзга бир жамиятда яшаган бўлса эди, унда ҳам ёвузлик билан олишган бўларди.

Очил ака маккорлик терисига ёпинган мақтовлардан чўчирди. Аччиқ бўлса-да тўғри сўзни киши юзига айтарди ва шу нарсани биз шогирдларига ҳам ўргатиб кетди.

Устоз оламдан ўтди. Аммо ҳаёт давом этади, демакки, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш ҳам. Унинг кураш йўли — бизнинг йўлимиздир.

Устозни барча ўгитлари учун дуо қиламиз. Худо раҳмат қилсин, руҳлари шод бўлсин, дея тиловат қиламиз.

ТошДД журналистика факультетининг толиблари

ХАЛҚ ЁЛҒИЗЛАТИБ ҚЎЙМАЙДИ

Ёдингизда бўлса, ҳафталигимизнинг шу йилги 14 июнь сонида Абдулла Қодирий вақфи очилгани ҳақида хабар берган эдик. Хўш, бу вақфнинг асосий мақсад-вазифаси нималардан иборат? Ўтган давр мобайнида унинг фаолиятида нечоғли ўзгаришлар рўй берди? Бу борада жамоатчиликнинг ва мутасадди ташкилотларнинг қўмаги қандай бўлмоқда? Мухбиримизнинг ушбу саволларига жамғарма директори Шеркон Қодирий қуйидагича жавоб берди:

— Аввало, фурсатдан фойдаланиб бобомиз ижодини муносиб қадрлаган, уни Алишер Навоий номидаги мукофотга муносиб кўрган жумҳуриятимиз раҳбариятига ва халқимизга оиламиз номидан миннатдорчилик билдираман. Энди муддаога ўтсак. Абдулла Қодирийга нисбатан вақф ишлари аслида анча илгари бошланган. Масалан, 1950-йилларда туркиялик ватандошимиз Жўрақори Бўтакўз Қарачи шаҳрида «Ўтган кунлар» романини ўз ҳисобидан чоп эттириб, юртдошларимизга бепул тарқатган. Ёки 1989 йили уста Носир Ғуломов ҳовлимизга текинга дарвоза қуриб берганди. Ўтган йили эса марҳум уста Шавкат Эрмуҳаммедов садафир билан безатилган олти қиррали жавонни бизга ҳадя қилди.

Абдулла Қодирий вақфини расман очиш марҳум падари бузрукворимиз Ҳабибулла Қодирийнинг эзгу орзуларидан эди. Бироқ у киши ўз вақтида шу ҳақда фикр билдирганда баъзи кишилар уят бўлади деб жавоб қайтаришган экан. Замонананинг зайлини қаранг-ки, бугунга келиб ҳукуматимизнинг ўзи Абдулла Қодирий вақфини очишга рухсат берди. Бинобарин, отамизнинг илк орзулари рўёбга чиқди.

Қилажак ишларимиз кўлами кенг. Асосий мақсадимиз истибдод даври қурбонлари хотирасини тиклаш, Тошкент шаҳрининг Юнусобод даҳасидаги Оқтепа мавзеида улар шарафига ёдгорлик ўрнатишдан иборат. Бундан ташқари, Абдулла Қодирий боғмузейини яратишга кўмаклашамиз, адибнинг рамзий қабрини таъмирлашга, унинг асарларини чет элларда яшовчи ватандошларимиз ўртасида тарғиб этишга ҳисса қўшамиз.

Жамғармамиз ўз фаолиятининг дастлабки босқичида анчагина қийинчиликларга дуч келди. Шунга қарамай, саъй-ҳаракатларимиз зое кетмади. Шу йил август ойида расмий равишда рўйхатдан ўтдик. Абулқосим мадрасаси раҳбарлари ўша ердаги ҳужралардан бирини биз учун ажратиб беришди. Айни вақтларда ана шу ҳужрани жиҳозлаш ҳаракатида юрибмиз. Энг асосийси, жамғармамизнинг туб мақсад-вазифасини, унинг бошқа жамғармалардан бирмунча фарқ қилишини халққа тушунтиришимиз лозим. Негаки, ҳозирги иқтисодий танглик шароитида бировдан пул сўраш ноқулай. Бироқ биз халққа ишонамиз, ҳамюртларимиз жамғармамизни қўллаб-қувватлашлари д а н умидвормиз. Бир вақтлар Абдулла Қодирий «Қўлимга қалам олганимда кўз ўнгимда доимо халқим туради», деган эдилар. Шубҳасиз, адиб улуғлаган халқ келгусида адибнинг руҳини ёлғизлатиб қўймайди. Бундай дейишимизга асос ҳам бор: эришган дастлабки натижаларимиз ёмон эмас. Жамғармамизга Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти каттагина миқдорда маблағ ўтказди. Ғозиева фамилияли бир аёл шахсий жамғармасидаги пулнинг маълум қисмини туҳфа қилди. «Осиё» ташқи иқтисодий алоқалар уюшмаси эса фақат маблағ ўтказиш билан кифояланмай, Абдулла Қодирий асарларини нашр этиш учун қоғоз етказиб беришни ҳам ўз зиммасига олди.

Хуллас, ишларимиз анча юришиб кетди. Борди-ю, бу хайрли ва савобли ишда бизга сидқидилдан кўмаклашишни кўнглига тугиб юрган саҳоватпеша кишилар ёки ташкилот-муассасалар бўлса, марҳамат, қуйидаги ҳисоб рақамига ўз ҳимматларига қараб маблағ ўтказишлари мумкин:

Тошкент шаҳри, Ўзбекистон саноат-қурилиш банки («Узпромстройбанк») қошидаги ОПУ, МФО 729024, ҳисоб рақами — 700104, Абдулла Қодирий жамғармаси.

А. ҲАЙДАРОВ

Қутлайлик!

Ҳурматли Шоир ака!

Мана, Сиз эллик ёшга қадам қўйдингиз. Бу ёшда одам ўз умрини сарҳисоб қилади. Бугунги кунда сиз таржима қилган ўнга яқин машҳур асарлар ҳаётингизнинг эллик устунига зеб бериб турибди. Сиз ҳарбий хизматдан қайтгач, ТошДДнинг филология факультетига кирдингиз. Дорулфунунни битириб, Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётига ишга келдингиз. Бу даргоҳда 20 йилдан ортиқ ҳалол меҳнат қилиб, оддий мусаҳҳиҳликдан нашриёт директори даражасига кўтарилдингиз. Айни пайтда, ёзувчиларимизнинг севимли нашриёти бўлган «Ёзувчи» нашриётида раҳбарсиз. Ўзбек ўқувчилари М. Твен, Э. Хемингуэй, Ян Казак, К. Минцат, С. Баруздин, В. Тендряков каби машҳур ёзувчиларнинг асарларини сизнинг таржимангиз орқали ўқишди. Сизни ёзувчиларимиз маҳоратли ношир сифатида ҳам билишади ва ҳурмат қилишади. Сиз таржима этган ва муҳаррирлик қилган асарлар тўпланса бир улкан чўққи пайдо бўлади.

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси бошқаруви 50 ёшингиз билан мубораксбод этар экан, сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик ҳамда ижодий ва ноширлик фаолиятингизда бундан ҳам катта чўққиларни забт этишингизда муваффақиятлар тилайди.

Доимо соғ, омон бўлинг!

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИ БОШҚАРУВИ ҲАЙЪАТИ

КЎРИК

«МЕН ЮРТИМНИНГ ПОК ИСТАКЛИ КУЧИМАН...»

Мана, Ўзбекистонимиз ҳам мустақил республика деб эълон қилинди. Бу унутилмас воқеа юз бергунча Ватаннинг юз минглаб, ўн минглаб азиз фарзандлари қурбон бўлиб кетдилар. Уларнинг хотираси биз учун ҳамиша муқаддас. Ана шу муборизлардан бири — XX аср маданиятимизнинг улуғ сиймоси Абдулҳамид Сулаймон Чўлпоннинг юлдузи мангу порлаб туражакдир.

Чўлпон дардли шеърларидан бирида:

Узоқ... Оғир йўлга чиққан
йўлчи ман...
Мен юртимнинг пок истакли
кучиман...

деб ёзган эди. Шу байтнинг кейинги мисраси УСТОДимиз ҳақидаги дастлабки ҳужжатлибадиий фильмга ном бўлди. Фильм сценарийсини таниқли адабиётшунос олим, Чўлпон ижодининг изчил, фидойи тарғиботчиларидан бири Озод Шарафиддинов ёзган. Фильм режиссёри — Баҳодир Аҳмедов. Киноасарни оператор Рустам Исломов суратга олган.

Яқинда жумҳуриятимиз пойтахтидаги Киночилар маскани да «Ўзбектелефильм»да яратилган ана шу «Мен юртимнинг пок истакли кучиман...» фильмининг жамоатчилик кўриги бўлиб ўтди. Кўрик олдидан фильм режиссёри Баҳодир Аҳмедов асарнинг яратилиши хусусида гапириб, сценарий муаллифи Озод Шарафиддиновга сўз берди.

— Ҳозирги киносанъаткорларимизнинг бир хислатини алоҳида таъкидлашни истардим, — деди профессор О. ШАРАФИДДИНОВ, — уларда гражданлик руҳи кучли. Бу хислат айниқса киночиларимизнинг Абдулла Қодирий, Усмон Носир сингари қурбон бўлган фидойи зотларга бағишланган фильмларида яққол кўринади. Шу маънода Чўлпон тўғрисидаги мазкур киноасарни мен Баҳодир Аҳмедов билан Рустам Исломовнинг фильми деб ҳисоблайман. Улар бу киноасарни яратишда катта меҳнат қилдилар.

Атоқли рассом Рўзи ЧОРИЕВ эса фильмдан олган таассуротини шундай ифодалади:

— Одатда кинога боришга вақтим етмайди. Чўлпон ҳақида фильм яратилганини эшитгач эса қувониб кетдим. Бу ерга кўрик бошланишидан бир соат олдин келдим. Мана, улуғ шоирга бағишланган ҳужжатли-бадиий фильмни ҳам кўрдим. Чўлпон тўғрисидаги бу дастлабки фильм менга ёқди. Ҳали кўп фильмлар яратилади. Бироқ бу киноасар биринчи муваффақиятли асар бўлиб қолади. Яхши санъат асарини пок юрак билангина яратиш мумкин. «Мен юртимнинг пок иқтакли кучиман...» фильми ана шундай тоза ниятнинг, пок қалб меҳнатининг самарасидир. Мен фильмни кўриб Чўлпонни танидим.

М. САЪДИНОВ

ПРЕМЬЕРА

«ФАРҲОД ВА ШИРИН»

Жиззах вилоят қўғирчоқ театрида Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони асосида романтик фожиа саҳналаштирилди. Достонни қўғирчоқ театр учун Темурбек инсценировка қилган. Шеърий матнни Мусурмон Намоз мослаштирган. Саҳналаштирувчи режиссёр — Абдувоҳид Ҳўжаев. Саҳна безакларини рассом Мария Дедова ишлаган. Спектакльнинг бадиий раҳбари Қозоғистонда хизмат кўрсатган артист Бекпўлат Фармонов.

Ролларни Мурод Мамажонов, Гулшода Олимова, Икром Тўхтаев маҳорат билан ижро этганлар.

СУРАТДА: Спектаклни саҳналаштирган ижодий гуруҳ.

ЯНГИ НАШРЛАР

«МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ»

Жумҳурият халқ таълими вазирлиги «Мактабгача тарбия» ойномасини таъсис этди. Илмий-методик, ахлоқий-таълимий йўналишдаги бу нашр 1992 йил январь ойидан бошлаб чоп этила бошлайди. Унинг саҳифаларида мактабгача тарбия назарияси ва методикаси муаммоларига бағишланган мақолалар бериб борилади. Ўлкамиздаги барча тур болалар боғчалар учун намунавий амалий машғулотлар, янги дастурлар эълон қилинади.

Ойнома кичкинтойларни халқ анъаналари ва урф-одатлари, ўйинлари, қўшиқлари билан таништириб боради, улар руҳига жаҳон халқлари ахлоқ, нафосат тарбия маданиятини сингдириш йўл-йўриқларини тарғиб этади. Боғча таълим-тарбиясига оид тавсиялар, қишлоқ ва хонадон болалар боғчалари ва омилкор тарбиячиларнинг иш тажрибаларини, болаларбоп янги мусиқий ва бадиий асарлардан намуналарни ёритади. Ойнома саҳифаларидан ёш ота-оналарга маслаҳатлар, руҳшунослар, шифокорлар, жисмоний тарбия мутахассисларининг илмий-методик асарлари ҳам кенг ўрин олади. Кичкинтойларга аталган шеърлар, ҳикоялар, қўшиқлар, табаррук инсонлар ҳаётидан лавҳалар бериб борилади. Ҳайвонот ва наботот дунёси ҳамиша диққат марказида бўлади. Шу тарифа кичкинтойлар кўз ўнгида Ватаннинг бетакрор ва улуғвор қиёфаси жонлантирилади.

Журнал тарбиячиларнинг маънавий дунёсини бойитиб боришни ҳам назарда тутади. Шу мақсадда педагогик, психологик, фалсафий, ахлоқий, эстетик асарларни чоп этади. Редакция бисотида шеъриятимиз офтоби Алишер Навоийнинг қўқонлик адабиётшунос Аҳмаджон Мадаминов аниқлаган ва нашрга тайёрлаган иккита мухаммаси, ғазаллари, ҳазрат Навоийнинг бизга маълум бўлмаган ғазалларига салафлар боғлаган мухаммаслар, жами 400 мисрага яқин бутун бир хазина мавжуд. Биз уларни «Навоийхонлик» рукни остида биринчилардан бўлиб чоп этиш ниятидамиз.

Танқид ва библиография бўлими жумҳуриятимизда ҳамда жаҳоннинг турли мамлакатларида мактабгача тарбия ёшидаги болаларга аталган энг яхши бадиий адабиёт намуналарига, санъатнинг турли жанрларида яратилган асарларга тақризлар бериб боради.

«Мактабгача тарбия» тасвирий санъат намуналари, оқ-қора ва рангли фотолар, зарур кўргазма манбалари билан безатилган ойнома бўлади. У ҳар бир хонадонга кириб боради, деб умид қиламиз. Журналимизни мутолаа қилган кишилар ўзларини қизиқтирган жуда кўп саволларга жавоб топадилар.

Ойномамиз индекси: 75310. Битта сони нархи — 1 сўм. 6 ойга обуна баҳоси — 6 сўм, 1 йилга — 12 сўм.

Ойномамиз муҳарририяти мустақил Ўзбекистон жумҳуриятининг озод фуқароларининг янги авлоди тарбиясига ўз муносиб ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилади.

Янги ойномага муштарий, муаллиф, ҳамкор бўлишингизга умидвормиз.

Муҳаммадали ҚЎШМОҚОВ, «Мактабгача тарбия» ойномаси бош муҳаррири

ЎзАС ахбороти

Абдулҳамид Мажидий номидаги Каттақўрғон ўзбек давлат драма театри 71-мавсумини бошлади. Янги мавсум Иноят Махсумовнинг «Навоий Астрободда» драмаси билан очилди.

Мухлислар улуғ бобокалонимиз Алишер Навоийнинг 550 йиллик тўйига атаб саҳналаштирилган бу спектаклни мамнуният билан томоша қилишаётир. Театр санъаткорлари янги мавсумда томошабин диди, истагига мос асарларни, айниқса элимиз ўтмиши, бугуни ва эртаси, қадриятларимиз, ечимини кутаётган муаммолар мавзуидаги спектакларни саҳналаштиришга алоҳида эътибор беришган. Тез орада мухлислар ҳукмига ҳавола этиладиган Илҳом Ҳасановнинг «Бири кам дунё», Ёқиннинг «Ҳайқириқ» асарлари асосидаги спектакллар фикримиз далилидир.

Абдуазиз ҲОШИМОВ

●

Яқинда Жамбул вилоятининг Абай номидаги қозоқ драма театри артистлари Конимех райони яйловларида бўлиб, ўз ижрочилик маҳоратлари билан чорвадорларга сурур бахш этишди. Улар ўзлари билан бирга драматург Есенжол Домбаевнинг «Оқ келин» комедиясини олиб келишди. Икки кўринишдан иборат бу асарни режиссёр Мағзум Бақтжанов саҳналаштирган. Комедиядаги Жасулан ролини шу театр директори ўринбосари бўлиб ишлаётган Жасузақ Айтпенбетов ўйнаган. Гастролга чиққан театр труппаси «Оқ келин» комедияси билан Қизилқум қўйнидаги чорвадорлар эътиборини қозонмоқда.

Арслон РАҲМОНОВ

БИЛДИРИШ

Шу йилнинг 18 октябрь куни соат 15.00 да Орол муаммоларига бағишланган йиғилиш бўлади. Йиғилишда олимлардан М. Муҳаммаджонов, С. Мирзаев, А. Ричинский, О. Маҳмудов маъруза қиладилар.

Йиғилишга барча қизиқ-қан ўртоқлар таклиф қилинади.

Манзилгоҳимиз: Пушкин кўчаси, 1-уй.

ОРОЛ ВА ОРОЛБЎЙИНИ АСРАШ ҚЎМИТАСИ.

●

Шу йилнинг 10 октябрида Киночилар уйида кеч соат 18.00 да таниқли ёзувчи Иброҳим Раҳим таваллудининг 75 йиллигига бағишланган йиғилиш бўлади.

Унга барча қизиққан ўртоқлар таклиф этилади.

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ БОШҚАРУВИ

Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси бошқаруви ҳайъати ва Адабиёт жамғармаси СССР Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, филология фанлари доктори, профессор

Очил ТОҒАЕВ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ЯХШИБОЙ АКА ҲАНГОМАЛАРИ

Насриддин Афанди ҳаётда бўлганми? Бу саволга ҳар ким ҳар хил жавоб беради. Мабодо бизнинг қишлоғимиз кишиларидан бу ҳақда сўрасангиз, улар ҳеч иккиланмай: «Афанди бор, бизнинг Гулбоғда яшайди», дея жавоб қилишади.

Унинг асл исми Яхшивой. Ёши олтмишларда. Оғир, босиқ, лекин жуда содда одам. Биз қуйида унинг ҳаётидан айрим ҳикоялар сўзлаб бермоқчимиз

БОЖАМ БЎЛАДИ

Яхшивой акага кимдир, «Тошкентда мошнинг нархи жуда кўтарилиб кетибди», деса ишонди, «Ҳеч бўлмаса савоб бўлар» деган ўйда уйидаги ярим қоп мошни орқалаб, шаҳарга йўл олди. Бозорга борса, мош тиқилиб кетган. Лекин у бунга парво қилмади. Бир чётга ўтиб қопини очди. Ҳамқишлоғи Садир ака ҳам шу куни шаҳарга борганди. Бозорда айланиб юриб, Яхшивой акани кўриб қолди. Узоқдан қузатди. Унинг олдида харидорлар кам. Шунинг учун унга ёрдам бермоқчи бўлиб олдига борди-да мошни кўрган бўлди. Қўлига бир ҳовуч олиб ғижимлади, сўнг оғзига яқинлаштириб пуфлаб кўрди-да, «яхши мош экан, 5 кило тортинг», деди.

Шу пайт бошқа харидорлар ҳам қимирлаб қолишди.

— Ҳой, навбатингизга қаранг!

— Мен олдинроқ келдим шекилли!

— Болали аёлларни ўтказворинглар!

Яхшивой ака шошганидан ҳамқишлоғини кўрсатиб деди:

— Бу одамга ишонманглар, ҳазиллашаяпти. Мош олмайди. У божам бўлади.

ЭШАК НЕЧА СЎМ ТУРАДИ?

Яхшивой ака ўғли Ботирнинг машинасида қўшни хўжаликка кетаётган эди. Қишлоққа кираверишда йўлга бирдан югуриб чиққан эшакни уларнинг машинаси уриб юборди. Атрофда ҳеч ким йўқ. Ўғли отасининг «ҳайҳай»ига ҳам қарамай машинага газ босди.

— Э, чатоқ бўлди, бир пас тўхтамадинг-да, — деди Яхшивой ака бош чайқаб.

— Тўхтаганимда эшакни бўғизлаб, гўштини ҳалолламоқчимидингиз? — деди ўғли.

Шу билан иккаласи ҳам жим қолишди.

Ишларини битириб, тушдан сўнг орқага қайтишди, Ҳалиги жойда бир одамга дуч келишди. Яхшивой ака ўғлини туртиб «тўхта» деди. Ботир, отамнинг таниши бўлса керак, деган хаёлда машинага тормоз берди.

Йўловчи машинага чиқиб, жойлашиб ўтириб олди. Салом-аликдан сўнг Яхшивой ака сўради:

— Оғайни, кўзингиз тушмадими, боя шу ерда бир эшакни уриб юборгандик, ўлмадимикин-а?

Йўловчи ота-болага кўзлари чақнаб бир қаради-да, бақирди:

— Ия, ҳали сенлар уриб кетгандингларми ҳангимни! — У Ботирнинг ёқасидан ушлаб олди. — Тўхтат машинангни!

Ботир машинани йўл чеккасига чиқарди. Бирпасда одамлар тўпланишди. Бири «қишлоқдаги энг сара эшак шу эди», — деса, иккинчиси «ҳа, районда бунга тенг келадиган бўлмаган» дерди.

— Ўтган ҳафта харидор келганида 800 сўмга бермагандим. Энди бўлар иш бўлди. Ўша пулни олиб келиб берасизлар, кейин ҳужжатларингни бераман, — деди эшакнинг эгаси Ботирнинг шофёрлик гувоҳномасини тортиб оларкан.

Ота-бола машинага чиқишди. Йўлга тушишаркан, Яхшивой ака қовоқ солиб бораётган ўғлига қарамасликка тиришар, ердан кўзини олмасди.

ТИЛЛА ТИШ

Яхшивой ака тилла тиш қўйдирмоқчи бўлди. Лекин ҳеч бу соҳага иши тушмагани сабабли ёрдам сўраб божаси Садир акага мурожаат қилди.

Садир ака йўқ демади. У божаси берган пулни чўнтакка солиб, шаҳарга отланар экан, Яхшивой акага «Бўпти, сиз овора бўлманг, дўхтир билан ўзим гаплашиб келаман» деди. У поликлиникага дадил кириб келди. Саломаликдан сўнг тиш қўйдирмоқчи эканини, нархи қанча бўлишини сўради. Врач тилла тишнинг баҳосини айтиб, қўшимча қилди:

— Менинг пулини олдин олиб қўядиган одатим бор. Пулини ҳозир тўлайсиз. Бундан ташқари ҳозир тишингизни арралаб, сўнг қолип олиш керак.

Садир ака рози бўлди.

Врач унинг милкига хамирга ўхшаш нарсани ёпиштириб, яна кўчириб олди-да деди:

— Уч кундан кейин келасиз.

Уч кундан сўнг у Яхшивой акани етаклаб борди. Врач Садир акани стулга таклиф қилди.

— Йўқ тишни менгамас, бу одамга қўйиш керак, — деди Садир ака.

— Қанақасига? — ҳайрон бўлди доктор.

— Қолип сизнинг тишингиздан олинган-ку!

— Тўғри, лекин тишни бу кишига қўйиш керак.

— Қанақа одамсиз ўзи, қолипни сизнинг тишингизга ўлчаганман деяпман!

— Тушуняпман, лекин пул бу кишиники эди-да!

— Унда нега ўзлари келмайди. Энди тишни ё сизга солиш керак ёки шундайлигича олиб кетаверасизлар.

Божалар ҳайрон туриб қолишди. Пул тўланган. Энди тишни олиб кетган билан уни сервантга қўйиб томоша қилишармиди?

Ниҳоят, тиш Садир акага қўйилди. Ташқарига чиққач, у ҳангомадан завқланиб, божасига қараб илжайди. Унинг ярақлаб кетган тилла тишларини кўрган Яхшивой аканинг эса фиғони кўкка чиқди.

БУЗОҚНИНГ КАЛЛАСИ ҚАНИ?

Яхшивой аканинг бузоғи ечилиб кетди. Бузоқ ҳовлини бир айланди-да боққа кирди. Олма дарахтининг тагига бориб, битта мевасини оғзига солди. Уни у лўнжидан бу лўнжига олиб айлантираётган эди, томоғига кетиб қолди.

Бузоқ бўғила бошлади. У қанча кучанмасин, олмани ютиб ҳам юборолмас, оғзидан чиқариб ҳам ташлолмасди. Жониворнинг кўзи олайиб, ҳовлига қараб чопди. Хириллаб, жон ҳолатда бўкирмоқчи бўлар, лекин овози чиқмасди.

Уйдан чиққан Яхшивой ака бузоқни ушлади. Қараса, аҳвол чатоқ, бузоқ бўшашиб, дир-дир қалтираб турибди. Қўлини бузоқнинг оғзига тиқди. Лекин паншахадек бармоқлари жониворнинг оғзидан нарига ўтмади.

Ноилож бузоқни ўғлига ушлатиб, қўшниси Ғойиб аканикига чопди. Ғойиб ака ҳам умрида мол сўймаган эди. У обдон бузоқни кўздан кечирди. Бу пайт бузоқ тўртта оёғини керіб, ерга ётиб олди. У ҳар-ҳар замонда бир хириллаб, зўрға нафас олар, жиққа терга ботганди.

— Наҳотки сўйишдан бошқа илож йўғ-а? — деди Ғойиб ака.

— Худо хайрингни берсин, ука. Ҳозир сўймасанг, молнинг уволига, болаларимнинг қарғишига қоласан, — деди Яхшивой ака типирчилаб.

— Эй сўй-сўй дейсиз. Умримда товуқдан бошқа нарса сўймаган бўлсам, терисини қаранг, бу ош пичоғингиз ўтмайди. Яна томоғида нимадир бор.

— Пичоқда эплолмасанг, ўткир болтам бор, бўйнига бир ур-да, узиб ташлай қол!

— Шуни бирёқли қилиш керакми, олиб келинг болтангизни! Битта тўнкаям олиб келинг. Ҳа, яшанг. Қани, бузоқнинг қулоғидан ушлаб, бошини кўтаринг-чи! Ана бўлди, энди қочинг.

Ғойиб ака бузоқнинг бўйнига тўнка қўйиб, болтанинг орқаси билан сал урганди, олма «ғилқ» этиб томоғидан ўтиб кетди. Бузоқ чуқур нафас олдида, бир-икки йўталиб, ўрнидан турди.

Яхшивой ака болта юқорига кўтарилиши билан четга ўтиб, кўзини юмиб олган эди. Бузоқнинг боши қаёққа учди экан, деб атрофга аради. Калла жойида, мол эса тик турарди. Яхшивой ака ҳеч нимага тушунмасди: «Бузоқ қандай тирик қолдийкин?»

ЕНҒИН

Олов илондек тўлғаниб, кўкка талпинарди. Пастки маҳаллани тутун қоплади. Ўт Яхшивой аканинг уйидан чиққанди. Қишлоқ аҳли қўлига илинган нарсани олиб ёрдамга ошиқди. Кўчани бошига кўтариб ўт ўчириш машинаси ҳам етиб келди.

Яхшивой аканинг ошхонаси ҳам, ғўзапоя ғарами ҳам, ҳовли этагидаги хашак уюми ҳам ёнар эди. Ўт ўчириш машинаси ошхонага рўпара бўлди. Чунки бу ердан олов уйларга ўтиб кетиши мумкин эди. Кўплашиб ошхонанинг ўтини ўчиришди, лекин ғўзапоя ва ҳашак ғарамидан бир уюм кул қолди. холос.

Одамлар пешона терларини артиб, энди нафасларини ростлашган ҳам эдики, ҳовлиқиб участка инспектори кириб келди. У атрофни кўздан кечирар экан, Яхшивой акани саволга тутди:

— Ёнғин бирдан бошландими?

— Ҳа.

— Ошхонадан ҳам, хашак ва ғўзапоя ғарамидан ҳам ўт бирданига чиқдими?

— Бирданига чиқди...

— Ҳовлига бегона одам кирганини кўрмадингизми?

— Йўқ.

— Кимдан гумонингиз бор?

— Ҳеч кимдан.

— Душманларингиз йўқмиди?

— Худо сақласин.

— Ия, у ҳолда қанақасига учта жой бирданига ёнади? Бир-биридан узоқ бўлса.

— Ҳа, энди ёнди-да!

— Бунақа совуққон бўлманг, бугун сиз индамасангиз, биз индамасак, эртага қўшнингизникини ёқади.

— Эй, худо, — деди қўшниси Соли ака, — айтсангиз-чи Яхшивой ака, гумонингиз кимдан?

— Ҳеч кимдан гумоним йўқ, дедим-ку!

— Бўлмаса қанақасига ёнди, уйда эдингиз-ку?

— Ҳа, энди... ҳеч қўймадиларингда. Шу денг, уйимизни каламуш босиб кетди. Донням кемирди, нонним. Шунга қопқон қўйдим, тушмади. Мушук ўлгур қўрқадими-ей, қарамайди. Ўзиям роса алам қилиб юрган эди, яшикдаги буғдойни қопга солай десам лаънати каламуш тагини тешиб, уй ҳозирлаб тўртта бола ҳам қўйибди. Ҳа, лаънатилар, қўлга тушдингларми, дедимда, уларни уйи билан оҳиста кўтариб бу ёққа олдим. Шундай қилайки, авлодинг бизни уйда яшаётганига минг пушаймон бўлсин, дедим. Ҳовлига олиб чиқиб уйига ҳам, ўзларининг устига ҳам керосин қуйиб, гугурт чақиб юбордим...

Йиғилганлар кулишни ҳам, ачинишни ҳам билмасдилар.

Акбархон ИКРОМОВ тайёрлади

Сўнгги йилларда грузин ва ўзбек адабиёти ўртасидаги алоқалар анча жонланди. Ўзбек китобхонлари грузин ёзувчиларининг, грузин ёзувчилари ўзбек адибларининг асарларини ўз она тилларида ўқий бошладилар. Бу ишда, албатта, таржимонлар катта хизмат қилмоқдалар. Лекин бир нарсани таъкидлаш керакки, шу кунгача қилинаётган таржималарда битта қусур бор. У ҳам бўлса, бу таржималар рус тили орқали амалга ошмоқда. Учинчи тил орқали қилинган таржима, албатта, жозибасини, баъзан эса миллий руҳини йўқотади.

Бундан буён таржимачиликни тўғридан-тўғри грузин тилидан амалга ошириш, адабий алоқаларни яна да яхшилаш мақсадида ўтган йили Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси ташаббуси билан Тифлис Давлат дорулфунунига икки талаба юборилди. Улардан бири Файзуллоҳ Файзиев бу йил ёзда бизнинг муҳарририятимизда ўз тажрибасини оширди. Бугун биз бевосита грузин тилидан таржима қилган юморларни эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

ГРУЗИН ЛАТИФАЛАРИ

СОВҚОТГАН АЁЛГА ЁРДАМ

Дзуку еттинчи қаватдан тушиб кетибди ва қичқира бошлабди:

— Вой-дод!

Тўртинчи қаватнинг балконида яланғоч аёлни кўриб қолибди:

— Во-ей!

Шилқ.

●

Тоғда чўпонлар Дзукуга қўйлар подасини кўрсатиб сўрашибди:

— Қани Дзуку, топчи, ана у ерда қанча қўй бор.

— 314 та.

— Бу томондачи?

— 259 та.

Чўпонлар ҳайрон бўлиб Дзукудан сўрашибди:

— Ҳақиқатдан ҳам шунча, Дзуку қандай қилиб шунча тез ва аниқ ҳисоблаб чиқдинг?

— Бу жуда осон, — дебди Дзуку — аввал туёқларини ҳисоблаб чиқдим ва тўртга бўлдим, қўйларнинг сони келиб чиқди.

●

Володиа йўлда турган поезднинг бир у томонига, бир бу томонига ўтар ва вагонларни чертиб кўрарди. Буни кўриб турган бир йўловчи ҳайрон бўлиб сўради:

— Нега вагонларни чертаяпсан?

— Паттада юмшоқ вагон деб ёзилган, шуни қидираяпман.

●

Володиа қўнғироқ қиларди:

— Алло, «тез ёрдамми»?

— Ҳа, эшитаман!

— 3000 сўм керак, тезда олиб келинг!

— Нима бало, ақлдан озиб қолганмисиз!..

— Нима, бу қанақа тез ёрдам бўлмаса!

●

Ражиконинг Тифлисга биринчи келиши экан. Метрога киришда ер остидан чиқаётган одамларни кўриб, сўрабди:

— Бу одамлар қаердан чиқишаяпти?

— Ер остидан, — жавоб беришибди унга.

Ражико шу ерда анча вақт туриб қолибди. Шу пайт таниши кўриб қолиб сўрабди:

— Бу ерда нима қилаяпсан, Ражико?

— Кутаяпман, дардингни олай!.. Ўлиб кетган онам ҳам чиқиб қолармикан, деб кутаяпман.

●

Ражико билан бир гўзал аёл бир купеда йўлга чиқишибди. Аёл дебди:

— Совқотаяпман!

Ражико пальтосини ечиб аёлнинг устига ёпиб қўйибди.

Аёл яна қичқирибди:

— Совқотаяпман!

Ражико ҳамма кийимларини ечиб аёлга ёпиб қўйибди.

Аёл яна Ражикога қараб қичқирибди:

— Яна совқотаяпман. Менга ҳеч нарса ёрдам бермайди. Мен эркак кишини хоҳлайман, фақат у ёрдам бериши мумкин.

— Эй, сен нималар деяпсан ўзи, ярим кечада, яна қип яланғоч ҳолда эркак кишини қаердан топаман, — дебди Ражико.

●

Чичикианинг оёғини машина босиб кетибди. Аччиқланган Чичикиа ҳайдовчига қараб қичқирибди:

— Икки миллион сўм олиб келасан, бўлмаса қаматаман!

— Икки миллионни қаердан топаман, миллионер эмасман-ку?! — дебди ҳайдовчи.

— Менинг ҳам саккизта оёғим йўқ-ку, — дебди Чичикиа.

●

Илико темир изга бошини ўйиб нон чайнарди. Бир йўловчи кўриб ҳайрон бўлиб сўради:

— Эй, сенга нима бўлди?

— Ўзимни ўлдираяпман!

— Ўзингни ўлдираётган бўлсанг, нега нон еяпсан?

— Ия, қизиқ экансан-ку, агар поезд ўтмаса очдан ўламан-ку.

●

Иликога қўшниси қичқирибди:

— Илико, эшитдингми, менинг итим гапиришни ўрганди.

— Эшитдим, эшитдим!

— Қаердан эшитдинг?

— Итим айтди!

Файзуллоҳ ФАЙЗИЕВ таржимаси

ИКИР-ФИКРЛАР

- **Узоқни кўзла, чўнтакни ўйла.**
- **Белингнинг бақувватлиги эгаллаган мансабингдан билинади.**
- **Виждонни уйи қуйди, жиғилдонни куни туғди.**
- **Ҳақиқат осмонда, калити чирвонда.**
- **Пулдор қизига уйлансанг, бил ҳар куни ғавғо бўлур, Сен хотин, у эр бўлса-чи, чангалда шўрво бўлур.**

Темурхон БОБОХОНОВ

ЗАМОНАВИЙ ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАР

Битта ўлчаб, етти кес.

Билимли ерда қолса ҳам, олтин ерда қолмас.

Талон деган билан оғиз чучимас.

Юзта дўстинг, юз сўм пулинг, мингта танишинг бўлгани яхши.

Савдодан келса бойлик,
Уйинг бўлар чиройлик.

Бошлиқнинг ёлғон сўзи ҳам ростдир.

Ғуломжон ХОЛМАТОВ

ХУШОМАДГЎЙ

«Хушомадгўй хор бўлмас,
Ҳеч нарсага зор бўлмас».
Дейсан, сенда ор бўлмас—
Хушомад қил, хушомад.
Бошлиқ боқмаса кулиб,
Салом бергил букилиб.
Кўзингдан ёш тўкилиб,
Хушомад қил, хушомад.
Асло қилмагин ёшлик,
Жим тур, уришса бошлиқ.
Олдида бўл бардошлик,
Хушомад қил, хушомад.
«Қилсам, — дейсан, — хушомад,
Кулиб боқар қўш омад.
Ишим бўлар аломат»
Хушомад қил, хушомад.
Бош эг ерга етгунча,
Белинг синиб кетгунча.
Бошга таёқ теккунча,
Хушомад қил, хушомад.

ТАЪРИФНОМА

Тулкивойни «юқори»га,
Кўтармоқчи бўлишди.
Иш жойингдан таърифнома,
Олиб келгин дейишди.
Тулки келди Шер ёнига
Қўлларида гулдаста.
Қуйидаги таърифнома
Тайёр бўлди бир пасда:
— У жудаям тўғри сўз,
Интизомда ягона.
Бошлиқнинг атрофида,
Капалакдек парвона.
Ҳақиқий тулкига хос,
Ҳамма туриш-турмуши.
Ўғирликни эплайди,
Жуда пухтадир иши.
Одамнинг кўз олдида,
Гумдон қилар товуқни.
Назар-писанд этмайди
Қаҳратонни, совуқни.
Лекин кўз олайтирмас,
Умумўрмон мулкига.
Устозлик ҳам қилгандир,
Ўттизта ёш Тулкига.
Гапни чўзиб ўтирмай,
Охирги фикрим шулки.
Ўз устида ишласа,
Ҳеч қўлга тушмас Тулки.

Нуриддин ЯҲЁЕВ

Рассом И. ЗОЙИРОВ

Энг ҳаққоний
Энг яхши асарларни босадиган
Дилингиздаги Энг оғриқ туйғуларни ифодалайдиган
Энг яқин ҳамроҳингиз

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

ойномаси 1992 йилда ҳам:
Сиз севган шоир ва адиблар ижодини;
Минг йиллик маданий меросимизни;
Чор Россиясининг мустамлакачилик юриши тўғрисидаги бор ҳақиқатни;
1917 йил тўнтаришидан кейин рўй берган хунрезликларни;
«Босмачилик» деб аталмиш ҳаракатнинг келиб чиқиш сабабларини;
1937 ва 1950 йил қатағонлари фожиасини;
Туҳматомуз «ўзбек иши»нинг «ижодкорлари» ва қурбонлари тўғрисидаги ҳақиқатни

МУНТАЗАМ ЁРИТИБ БОРАДИ

«Шарқ юлдузи» шу ҳажм ва йўналишдаги турдош ойномалар орасида

ЭНГ АРЗОНИ

Ойноманинг обуна баҳоси ўзгармади: бир сонининг нархи аввалгидек 2 сўм, бир йилга 24 сўм. Чакана нархи эса ҳар бир сони 2 сўм 50 тийин деб белгиланди. Бинобарин, ойномага обуна бўлиш ҳар томонлама қулайдир. Обуна барча алоқа бўлимларида, ташкилотлар, хўжаликлар ва корхоналарда ЧЕКЛАНМАГАН миқдорда қабул қилинади.

ҲАҚИНИ БУВИМДАН ОЛАСИЗ

Дўконга ёш, чиройли қиз кириб келди ва сотувчига деди:

— Айтингчи, мана бу газмол қанча туради?

— Қиммат эмас, мадемуазель. Бир метри — бир ўпич.

— Ростдан ҳам унчалик қиммат эмас экан, — деди қиз. — Мен саккиз метр оламан. Мана менинг адресим. Ҳақини бувимдан оласиз.

●

Бир йигит ишга кириш учун келди.

— Кечирасиз, бошингиздаги шляпангизни олиб қўйсангиз бўладими? — деди иш бошқарувчи.

— Қизиқ — деди йигит. — Нима, сизларда калланинг шаклига қараб ишга оладими?

●

Мистер Смайлс чекишнинг зарари ҳақида шунчалик кўп ўқидики, охири ташлашга мажбур бўлди... Ўқишни.

●

Эр-хотин жанжаллашарди. Хотин эрига деди:

— Сен иккимизни боқа олмаяпсан. Мен уйимизга кетаман.

— Азизим, жуда яхши ўйлабсан. Айтчи мен ҳам сен билан бирга кетсам бўладими?

●

Полициячи Францга телефон қилди:

— Қандайдир муттаҳам Сизнинг автомобилингизни ўғирлаб кетди. Лекин сиз бўлсангиз, овора бўлиб юрмай ўзимдан сўраб қолсангиз бўлмайдими?

●

Бир кампир бозорда олмани беш сўмдан сотарди.

— Бувижон, нега бунча қиммат, — сўради харидор.

Ҳасан кулади

хавотирланманг. Машинангизнинг номерини ёзиб олдим.

●

Адвокатлар идорасида.

— Иккита саволга 50 марка? — эътироз билдирди мижоз. — Бу жуда кўп эмасми?

Адвокат:

— Учинчи савол учун яна 25 марка тўланг.

●

Мюллер тирбанд автобусга чиқди. Бир пайт қараса, кимдир чўнтагидан соатини суғириб олаяпти. У ўғрининг қўлидан ушлади ва деди:

— Сиз вақтни билмоқчи

— Чунки таркибида радиоактив нур бор.

— Наҳотки нурланган бўлса ҳам сотиб олишаётир.

— Албатта. Кимдир хотинига, кимдир қайнонасига сотиб олаяпти.

●

— «Игорь полки ҳақида сўз» ва «Кичик ер» асарлари ўртасида қандай ўхшашлик бор.

— Иккининг ҳам муаллифи номаълум.

●

— Сизларнинг бир нарсага алоҳида эътибор беришларингизни сўрайман, — деди адвокат судья ва маслаҳатчиларга қараб. — Судланувчи оддийгина ўғирлик қилган.

Унинг гапини судланувчи бўлди:

— Оддийгина? Нега энди, қани ўзингиз бир ўғирлик қилиб кўринг, бу иш шунчалик оддий эканми?

●

Газета муҳарририятига хат:

Ҳурматли муҳарририят! Эшитишимга қараганда, Африкада ҳеч нарса емайдиган одамлар яшар экан. Улар озиқ-овқатларини бизга юборсалар бўлмайдими?

●

Маҳбус хатни ўқиб оғир уҳ тортди:

— Нимани ёзибди? — сўради иккинчи маҳбус.

— Ўғлим синфда қолибди. Оиламизни жуда уятга қўйибди-да, зумраша.

●

Талаба Жеймс ўртоғи Лордни учратиб қолди.

— Салом, нега кайфиятинг йўқ?

— Э, уйга хат ёзиб китоб сотиб олиш учун пул сўрагандим.

— Хўш?

— Отам бўлса китобни ўзини жўнатибди.

Русчадан таржима

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИ ВА ЖУМҲУРИЯТ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ

НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН КП МҚ НАШРИЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА»
Издается на узбекском языке

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди.

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати: Ҳафиз АБДУСАМАТОВ, Усмон АЗИМОВ, Ҳамидулла АҚБАРОВ, Рамз БОБОЖОН, Одил ЁҚУБОВ, Аҳмад ЖАББОРОВ, Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Асқад МУХТОР, Абдулла ОРИПОВ, Тоҳир ШАМСИЕВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Тўлапберган ҚАЙИПБЕРГАНОВ, Малик ҚАЮМОВ, Тўлқиной ҚОДИРОВА, Пиримқул ҚОДИРОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ, Саъдулла ҲАКИМ (масъул котиб)

МУҲАРРИРИЯТ МАНЗИЛГОҲИ: Тошкент — 700083, Ленинград кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: бош муҳаррир — 33-52-91, 32-57-42; бош муҳаррир ўринбосари — 33-43-65, 32-54-66; масъул котиб — 33-49-93; котибот — 32-58-49, БЎЛИМЛАР: ижтимоий ҳаёт — 32-56-50; танқид ва адабиётшунослик — 32-55-98; назм ва наср — 32-55-78; санъат — 32-56-48, 32-54-56, хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-49; шум боланинг чойхонаси — 32-54-71.

Навбатчи муҳаррир — Камол МАТЕҚУБОВ
Босишга топшириш вақти — 20.00 Босишга топширилди — 19.40

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БАҲОСИ 25 ТИЙИН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. индекс 64593 Буюртма 6139 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12